

Èwɛɛɛ 5'94





**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

МУНДАРИЖА

Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси,

Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:

Собир ҲНАР

Таҳрир ҳайъати:

Одил ЁҚУБОВ
ШУКРУЛЛО
Ғаффор ҲОТАМ
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ
Абдул Ғани ЖУМА
Алишер ТЕШАБОЕВ
Аслиддин КАЛОНОВ
Абдусайд КЎЧИМОВ
Абдулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Дилшод НУРУЛЛОҲ — масъул котиб
Аҳмад ОТАБОЕВ
Тўхтамурад РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Жамол КАМОЛ
Бегижон РАҲМОНОВ
Тўра МИРЗО
Аҳмад УСМОНОВ
Эргаш РИЗАЕВ
Ҳамроқул АСҚАР
Абдишукур АШИРБОЕВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Рустам ХУДОЙҚУЛ
Усмон ҚЎЧҚОР
Тоҳир ҚАҲҲОР
Ҳабибулло Саид ҒАНИ

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали

© "Ёшлик" № 5 (142) 1994 й.

1982 йилдан чиқа бошлаган.

1-муқовада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Муассар РАЗЗОҚОВА. Абдул Ғани Жума олган сурат.

Назм

Салим Ашур.
Мен сизни ҳар куни севаман бошқа . . . 3
Хосият Бобомуродова. Тушун мени . . . 8
Баҳром Ғойиб.
Ўзимни ортиқроқ севдимми сендан . . . 18
Дилбар Бону. Айрилиқ қўшиғи 20
Фарида Бўтаева. Юрак, чида 21
Нурулло Остон.
Қуёш шаробингдан бир қултум ичир . . 25

Боқий қадриятлар.

Вафо Файзулло.
Улуғбекнинг уч мадрасаси 5

Наср

Абдуғани Абдували.
Марҳумнинг мактуби. Ҳажвий қисса . . . 9
Нормурод Норқобил. Аланга. Ҳикоя . . 28

Биринчи учрашув

Уста Очил Ҳазрат. Сукунат 17

Нуқтаи назар

Ҳамроқул Асқар. Ибтидоий жамоа
даврида шеърят бўлганми 19

Жаҳон адабиёти хазинасидан

Фридрих Дюрренматт. Ит. Ҳикоя 22

Тўқ мағиз

Лев Шестов. Мантиқсизлик тантанаси . . 26

Олис-яқин овозлар

Очил Тоҳиров.
Аъзам Исмоил.
Сулаймон Шодиев 27

Манзилмиз: 700017, Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 33-40-83. 33-06-63.

Босишга 25.10.94й.да руҳсат берилди. Қоғоз формати 60x84
1/8. Шартли босма табоқ 4,2. Нашриёт ҳисоб босма табоғи
- 4,0 10.000 нусхада чоп этилди. Буюртма 3114.

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди, деб
изоҳланиши шарт.

Оригинал макет "Ёшлик" компьютер марказида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа консер-
нининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Салим АШУР

МЕН СИЗНИ ҲАР КУНИ СЕВАМАН БОШҚА...



* * *

Ишонинг, бир умр содиқ қоламан,
Сизни авайлайман мен чўкаётиб.
Мен сиздан огушлар сотиб оламан,
Сизни қутқараман — ўзимни отиб,
Мен сизга бир умр содиқ қоламан.
Турсангиз — мен сизга паноҳ бўлгумдир,
Юрсангиз — мен сизга бўлдим посибон.
Сизни севиб ўлмоқ-гўзал удумдир,
Сизни севмай яшаш-ўлим бегумон,
Мен сизга бир умр содиқ қоламан.
Аскарнинг даргага садоқатидек,
Сиддиқлиги каби томчининг тошга,
Офтобнинг ҳар кунги саёҳатидек,
Тайёрлиги каби кўзимнинг ёшга;
Нега бундоқ, нима, нечун демасдан
Боглиқлиги каби кийикнинг тоққа,
Мен сизни ҳар куни ёниб севаман,
Мен сизни ҳар куни севаман бошқа.
Фалак эгалари қилмасдан амр,
Фармонлар чиқармай ҳали подишоҳ,
Қалбим синиқларин этмасдан таъмир,
Ҳали тузалмасдан бузилган дунё;
Тўғри йўлга кирмай токи одамзот,
Токи тарқагунча ҳаётдан туман...
Бир умр, бир умр итингиз каби
Сизга хизмат қилай садоқат билан.

16.V.93.

* * *

Ёри қўпу ёлғиз дилим,
Фироқ ўлмиш асл илм,
Дарғоҳингга келмиш Салим,
Ассалом, эй ошно ўлим.
Сўлди азиз ўттиз гулим,
Ташлаб кетти тўғри йўлим,
Тилим ўлди тилим-тилим,
Ассалом, эй ошно ўлим.
Маним душмоним — ман ўзум,
Маним гул-шоним — сан ўзунг.
Маним кишоним — ман ўзум,
Маним пушмоним — сан ўзунг.
Сўзим — ўзимга марсия,
Ўзим — ўзимга таъзия.
Мени ҳар кун пайҳон этар
Юрак деган соз — осия.
Жам бўлмадим, бўлдим тўзим,



Ёниб кетти ўттиз ёзим.
Ҳар кун хор ўлишим кўрмай
Оқиб тушсин икки кўзим.
Зухроларга зориқиб зўр,
Икки кўзим бўлди бир кўр,
Кўр қўз нима? Очиқ қолган,
Томи кўчган ломакон гўр.
Ассалом, эй ошно ўлим,
Ассалом, эй ташна ўлим.
Мендек йигит тирик ўлмиш!
Юзларингни ёшла, ўлим.
Дуня, сани ямон кўрдим,
Сандан ҳеч шафқат кўрмадим.
Яшай десам — яшатмайсан,
Ўлай десам — ўлдирмадинг...
Тириклигим кўролмайсан,
Майсага жилмаёлмайсан
Ўттиз йилим уч капалак
Бўлиб учиб кетти боғдан.
Ўтган ўтти, кетган кетти,
Бир сас галди ё ужмоҳдан.
Мунча ғариб, мунча ёлғиз,
Танҳо келган қисқа йўлим,
Ғариб эдим, ғариб кеттим,
Ассалом, эй ошно ўлим...
Ёр топмадим, дўст топмадим,
Бахт топмадим, топмадим руҳ.
Санга жуда ўрганипман,
Мани ташлаб кетма андуҳ.



12.XII.92

* * *

Биламан: сенсиз ҳеч яшай олмайман,
Билмайман: сенга ҳеч кераклигим йўқ.
Биламан: изингдан итдек қолмайман,
Билмайман: менга сен отажаксан ўқ.
Биламан: бир куни йўлингни тўсгум...
Билмайман: сен унда бахтга етасан.
Биламан: кўлингга тирноқдек ўсгум...
Билмайман: сен мени топтаб ўтасан.
Биламан: телефон тошин тераман,
Билмайман: уйқудан очмайсан кўзинг.
Биламан: кўксимни тутиб бераман,
Билмайман: пичоқлар қадайсан ўзинг.
Биламан: чузаман сенга илкимни,
Билмайман: кетасан кўчага ташлаб.
Биламан: кутасан ёруғда кимни,
Билмайман: гўримга қалайсан тошлар.

Биламан: сен учун созлар созлайман,
 Билмайман: дилимни синдирганимни.
 Биламан: исмингни кумга ёзмайман,
 Билмайман: ғамларни тиндирганимни.
 Биламан: сени мен бино қиламан,
 Билмайман: мени сен қиласан адо.
 Биламан: дойим мен хато қиламан,
 Билмайман: сен ҳечам қилмайсан хато.
 Биламан: бир куни нидо қиламан,
 Билмайман: ўша кун бермайсан садо.
 Биламан: бир куни қайтиб келаман,
 Билмайман: дарчангни очмайсан ҳатто.

* * *

Мана гугурт, мана тош, мана
 Битта зарб. Ва тугайди умр.
 Фақат чақмоқ — чўғ ошиқона,
 Фақат чақноқ оловни эмар.
 Фақат чақмоқ гапиради рост,
 Фақат чақмоқ кечади тўғри.
 Дил, ўзингни ўз доринга ос,
 Дил, хайр де тўлғониб, оғриб.
 Дил, ўприлган қирғоқларингга
 Илдизларин отди нилуфар.
 Дил, чайқалган чарқоқларингдан
 Бахтсизликнинг иси уфурар.
 Дилдарактнинг шохаларидан
 Бош кўтарар ҳуркович фироқ.
 Дилни чақмоқ ёқаларида
 Чақмоқ, чақмоқ ва яна чақмоқ.
 Дил, нилуфар кафтлари буйлаб
 Анор каби титилгил, ситил.
 Сочларингнинг ҳар торин куйлаб,
 Қаро, қаро тўкилгил, эй дил.
 Қоши — осмон. Осмон остида
 Бир жуфт қарға, қоп-қора, чақноқ.
 Қарға қарғар. Қарғиш дастидан
 Кипригида тирилар титроқ.
 Мен ҳам қадим осмон тагида
 Минг бир тошга уриб тўзимни,
 Хайр деган қир этагида
 Чинор янглиғ ёқдим ўзимни.
 Бу дунёга бўлолмадим эн,
 Дарё каби қуриди дийдам.
 Сенга буй ҳам бўлолмадим мен,
 Уқлар тегиб йиқилдим мен ҳам.
 Мен ҳам кириб чиқдим оламнинг
 Бор кўчаси, хилватларига.
 Юрагимни кесиб бердим мен
 Юрагимнинг улфатларига.
 Чақмоқ фақат гапиради рост,
 Дил, данакдай чақилгил, чақна.
 Дил, ўзингни ўз доринга ос,
 Мана гугурт, мана тош, мана...

* * *

Кетаяпсиз. Бир нафас тўхтанг.
 Ўгирилинг. Жилмайинг. Қайтинг.
 Менга кўнгили берган бўлса гар
 Кимни ташлаб кетибман, айтинг.
 Қайтинг. Кўз ёш тўкманг. Энтикманг.
 Бошингизда турарми турмак?
 Кўзингиз гар боғлиқ бўлса ҳам
 Юрагимга келтирар йўлак.
 Энтикманг. Бош этманг. Қимтинманг.
 Ёқангиздан кирмасин шамол,
 Йўлидаги ғаддор дарахтга
 Мени чирмаб боғлаган аёл.
 Қимтинманг. Кўз юмманг. Титраманг.
 Лашкар тизманг менинг дафъимга,
 Ўнта қушдай, бармоқларингиз
 Йиқилади қақроқ қалбимга.
 Титраманг. Лаб бурманг. Тишланманг —
 Лабингизда йўрақда ҳилол.
 Чап кўзингиз беланчагида
 Ҳиндбаччадай ўйнар қора хол.
 Тишланманг лаб. Иккиланманг ҳеч.
 Қадамларни эрка қўйворинг.
 Сизга агар йўл бошласалар,

10. V. 93.



4. IV 93.

Майли, менинг уйимга боринг.
 Иккиланманг. Эгилманг. Синманг.
 Қиёматга қолмасин дийдор.
 Дунё сизсиз хасдир, хашакдир,
 Борлигингиз учун дунё бор!
 Синманг. Қўрқманг. Ва парчаламанг.
 Қўрқмайман деб ҳайқириб айтинг.
 Қайтиб чиққан офтобга ўхшаб
 Секингина ёнимга қайтинг.

18. 1. 94.

* * *

Турасиз. Палтони киясиз енгил,
 Сизни қучоқлайди гулчамбар.
 Эй ғариб, эй гадо, девона сингил,
 Эй шамшод, эй сарв, эй мушки анбар.
 Лабингиз япроқдек дилдироқ, титроқ,
 Эй довул, селларда келган дарахтим.
 Тиригимда ўзимнинг бахтсизлигим, эй,
 Ўлсам, мендан сўнг ҳам қолурсиз, бахтим.
 Кўзингиз яшриная деса — паноҳ йўқ,
 Севги либосини кийган таҳлика.
 Эй кулгучи менинг қайгумга тобут,
 Эй бели ингичка малика.
 Юрса — этигидан из қолмайдиған,
 Кетмакка шайланган эй гули раъно.
 Қўлингиздан тутиб қололмас кўзгу,
 Сизни чорлаётир олтинчи маъво.
 Сочини дуррага бостирган бераҳм,
 Кўзуга ёнлама қараган улфат.
 Қўлларим тарбия кўрмаган, бешарм,
 Китоб, дафтар, қалам — бир хона кулфат.
 Менгамас... эшикка ярим суяниб,
 "Сизни ҳечам яхши кўрмайман" деган,
 Ингичка кўрсаткич бармоғи ила
 Пучуқ деб бурнимнинг учига теккан.
 Эй кўнгли ўксиган. Ўксикларида
 Фаришта, ажина тирилган эртақ.
 Эй ўнта бармоғи — ўнта атиргул.
 Эй ҳар бир бўгини биттадан куртақ.
 Ўзгага аталган шеърларни ўқиб,
 Мен учун жонини жабборга тиккан.
 Ўзи очунларда ягона, бироқ
 Менингдек бедаъво, куюкни севган.
 Кифтимга бошини гул мисол қўйиб,
 Муҳаббат сўраган телба, тиланчи,
 Дунёни кийимсиз кўрмак истаган,
 Эй учтами-тўртта расида, ғунча.
 Кетса — қадамнинг товушларини
 Менга бир умрга қолдирган ғамхўр.
 Севмаса — йўлидан адашадиган,
 Севса — йўл-кўчасин кўрмайдиган кўр.
 Тонгда Художонга ибодат қилиб,
 Тунларда ўзини итга ташлаган.
 Чегарадан уёқ-буёққа ўтиб
 Ҳар куни ғазовот, ғавго бошлаган.
 Кўёш ҳам холининг ярмин илгаса,
 Ярмин илгаёлмас қари дўкондор.
 Дўконда ҳамён бор. Ҳамёнда эса
 Тирик бостирилган икки исён бор.
 Боққа оқар сувдек кириб келганда
 Ҳайратдан дарахтлар қарсиллаб синар.
 Осмон томонига тоғлар тиқилгай.
 Шошиб қиличларни ютади қинлар.
 Сиёҳ қоши билан йўлимни тўсган.
 Эй кўзлари рўё, киприги гўё,
 Соямга тўр солган сайёд сояси —
 Чиройли, мукамал, азалий дунё.
 Йигирма тўрт йилда кириб ҳосилга,
 Ўзини қисматга топширган фасл.
 Эй шамшод, эй сарв, эй мушки анбар,
 Эй ғариб, эй гадо, эй телба сингил.



Салим Ашурнинг йили балиқ. Болалик ва ўсмирлиги
 Вахш бўйларини Қизирик чўлларида ўтган. Ҳозир 30 ёшда.
 Шеърнинг ибтидоий қоидаларини Тожиҳол опасидан
 ўрганган. Журналистлик йўриқларини Тошкент дорилфу-
 нунида билди.

Яқинда "Яшил гиёҳ" номли илк шеърлар китоби чоп
 этилди. "Атиргул", "Сиз эртага келасиз..." тўпламлари нашр
 этилиши арафасида.



Вафо ФАЙЗУЛЛО

УЛУҒБЕКНИНГ УЧ МАДРАСАСИ

*Ярим хаёлий, ярим тарихий мақола ёким бир думбил сайёҳнинг
ҳушида ва тушида кўрганларининг қайди*

Бизнинг шарқликларга саёҳат эрмакдай туюлади. Зиёрат ҳам кўпинча бир дардмандлик важдан бўлади. Кулбаи ошёнимиздан ярим соатлик жойдаги обидадан ҳам вақтимизни қизганамиз. Ўша харобига тепалик, бузуқ-йиқик иморат ошу нон берадими, фойдасиз экан, нима қиламиз бошимизни оргитиб, деб ўйлаймиз. Таажжубланарлиси, бизнинг бу мулоҳазамизга тескари қабилда иш тутадиганлар ҳам бор-эй. Гоҳида бир ташвиш билан ўша жойдан ўтсак, атрофда гирдикапалак бўлиб юрган ажнабийларга кўзимиз тушади. Дунёнинг нариги бурчагидан келган олмон аёли ёки бир жуфт инглиз тилла топган гадодай бунда ҳовлиқиб юришади. Кўзларида ёнган галати олов шавқида мозий уфунати эсиб турган бинони "чақ-чуқ" қилишиб суратга олишади. Иморатнинг пасти-баландига синчиклаб термулишади. Деворларидаги аллақандай чи-зиқлардан нимадир топиб, беҳад ўзларида йўқ хурсанд бўладилар, жа-завага тушадилар. Тавба... Бу жин чалганлар боболаримиз тиклаган, ал-лақачонлардан буён тўзгуб ётган, ар-воҳлар ошён бўлган жойдан нимани излашаркан-а?

Ғойибдан садо: — Тарихни!

— Ийя... Қани бўлмаса мен ҳам бир ҳаракат қилиб кўрай-чи?

Буни Шайхзодага тақлидан бош-ладим. Қизиққаним — Муҳаммад Та-рағай Улугбек ҳаётини чуқурроқ би-лиш учун унинг руҳидан ҳам мадад олишни истадим ва Улугбек қурдирган мадрасаларнинг энг кенжаси Ғиждувондагида бир кеч тунадим.

Очиги, ўшанда унинг бошпаналик жойи қолмаган, уч томон деворлари қулаб, нураб ётарди. Руҳият ва на-зарда, тарбия ва тазарруда Шайхзода билан орамизда йилларча фарқ бор экан. Шу кеча Улугбек у ёқда турсин, бирон-бир назаркарда ҳам тушимга кирмади. Бунақада лабларимга учуқ қаёқдан тошсин. Лекин... ҳар тугул Оллоҳ меням бандам деганиданми, қуруқ қўл билан қайтармади. Ярим мудроқ хаёлимда Улугбек мадрасалари аслидагидек қад ростлади. Бу гўшаларнинг бир гишти бутун бир бино, бир нақши бир дунё жило, бир хонаси мозий ҳақида адоқсиз эртакмас, ҳақиқатдан сўзларди...

Эрталаб турдимۇ ҳеч нарсани ўйламай кетиб қолдим. Лекин кўп ўтмай ўша туш, ўша ширин хаёл эсимга тушиб мени безовта қилаверди. Кейин чидовсиз соғинч хуружини сездим. Охири бўлмади. Ярим йилдан кейин яна қайтиб мадраса зиёрати учун шошилдим. Йўлимда кимдир ўлимидан олдин бобом Тошкентни йўқлаб, Алпомиш Қултойдан Чамбилни соғиниб сўраган каломни сўрарди:

— Менинг мунаққаш айвонларим омонми?

Ҳовлиқиш шундан бошланди. Фақат бунақа зиёрат ҳаяжонини аввал бошимдан кечирмаганимдан, устига-устак сайёҳликда ҳам тажрибасизлигим, тарихий китоблардан ҳам қарийб беҳабарлигим панд беришини кўнглим сезиб турибди. Жилла курси, нимани кўришни, нимага кўпроқ эътибор беришни, нима ҳақида мақтаниб-да гапиришни билмайман, билолмайман. Шу боис кузаткиларим, ён дафтаримга илинганлари пала-партиш, саёз, ҳақиқатдан йироқ бўлса авф этасизлар. Ғўрлик қурсин, гўрлик...

Ғиждувон шаҳрининг марказида янги бозор тушган. Бозорга келганнинг кўзини бутунлай мол-дунё ғавғоси, пул

шираси ёпиб олмаган бўлса, ғарбаги муҳташам қалъасиз дарвозага кўзи тушади. Унда "Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувоний жомеъ масжиди" деган ёзув бор. Мадрасанинг олд томонига худди шу томондан — кунчиқардан борилади. Салгина юрилганда ҳалигиндай салобатли бўлмаса-да, яқин вақтларда тикланган масжидга дуч келинади. Ундан чап томонга қиялаб кетилса, бир зумлик фурсатдан кейин нақшбандия тариқати-нинг асосчиларидан бири ҳазрат Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг хилхоналари чиқади. Олдида тош қудуқ.

...Мелодий 1432 йил қаҳратонида Улугбек тўнғичи, жуда зукко ва келажагига улуг умид боғлаган 12 ёшли Абдураҳмон исмли ўғлидан жудо бўлади. Фарзанд доғида ҳаддан ортиқ куйган ота Бухородан қишлаб қайтар чоғида Ғиждувонга алоҳида қўнади, баҳорнинг илк 4 кунини ва тунини ҳазратнинг хилхонаси олдида бўлакча тавба-тазарру, қушойишлар кутиш билан ўтказади. 4 кун тўлиқ хилхона ёнидаги чиғлахонада ўтиради ва ҳар кун қирқ зинали нарвондан бир тушиб чиқади. Бу кунларда у шоҳона ёйиш-ичишни ҳам тарк этади. Чиллахонада бир бўлак суви қочган нонга, тош қудуқнинг шўртакроқ сувига қаноат қилади. Бунда бўлган биринчи кунданок хаёлига ғойибдан бир фикр кела-ди. Кун ўтган сари бу фикр қатъийлашади: "Марҳум ўғлидан кутган орзуларини энди элининг у тенги болаларидан кутса бўлмасму? Бироқ Самарқанддаги шароитнинг ўндан бири Ғиждувонда борми? У қасд қилса бўлади. Ўғли хотираси учун, ҳам табаррук зиёратгоҳ ҳаққи бунда мадраса солдирса, эвазига ажабма-ски Оллоҳ ҳам унга яна "ол қулим" деб юборса..."

Ҳақиқатдан ҳам кўп ўтмай бу ният амалга ошади. Бир йилдан кейин Улугбек қурдирган бошқа мадрасалардан кичикроқ бўлса-да, 25-30 болани бағрига сиғдира ола-диган, гўзал ва пухталиги жиҳатидан ҳеч туманда

қўрилмаган бир мадраса дунё юзини кўради. Бахтни қарангки, шу орада Улугбекнинг учинчи ўғли Абдулазиз ҳам дунёга келади.

...Ўша воқеадан 561 йил кейин ҳам хилхона билан мадраса ўртасидаги тош қудуқ атрофида гуруҳ-гуруҳ зиёратчилар юради. Лекин чиллахона билан қирқ пояли нарвонни келганларнинг боболари ҳам кўрмаганлар. Фақат улар Улугбек кўрмай кетган бошқа воқеа ва манзараларни эслашади. Кейинроқ ҳазратга яқинроқ жойда теваракнинг улуғлари қўйилган. Амирлик замонларида катта-кичик марҳумлар аралаш бу ерга келтирилаверади — Мозор. Айни шу палладан Вамбери "адашиб" Самарқанддаги мадрасада деб нисбат берган бойўғлилар аслида Ғиждувондагида ғайратли муллаваҷчалар ўрнини эгаллайдилар. Негаки, бойўғлилар табиатан мозор олдидаги қаровсиз, хароба иморатларга ўч бўлишади...

Булар ҳам ҳолва экан. Бухоронинг сўнгги амири Олимхон охири марта Ғиждувонда тунагандан (1920 йил мезон бошлари) кўп ўтмай қолган-қутган ўн чоғли савод чиқара-ётганлар ҳам бундан қувиб чиқарилди. Улар ўрнига мадрасанинг мустаҳкам ва кенг икки хонаси — дарсхона ва масжидни қизиллар қамоқхонага айланттирдилар. 20-30



Ғиждувондаги мадраса

йилларда бунда қулоқ, халқ душмани, диндор, ватан хоини сифатида қамалиб отилган — йўқотилганлар ҳисоби ёлғиз худоголига аён.

Йиллар ўтиб, бундайлар ҳаддан камайиб кетдими ёки маҳбусларни бу ерда сақлаб туриш қийин бўлиб қолдими, ҳар қалай қамоқхона энди омборхонага айлантирилди. Атрофдаги мазор текислаб юборилган паллага келиб эса адои тамом бўлаётган бино омборхонага ҳам ярамай қолганлиги тушунилади. Менинг иккинчи келишимдан сал олдин эса Улугбекнинг шахсан ўзи ташриф буюриб, бу бинони қандай нијатда тиклаганлигини йилгаб эсга туширади. Ҳамон оналарининг оёқ учларида умргузаронлик қилаётган Хожаи Жаҳон бу юрак ўртар изҳорога жим туролмайдилар, гувоҳлик берадилар...

...Тўғриси ҳам олти ой орасида бундаги манзара анча-мунча ўзгарганди. Аввал нураб ётган ёки бутунлай қулаб кетган шимолий ва жанубий томонларга икки қаватли қилиб, жами 12 ҳужра солинибди. Ғарбий томоннинг пасти айвон, тепаси пештоқ билан ёпилган. Бу пештоқ ердан 13 метр келади. Унинг 7,5 метри қайтадан кўтарилган. Энди унинг устига қубба ўрнатиш тадориги бормоқда. Кейин Азим Ҳайит бошлиқ усталар кошнлашни бошлаб, чор тараф деворларига турфа безаклар берадилар. Қарабсизки, яна 500 йил ўтиб...

Ғиждувонда Улугбекнинг яна икки мадрасаси дарагини эшитдим. Бири Самарқанду Фирдавсмандда, иккинчиси Бухорои шарифда дейишди. Аввал нисбатан ёвуқдагинини зиёрат қилмоқ бўлдим. Автобусда кетарканман, Бухоро мадрасаси ҳақида нималар билишимни хаёлга келтириб борардим.

Улугбек юрт сўраган даврда тикланган бетакрор обидаларнинг биринчиси 1417 йил кузида (баъзи манбаларда 1417—1418 йиллар) қуриб битказилган Бухоро шаҳридаги мадрасадир. Аини пайтда Улугбек Мирзо 23 ёшга чиққан, оталиғи амир Шоҳмалик тергашидан эндигина қутулганди. Бу мадраса мавқе, ҳажми жиқатидан Улугбек қурдирган мадрасаларнинг ичиде иккинчи ўринда туради. Икки ошёнли, 16 ҳужрали, кенг бир дарсхонаси ва ғарбида масжиди бўлган. Ҳар бир ҳужранинг ўзи икки бўлмага ажралган, пастида талабаларнинг хўжалик юритиш жиқозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари сақланган. Тилиблар ўзларига егуликни ҳам шу хонада тайёрлашган. Юқоридаги хона дарс тайёрлаш ва дам олишга ажратилганди.

Мадрасанинг олд томони икки ёнида икки минора қад ростлагани, кирадиган жойда муҳташам айвон, унинг юқорисиде юксак пештоқ кўтарилиб, пештоқни ўртасиде "Талабул илми фаризатун алоқули муслимун ва муслима" ҳадиси чиройли хатда битилгани айтилади. Мадраса тўрида ҳовлига қараб яна бир кичикроқ пештоқ ҳам бор.

Ғиждувонлик уста бу мадраса бизнинг кунларгача қариб бус-бутун сақланган, деганидан қадим Бухоронинг эски шаҳар кўчаларига кун тугар томондан кирар эканман, уни дарров топиб оламан деб ўйлагандим. Ёпирай.

Бухоронинг ҳар қадамидан битта мадраса чиқаверди. Ҳайратданми, гумроҳликданми ҳушим бошимдан учиб айланавердим... Қарасам, қувончдан адо бўладигандайман. Ахир нима қилай? Бу ёдгорликлардан Улугбек мадрасасини қандай айириб олса бўлади? У қай томони билан бошқа иморатлардан фарқ қиларкин? Бутун шаҳар — мадраса.

Ҳайриятки, Абдуллахон тимидан чапга бурилиб, бир-бирига юзма-юз икки бинога кўзим тушиб қолди. Буларнинг ўнгалиси (шимол томонда) мен излаган Улугбек мадрасаси эканлиғи олдида ўйиб ташланган ғишт, шағал ва тошлар, деворга тегизиб кўтарилган темир нарвонлардан қўриниб туради... Рўпарасидеги унга қараганда анча навқирон ва салобатлироқ эди. Абдулазизхон II номидаги бу мадраса Улугбекниқига қараганда 235 йил кейин бунёд бўлган. Абдулазизхон мадрасасини қурган меъмор гўё Улугбек мадрасасига қараб, ундан истаганча нусха кўчиргандай туюлади. Аини чоқда ўтмишдошидан ўзиш хаёлида янги бир, шу пайтгача Бухорода қўрилмаган гўзал ва шуқўҳли иморат солганми-эй. Ишқилиб, бу Улугбек мадрасасига қараганда ҳовлининг кенглиғи, пештоқларнинг ҳам тўртта эканлиғи, ҳужраларнинг кўплиғи ва бутун бинонинг янада безакка бойлиғида сезилади.

Бироқ хаёл Улугбек мадрасаси томон тортади. Бу мадраса Мовароуннаҳрда энг кўҳна соғ-омон қолган илм даргоҳи ҳисобланади. Бундан олдин қурилган ҳеч бир мадраса бизгаче етиб келмаган. Дарвоқе, бу мадраса ҳам вақти-вақти билан таъмирланиб, кўчган ва нураган жойлари таъмирланиб турилган. Аиниқса мелодий 1652 йилда обдон тузатилган.

Саёҳатим жазирамага тўғри келганини қаранг. Маълумот беришларича, қишни Бухорода ўтказишни ёқтирган Улугбек Арқда диққинафас бўлиб кетган чоғлари мадрасага келар, ўзича мударрислар савиясини, талабалар билим олишини имтиҳондан ўтказган бўлиб, янги истеъдод соҳибларини кўп ўтмай ўз атрофиға, Самарқанд мадрасасига чақириб оларкан. Шунданми, аини қирчиллама қишда бу гўшада сабоқлар авж нуқтага чиқар, аиниқса Бухоро "дини қувват аст" лигидан шариат йўл-йўриқлари, сўфиёна баҳслар қизигандан-қизирди. Бу олов шуъласи бизнинг аср бошигача ҳам ҳар қалай ўчмай келган... Кейин-чи?..

Буни билмаслиғимдан эшик олдида сўррайиб, анча вақт у ёқ, бу ёққа қарадим. Ҳар тугул қоровул чол бундан сал-пал хабардор чиқди. 20-йилги ағдар-тўнтардан кейин аввалига мадраса ёпиб қўйилган. Кейинроқ собиқ Иттифоқда ягона сақланиб қолган Мир Араб мадрасаси толиблари учун ётоқхона қилиб берилди.

Мадрасанинг ичига кириб, томларига чиқиб қарадим. Ўтган даврдаги қаровсизлик ўз таъсирини кўрсатганди, Шарқий девор нураб кетган, олд пештоқ ҳалокатли даражада ёрилиб ётар, ёгин-сочиндан илма-тешик томнинг хароблигини айтишга тил бормади.

Шукурки, мадрасани ҳар томонлама таъмирлашга киришилиди. Бинони имкон қадар асли ҳолига қайтариш учун Зоир Остонов саркардалиғида уста Жўрақул, уста Ибод, уста Қосимлар изидан 70-80 заҳматкаш тер тўқарди. Улар Шарқий деворни қайтадан тиклаб, олд пештоқни созлайдилар. Том очилиб, метинлаб ёпилади. Усталар аиниқса асл безакларига ўхшатиб, гуллар солишга астойдил ҳаракат қилишяпти. Ҳали ўрнатилмаган бўлсада, ҳунарманд кўллардан чиққан морпечлар, безакдор гиреҳу ганчкорликлар, кошнлар эртага мадраса деворига қайтса гўзал мозий уйғонади. Мадраса билан хайрлашмай хайрлашдим...

Шунча гап-сўз, девонаваш тентирашлардан кейин Самарқанддаги Улугбек мадрасасини кўрмасам бўладими? Бу сафар посад огиримни енгил қилди. Оташ арванинг учинчи қаватиға базўр чиқиб олиб, "роҳатланиб" кетарканман, бу илм гўшасиде кимлар ўқигани эмас, кимларнинг қони томгани, кўмилганлиғи негадир эсимга тушди... Бартольднинг таҳминича, аввал бошда мадрасанинг номи номальум бош меъморининг хоки шу ерга қўйилган. Бундан 29 йил ўтиб, 1449 йилнинг 26 октябрида Улугбекнинг жасади ҳам хуфиёна худди шу жойга дафи қилинади. Орадан олти ой ўтмай 1450 йил 9 майда падарқуш ўғил Абдулатифнинг танидан жудо бўлган боши мадрасанинг кунгиратор пештоқини безайди. Улар анчагина ва ҳар хил шахслар. Бири жазага мустаҳиқ бўлиб, иккинчиси савоб талаблиғидан мадраса тупроғини қучишган. Ҳатто асримиз бошида шарқшуносликда ном қозонган домла Вяткин ҳам олдинига шу ерга кўмилган. Кейин ақсарият марҳумлар каби ҳозирги ўрниға борган... Қизиқ, мадрасами бу ёки мақбара.

Муҳаммад алайҳиссалом ҳижратининг саккизинчи юз йиллиғида... дунё юрағида қад ростлаган илм даргоҳларидан энг улуги шубҳасиз Самарқанддаги Улугбек мадрасасидир. Бу мадраса қурилиши ҳам Бухородаги мадраса қатори ёки озгина фурсат кейин дошланиб, уч йилдан кейин 1420 йилда ниҳоясига етказилган. Бу ўқув даргоҳи пойтахтда, подшоҳнинг хос мадрасаси бўлиши кўзланганидан ўша замонда д'чёвий ва диний фанлардан энг чуқур билим бериш шароити етадиган ҳамда энг кўп истеъдодлар, илмга ташналарни бағриға ола оладиган бўлган.

Бу муддатда подшоҳ босидан анчагина савдолар ўтишиға қарамасдан (кўз очиб қўрган рафиқаси Ўғай бегим қазо қилади, Сирдарё бўйларига қўшин тортади, анча пайт Бухорода қолиб кетади) Самарқандга қайтиши билан оқ отини миниб мадраса қурилишидан хабар олар, ўзи



Бухородаги мадраса

йўқлигида тикланган жойларнинг синчу раҳини синчиклаб нигоҳидан ўтказарди.

"Ушбу мадраса шаҳар ўртасида (арки олийга яқин бир ўринда)дир. (Мадрасанинг) тоғ шуқуҳли ҳайъати устихонд-банд мустаҳлигидан фалак биносидан тинчликни олган, юксаклик жиҳати бўлмиш азаматнишон пештоқи огирлигидан ерга зилзила келтирган, унинг олий даража кунгираларини қудрат устаси фалак айвонининг муқарнаскарлиги билан бир хилда ясаган, ложувард кошнларини қазо наққош фалак-нинг чарогон юлдузлари билан бир тартибда нақш қилиб, уларга дахлдор қилган қуёшдек жилваси зарнигор нақшлари гўзал фалак гумбази билан ҳамвазн эди".

Очиғи, Абу Тоҳирхўжа гўзал сўзлар, нозик ўхшатишлар билан тасвирлаб берган мадраса ҳолати менга жуда мавҳум туюлди. Умумий тасаввур қилишга уринганим ҳолда аниқ-тиниқ ҳеч нарсани кўз олдимга келтиролмадим. Шу боис ҳам бунда кўрганларимни ўзимнинг ғадир тилим ва думбул ақлим билан тасвирамасам кўнглим тўлмайдди.

Регистон майдонидаги уч 'бинодан кунботардагиси Улугбек мадрасаси бўлади. Чап биқинида Тиллакори, рўпарасида Шердор мадрасалари ўринлашган. (Буни билмаган ўзбек топилармикан...) Улугбек мадрасаси тикланганда бу мадрасалар хаёлда ҳам йўқ, уч томон ҳам очик турган. Шердор 1619-1631 йилларда, Тиллакори 1641-1660 йиллар оралигида бунёд этилган.

Тикланган чоғи Улугбек мадрасаси тўрт минорали, тўрт пештоқли, тўртта кенг-кенг дарсхонаси, бир улкан хонақоқ — масжиди, икки қаватида 48 ҳужраси бўлган. Томи гумбаз шаклида ёпилган.

Аммо иккинчи қават, гумбазли том бизгача етиб келмаган. Абу Тоҳирхўжа "Самарқандда бузқўчилик чоғларида ўзбек хонларидан бирави подшоҳлик ўрдаасига саркуб (қўрғон ичидаги ёвни тўпга тутиш учун кўриладиган юксак ўрин) бўлмасин, деб устки қаватини буздирган" деб ёзади. Саййид Роқимнинг фикрига таянган В.Л.Вяткин эса бу ҳодиса кейинроқ юз берган бўлиши керак, Шайбонийлар даврида ҳам бунда илм ўрганиш авжида бўлган деб ҳисоблайди. Қачон нима бўлганда ҳам иккинчи қават бузилиб, гумбазли том кўчирилиб, пастлашган ўрнига текис бўлгучи тўсин ёпилган.

"Ҳамма жойдан кўришиб тургуччи" Самарқанд минораларининг тўрттаси шубҳасиз Улугбек мадрасасига дахлдор эди. Уларда юрагида юлдуз тўла Улугбек, қувғинликда ҳам бепоён таш-беҳлар тополган Мир Алишер, саҳройи таптортмас Шайбоний, ҳаммадан ҳам шу саҳройидан дили куйиб кетган Бобурларнинг ҳайқириқ ва хўрсиниқли нигоҳлари қолиб кетган. Минорадан бугун ҳам уларнинг сайратларини кўрса бўлади. Мени эса аввалю икки улуг шаҳардаги минораларнинг шахс каби ўзгачалиги, табиат янглиг бетак-рорлиги ҳайратлантирди.

Қаранг, Бухородаги Минораи Калон осмонга найза санчишга интилаётган баҳодирдай турибди. Самарқанддаги Улугбек мадрасасининг миноралари Тангрига иймон келтираётган ҳовучи очик паҳлавоннинг ўзи... Балки улар ўз дардларига Оллоҳдан шифо топаётгандирлар. Балки... йўқолган, йўқотилган шон-шавкатимиз қайтиб келгунча шундай туришга қасд қилгандирлар.

Ачинарлиси, қарийб ярим минг йил бус-бутун турган миноралар бизнинг асрга келиб, тинчликларига путур етди. 1932 йил шимолий ғарб ва жанубий ғарбда жойлашган миноралар бирдан ога бошлайдилар. Бино муҳандиси Мауэрнинг кўрсатмаси билан улар ҳовли ичига боғлаб қўйилади ва имкон қадар таъмирлаб, оёққа тургазилди. Бироқ устакорлик 20 йилга ҳам ярамади. 1943 йилда жанубий ғарбдаги минора тўсатдан қулаб тушиб, кузатув-чиларни доғда қолдирди. Шу орада шимолий ғарбдагиси ҳам қимирлаб қолиб, тепаси "учиб кетди". Қаёққа дейсизми? Ҳар қалай кўкка эмас, ерга, ерга!

1972 йилга келиб, жанубий шарқдаги минора ҳам бир тарафга қийшайверди. Буни москвалик муҳандис Рендер лойиҳаси асосида асли ҳолига яқинлаштирилди.

Энг мустаҳкам, фақат томоша кўрсатиб, ҳеч ташвиш орттирмаган тўртинчи минора ҳам... баъзи-баъзида қимирлаб, нимадандир биз гумроҳларни оғоҳлантириб турибди...

...Бир пайт гирдини айланиб, тепасига термиллавергунча ичига кирсам қандақ бўлади, деб дарвозани тортдим. Очилмади. Силтадим. Силтанмади. Бироқ ичи ари уядек

ғувилларди... Бошим қотиб ўнг биқинига ўтсам устамон бир одам кичкина дарчадан ичкарига олди ўзини. Ортидан...

Икки мадрасани кўриб, кўзим пишганиданми ҳовлига кирганимдаёқ Бухоро ва Ёждувондагига қараганда ҳужраларнинг кўп ва катталиги назаримга тушди. Ҳақиқатдан ҳам бир ҳужрада уч хона — қазноқ, ётоқхона, дарсхона жойлашган, тўрттагача талаба бемалол яшаб-ўқиса бўларди. Зийнатда ҳам бунчалик гўзаллик ва мутаносибликка дуч келмагандим.

Ҳужралардан сал чеккада бўлган бир кенг хонага кирдим. У тўрт дарсхона (аудитория) нинг бири эди, чоғи, ичи жуда путурдан кетган. Ҳувилаб ётса-да, гумбазидан тушиб турган нурда сукунат аро 500 йил олдин кўпчилган олий мақом сабоқлар, баҳс ва мушоиралар садосини эшитгандай бўлдим. Қари деворларнинг гўзал, саргаймаган рангларидан гўё олтин аср нағмалари уфурарди.

Тўрт дарсхонанинг биттаси меҳмонхона вазифасини ҳам ўтаган. Унда муллаваччаларнинг яқинлари кутиб туришган. Ҳатто йироқдан келганлар тунаб ҳам қолар эканлар.

Кейин масжидни излаб, мадраса кунботарига ўтдим. Дарсхонадан икки баробар катта келадиган залмонанд хонада таъмирчилар ишлар, деворларнинг бирида даставвал безалганда ишланган муқарнаслардан қолганлари кўринарди. Тахминимча масжид эди бу улкан хона. Мадрасада солинган масжид — хонақоқ таърифини Заҳриддин (Заҳриддин эмас) Муҳаммад Бобур "Вақоийёт"ида қуйидагича келтиради: "...Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди муқаттаъ дерлар. Бу жиҳатдин муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, исмилин ва хитойи нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсууликдур".

...Ана шунақа. Бу мадрасада ҳам таъмирлаш ишлари кетяпти. Юртнинг номдор усталари бор санъатларини ишга солиб, иккинчи қаватни тиклашяпти. Кейин томни яна

қуббали қилиб ёпиш заҳмати че-килади. Тўрт тараф деворлари, пештоқлар, ҳовли саҳни, ҳужра ва айвонлар, дарсхоналар ва масжид-ни созлашлар, кошнлаш, нақш беришлар ҳам авжида. Бунинг учун тер тўкаётганларга фақат ташаккур айтмоқ лозим. Бироқ бу ишлар кечагина ўзини тиклаган мамлакатимизнинг жуда қимматли маблағи ҳисобига бўлаётган экан, усталардан ўз ишига жудаям масъулият бидан ёндашишларини ўтинар эдим.

Тўй ўтгунча бир иложини қилайлик қабилида шошиб-пишиб ишлашмаса. Санъат — қунт, эрин-маслик фарзанди. Боболаримиз ишида абадийт муҳрини босган экан, нега бизнинг юмушда унинг шуълалари кўринмасин? Кўрганларим — собиқ Иттифоқ давридаги аксар таъмирлар жуда юзаки қилина, усталар келиб-кетмай айнан таъмирланган жойлар обидага "ҳусн қўшиб" кўчиб тушар, усталарнинг амали ярага чўп суқиб, қонатган ғанимларнинг хуружидай таассурот қолдирарди. Ёв кетди. Энди бу қусурлар ҳам кетсин. Омин!

Сафарим ҳам қариди...

...Мелодий 2000 йилнинг 22 март саҳар мардониди. Самарқанддаги Улугбек мадрасасининг 40 метрлар юксакликдаги кунгиратор пештоқиға ин қўйган каптарлар ёндаги минорадан келган азон овозидан уйғониб, кўкка кўтарилишди.

Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар... садоси ҳамон минг йўсинда садо бериб, кўкда кезаркан, каптарлардан анча юқорида оқ от устида оппоқ ридоли зот кўринди. Бундан ҳеч ким таажжубланмади. Фақат сергакланди. Ул зот ерга оёғини кўярда-қўймас пасти-юқори ҳужралардан талабалар тушиб келдилар. Ҳамма пайдар-пай "Муқаттаъ"га кирдилар. Кўнгилларда бир илинж: "Бомдод намозини подшоҳи олам, подшоҳи илм билан ёнма-ён ўкиб қолайлик..."

Кўп ўтмай масжидга қўшилиб мадрасанинг барча ҳужралари, дарсхона, гумбаз ва минораларини ўша илоҳий садо қўраб олди. Бу куйли, сеҳрли, сирли овоз кучайгандан кучайиб, кўкни тутгач... чор-атрофдагилар мадрасани ҳам кўкда кўришди...



Самарқанддаги мадраса



Хосият БОБОМУРОВА

ТУШУН МЕНИ...



* * *

Мудроқ новдаларни ўпиб уйготдим,
 Майсалар кўклади қирқта жонимдан.
 Гардларимдан қаро қилиб қошини
 Лолалар саф тортди юрак қонимдан.
 Сухбатига келди мажнуна толлар,
 Энтикиб-энтикиб ўпдик ерларни.
 Тонг қадар англашиб бир-биримизни,
 Минг-минг куртакларга бердик сирларни.
 Тишим орасидан сизган одамлар,
 Ўзини ҳур тутди, чиқиб осмонга.
 Дарди янгиланди кекса ҳижроннинг
 Ўкириб уфқни тўлдирди қонга.
 Қиш бўйи кутганим, тугёнли сўзлар,
 Оппоқ дафтаримни сел каби босди.
 Юрагимда узоқ мудраган музалар.
 Баланд пештоқларга ўзини осди.
 Бир тарафда умид, бир тарафда ғам.
 Ўртада ҳаприқиб ёнади кўксим.
 О, менга баҳорни бошлатиб қўйиб,
 Ўзингиз қайларда юрмоқдасиз жим...

* * *

Ичмишим дард, кечмишим дард, ёзганларим дард,
 Кимларгаки ошно бўлсам, сезганларим дард.
 Ўтирсам ер, юрсам йўлим куйди вой дод-эй,
 Меҳринг истаб саҳро дилинг кезганларим дард.
 Кимни йўқлик, кимни тўқлик итаргай жарга,
 Сен деб йўлдан адашганим, озганларим дард.
 Гоҳ сўз йлам, гоҳ куз хазон ёзди умримга,
 Умид билан фасли ёзда узганларим дард.
 О мен дардманд, о мен мардман, муҳаббат номард,
 Васли баҳор қурганим, сўнг бузганларим дард.
 Етмас эрсам нега бердинг менга бу ишқни,
 Хосиятнинг манглайига чизганларим дард.

* * *

Дили яғир бўлиб, минг йил сўз излаб,
 Бир шеър битолмаган безабон, соқов.
 Севмаганим сизлаб, сангдилга бўзлаб,
 Ўзини хўрлаган беқадр, аңқов!
 Оёқаланг чопиб гурур ортидан.
 Етолмай рўмолин йўқотган қишлоқ.
 Ҳар бир бахтлар келарки, йиллар ортидан,
 Заррасин зарбига йиқилган ушоқ.
 Гар жаннат имласа, ўгириб юзин,
 Ишқинг дўзахига йўл солган басир.
 Бир лоқайдни кўриб, йўқотиб ўзин,
 Хор бўлган, зор бўлган лапашанг, асир!
 Сени деб инсонлик хатидан ўчдим,
 Чекавер, азобинг,
 мен
 сендан
 кечдим!

* * *

Тушун мени ахир, темир эмасман,
 Фавғолар йўллайсан ёлғиз бошимга.
 Менда ҳам қалб борин сезмасинг камдай,
 Яна ёш қўшасан қўзда ёшимга.
 Мен сенга қуриган дарахт эмасман,
 Яшил япроқларим тинмай қалтирар.
 Ўт кетди, дард етди илдимиз қадар,
 Ҳар лаҳза тепамда болта ялтирар.
 Мен сенга қуриган ариқ эмасман,
 Кўзу томирларим қуяётир қон.
 Пиёласин тутмас бирор бир ташна,
 Лабларини қўймас бирор интиқ жон.
 Мен сенга хароба кулба эмасман,
 Кел, десам мингта дўст келади учиб.
 Нетай, интизорман бир душманамга,
 Лутфимга интизор мингтадан кечиб.
 Темирда гурур бор, сезмайди ахир,
 Ёгочда гурур бор, барг ёзмас, қайтиб.
 Қуриган ариқ-да, мендан донороқ,
 Мен эса сиримни юрибман айтиб...

* * *

Оҳ, ахир бунчалар эздингиз торни,
 Кўзимдан томдириб мингта озорни,
 Қалбимга бир ширин азоб бағишлаб,
 Бошимга келтириб қўйдингиз дорни.
 Қўшиқлар эшитиб сел бўлиб кетдим,
 Бутун борим билан дил бўлиб кетдим,
 Хазонлар бағридан қандай ажралдим,
 Кеч кузда очилган гул бўлиб кетдим.
 Бир ёнди, бир куйди, тутуди дунё,
 Мени ўтга дучор этади дунё,
 Ёнсам не, куйсам не, қўрқмайман ўтдан.
 Сиздан-чи, мендан-да ўтади дунё.
 Қирқ жоним танимга сиғмас, ушбу дам,
 Ё қўшиқ ўлдирар, ё ўлдирар дардни
 Шу ярим жуссага бунчалар дардни
 Қандай қилиб жойлай олдингиз оғам?!



Хосият БОБОМУРОВА 1950 йили Хатирчи туманида туғилган. Низомий номидаги Тошкент дорилмуаллимнинг риёзиёт куллийтини тамомлаган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилоят бўлимида хизмат қилади.

"Дарёдан қатра", "Қалб титроғи", "Турналарим", "Самарқандга мактублар" номли китоблар муаллифи.



... ёв... ҶНО: в. аҶбббб: ҶаҶ
 ... ҶНО: в. аҶбббб: ҶаҶ
 ... ҶНО: в. аҶбббб: ҶаҶ

Абдуғани АБДУВАЛИ

МАХУМНИНГ МАКТУБИ

... ҶНО: в. аҶбббб: ҶаҶ
 ... ҶНО: в. аҶбббб: ҶаҶ
 ... ҶНО: в. аҶбббб: ҶаҶ

Ҳажвий ҳисса



... ҶНО: в. аҶбббб: ҶаҶ
 ... ҶНО: в. аҶбббб: ҶаҶ
 ... ҶНО: в. аҶбббб: ҶаҶ

Шаҳарнинг қоқ марказида, аргувон дарахтлар, гулу гулзорлар бағрида бир-бирига рўбарў қилиб қурилган икки муҳташам бино қад кўтариб турибди. Илгарилари бу биноларнинг пешонасида "Область партия комитети" ва "Область ижроия комитети" деган ёрлик бўларди. Ҳозир бу биноларнинг биттаси туғруқхона, иккинчиси мусофирхона.

Хуллас, мана шу икки бино оралиғидаги майдончада йигирма қулоч чамаси баландликда, тунги соат иккиларда ногоҳ тегиримон тошига ўхшаш ялтироқ жисм пайдо бўлдию учта кўзидан шуъла таратиб, муаллақ туриб қолди. Мусофирхона эшик оғаси югуриб чиқди-да, осмонга қараб анграйиб тураверди. У нима қилиш ва нима дейишга гаранг эди. Рўпарасидаги бинода турган қоровулнинг ёнига югурмоқчи бўлди-ю, аммо нақ бошининг тепасида липиллаб турган тегиримон тошидан қўрқди. Ниҳоят, аста орқасига тисарилиб, телефон турган жойга етиб олди ва гўшакни кўтарди.

- Алл-ў-ў, Қўзивой ака-а!
- Нима гап? — гўшакдан рўпарадаги бино қоровулнинг мудроқ овози эшитилди.
- Ташқарига қарадингизми?
- Йўқ. Нима бўпти?
- Учар ликопча!
- Йўғ-е?
- Рост. Бир қараб кўринг.

Икки қоровул баб-баравар ташқарига чиқишди-да, ҳар ким ўз эшиги олдида осмонга қараганча анграйиб тураверди. Орадаги масофа бор-йўғи ўн газ бўлишига қарамай, бири иккинчисининг ёнига ўтишга юраги дов бермасди. Меҳмонхона эшик оғаси милиса чақирсаммикин, дея ўй сурса, туғруқхона қоровули "бош ҳақимга қўнғироқ қилсаммикин", дея бош қотирарди. Хайриятки, учар ликопчанинг ўзи уларни бу қутқудан қутқарди. Остидаги тешикчадан сўргичланган каттакон хатжилдни икковининг ўртасига "гап" этиб ташладию, ғойиб бўлди. Хатжилд тепадан тушиб келаётгандаёқ ерга қапишиб қолган икки қоровул ҳеч нарса портламаганига ишонч ҳосил қилгач, бошларини кўтаришди. Мусофирхона эшик оғаси даргол ҳушёрлик кўрсатди. Ўрнидан оҳиста кўзғалиб турди-да, осмонга бир қараб олиб, ёнидан дастрўмол чиқарди, сўнг у билан хатжилдни эҳтиёткорлик ила ушлади. Икки қадам нарига юриб қўлидағини ёруққа тутди... "Область партия комитети" деган ёзувни кўриб ҳайрон бўлди. Бироқ сиёсий ҳушёрликни қўлдан бой бергиси келмади.

- Бу учар ликопча эмас, — деди шеригига. — Бу вертолёт. Бунинг даров анқўмга бериш керак.
- Миянг ишлайдимиз? Апком нима қилади ҳозир?
- И-е, ҳа, айтгандек, йўғ-а. Бўлмаса, милисага берамиз.

— Ҳозир мустақиллик. Ўзимиз очиб ўқишга юз поиз ҳаққимиз бор, — деди Қўзивой қоровул. — Юр, мени ҳужрамга кириб хотиржам ўқиймиз.

— Йўқ, менинг хонамга кирайлик, — деди мусофирхона эшик оғаси. — Сен бўлмасанг ҳам хотинлар тугаверади. Меники келди-кетди жой.

Улар мусофирхона эшик оғасининг хонасига ўтириб олишди-да, "Бисмилло" деб хатжилдни очишди.

АРОСАТДАН ХАТ

"Ассалому алайкум, ҳурматли граждандар, то есть, бандалар, — деб бошланарди мактуб. — Бу ёқда барчани гражданин эмас, банда деб аташар экан. Менинг бу хатим обкомнинг биринчи секретарига тегса, мақсадга мувофиқ бўларди..."

— Ҳали ҳам апком бор деб ўйлаяпти шекилли, — деб кулди Қўзивой қоровул.

— Хўш, мақсадга мувофиқ бўларди. Мен ҳамини СССР граждани бўлганимдан фахрланганман, ҳозир ҳам фахрланманам..."

— И-е, ҳали ҳам СеСеСеР бор, деб ўйлаяпти шекилли, — деди Қўзивой қоровул.

— Шошмай тур. — Эшик оғаси ўқишда давом этди: — "Обкомнинг биринчи секретарига ёзишимдан мақсад шуки, менинг КПССга тикланишим кўпроқ шу кишига боғлиқ..."

— Ий-йа, гирт жинни экан-ку. КеПтеСе бор деб ўйлаяпти шекилли, а?

— Э-э, шошмай тур! Хўш... "Ҳурматли граждандар, то есть бандалар! Шу хат кимнинг қўлига тушса, обкомга бериб қўйсин. Чунки тириклигимда обкомга қанча ёзмай, натижаси бўлмаган. Зора, ўлганимдан кейин ҳақиқат юзага чиқса."

"Обкомнинг биринчи секретарига..."

— "Биринчи котибига" дейиш керак, — деб қўйди Қўзивой қоровул.

— Э-э, шошма, илгари секретар деган-да. Хатни ёзган одам ўлган экан... Хўш... "Биринчи секретарига. Аввало ўзимни таништириб қўяй. Мен Жабрийман. Асли номим Жобир. Бошпурт бераётганда Жабр деб ёзган..."

— Мениям бошпўтимга "Кузвой" деб ёзган, — деб қўйди Қўзивой қоровул.

— Бир пас ҳап тургин, охиригача ўқийлик-чи, — деди эшик оғаси. Кейин давом этди.

— Хўш, "Жабр деб ёзган... Кейинчалик Жабрий деб тахаллус олганман. Бунинг тарихи алоҳида. Мен сизга айтсам, ўртоқ секретарь, бу ёққа, яъни дорулбақога келаётганда одам сал у ёқ-бу ёғига қараб олиши керак экан. Бу ёқда партия аъзосиман, СССР гражданиман

десангиз биров сариқ чақага олмас экан. Менга ўхшаб бевақт ўлганларни "жувонмарглар" дейишаркан. Улар асосан Аросатда кўп ушланиб қолишар экан. Чунки уларнинг ўлимига ўзлари айбдорми ёки бошқаларми, деган масалада кўп торттишув бўлар экан. Мен нақ икки марта ўлганман. Биринчи марта хотинимнинг эмчаги озимга қапқоқ бўлиб қолиб, нафасим ичимга тушиб кетган. Бир мўъжиза туфайли тирик қолганман. Аммо иккинчисида афсус, илож бўлмади. Рихлат қилишга мажбур бўлдим. Шу иккинчи, ҳақиқий ўлишимга партия айбдор деб ҳисоблайман. Тўғрироғи, КПССнинг хотинлар тўғрисидаги сиёсати айбдор деб ҳисоблайман. Бу сиёсатга кўра, коммунист одам хотинидан ажралиши мумкин эмас эди. Гарчанд хотини ёмон бўлса ҳам. Ҳай, бу ҳақда алоҳида батафсилроқ гапираман. Одамлар бу ёққа келишларида сал у ёқ-бу ёққа қараб олишсин деб юқорида айтдим. Негаки, бу ёқда савол-жавоб кўп бўларкан, одамни эзиб ташлашаркан. Уртоқ секретари! Тирикларга айтиб қўйингки, она тилини яхши ўрганишсин. Мен бу дунёнинг эшигиндан кириб келишим билан икки сўроқчи: Мункар ва Накир саволни бошлади:

— Отинг нима?
— Жабр.
— Падарқусур, ота-онанг тузукроқ исм қўймаганми?
— Жобир эди. Паспортга шундай тушган.
— Паспўрт деганинг нимаси?
— Бизда шунақа, ҳар бир кишида камида бир-иккитадан қизил дафтарча бўлиши керак, бўлмаса одам эмасан.
— Жуда қизиқ-ку.
— Бизда бунақа интересни ишлар кўп. Масалан, хотин киши эримдан ажраламан, деса дарров ажратади. Аммо эр ёмон хотинидан фақат ўлиб қутулади.
— Нега бунақа?
— Зақун чатоқ.
— Шариат-чи, шариат?
— Тс-с... бизда шариатдан гапирган одамни қамаб қўяди, оканг ўргилсин.

— Ҳамманг кофир экан-да.
— Ҳа-а, сен нима деб ўйловдинг? И-и, э-э, йўқ, алҳамдилуллоҳ мусулмонман, оканг ўргилсин. Лекин биз мусулмон бўлатуриб, мусулмонман, дейишга қўрқамиз. Партияга ўтаётганда ичимизда эй худо, ўзинг кечиргин, деб ўтамиз. Ҳаҳ, оканг ўргилсин. Мункар, ёруғ дунёдаги юзсизликларни гапираверсам, одам просто нервенный бўлиб қолади.

— Нега ҳар бир гапингга ўрисча аралаштириб гапирасан.
— Бўлмаса гап точний чиқмайди-да.
— Йўқ. Бу ерда унақаси кетмайди. Ўрисча аралаштирсанг тўғри дўзахга тушасан. Бу ерда толька ўзбекча гапирилади.

Мункарнинг оғзидан "толька" деган сўзни эшитгач: "Ия, буям ўзимиздан шекилли", деб қўйдим. Ўйлаганим тўғри чиқди. Ҳақиқий Мункару Накирнинг осмоннинг юқори қаватига бир масалада чақирилиб, ўрнига ўзимизникилардан бирини қўйиб кетишган экан.

— Мункар Накирович, оқаси ўргилсин, ўзимиз қатори экансиз, қийнамай ўтказвора қолинг, — дедим ялиниб.
Икковиси бир-бирига маъноли қараб олди-да, биттаси шивирлади.

— Наша чекасанми?
— Йўқ. Лекин ановидан отиб тураман, — дедим жимжилогимни стаканга ўхшатиб. — Шу туфайли бу ёққа келдим, оқаси.

— Бунинг зарарини, китобларда, "маст қилувчи нарсанинг бари ҳаромдир", дейилганини билармидинг.

— Ҳай, оканг ўргилсин, одамнинг боши — Оллоҳнинг тоши. Бу бошга не кўргуликлар тушишини яратгандан бўлак ҳеч ким билмайди. Ўзимга қолса шу кўйларга тушармидим.

— Ҳа-а, равшан. Сен ҳозирча Аросатда тураркансан.
— Нега?

— Айтишларича, сену бизга ўхшаганлар ўша ерда анчагина турарканмиз. Ана, гулдурраган овоз келяпти. Сенинг номаи амалинг ёзилган дафтарни кўтариб келишяпти. Қилган гуноҳу савобларингни бир зумда телевизорда кўргандек кўрасан, эшитасан. Тайёрлан! Имон келтир!!!

Хатнинг шу ерига келганда Кўзивой қоровул "Лаилаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулulloҳ!" деб қўйди. Мусофирхона эшик оғаси ўрнидан туриб мусофирхонанинг айвонига бир назар ташлаб қўйди-да, тагин жойига келиб ўтирди.

— Хў-ш, — деди эшик оғаси кўзойнагини қаншарига ўрнатиброқ қўйиб. — Хў-ш, бу ерга "савол-жавоб" деб қўйибди..." Узоқдан гулдурраган овоз келди. Овозни эшитардим, аммо гапиргувчининг ўзини кўрмасдим.

Овоз: — Кечалари тиловат қилиб, кундузлари ароқ ичаркансан, Жобир! Бу қандай икки юзламачилик?!

Мен: — Кечалари яратган билан ёлғиз қоламан, кундузлари одамлар орасида бўламан.

Овоз: — Айб одамларда эмас. Иблисининг сўзига киргансан.

Мен: — Одамлар орасида Иблисни бир чўқишда қочирадиганлар кўп.

Овоз: — Барибир, барчаси ўзингга боғлиқ.

Мен: — Бизнинг жамиятда ҳеч кимнинг ўзига боғлиқ эмас, оқаси ўргилсин. Ўпкўм, гўркўм, исполкўм деган ташкилотлар, қолаверса, хотин деган шахс бор, коллектив бор, так что, бирон киши ўзинча яшолмайди. Масалан, испаракпа деган бир парча қоғоз минглаб одамларнинг ҳаётини остин-устун қилиб ташлайди. Так что, оканг ўргилсин, ароқ ичганининг сабаби бор. Булбул чаманда нола қилур, бесабаб эрмас.

Овоз: — Ўзидан беамр бандасига тикон ҳам кирмайди...

Мен: — Ҳа, баракалла. Ҳамма нарса ўзининг амри билан бўладиган бўлса, раҳбарларимизга айтиб қўйсин, ҳаммаёқни расво қилиб юборишди-ку. Мени ҳам сарсон қилган шулар-ку?!

Овоз: — Барчасига ўзинг айбдорсан. Чунки сен иродасиз, қўрқоқ ва мутесан, синовларга бардош беролмайсан.

Мен: — И-е, бу ёғи қизиқ бўлди-ку? Ўзинг-ку шундай яратиб қўйиб, нега Махшарда берасан жазо, — деб Умар Ҳайём тўғри айтган экан-да.

Овоз: — У дунё сендақаларни синаш учун яратилди.

Мен: — Ҳа, синовини келиб-келиб мен бечоранинг устида синайдими, оқаси ўргилсин. Американинг атомини Япония устида синагандек. Бандасини бу қадар хор қилавермасин-да. Биров шоҳ, биров гадо, биров ароқхўр, биров бир қултум сувга муҳтож, биров тирноққа зор, биров учун фарзандлар тирик дор. Ҳа, бунақа томошанинг кимга кераги бор?

Овоз: — Ҳой, нонқўр банда! Онадан тугилганингда ҳамманг бир эдинг-ку! Дунёга келтириб қўйган, қўлингдан етаклаб ҳам юрсинми? Сенга оёқ ва қўл, ақл ва қалб нима учун берилган? Ер юзини қабоҳатга тўлдириш учунми? Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрясанми, кўрнамак! У дунёга устун бўлиб қолаётган бирон зот борми?

Мен: — Йўқ.

Овоз: — Йўқ бўлса, нега аввал-бошда тўғри йўлни тутмадинг?! Муқаддас китобларни ўқимадингми? Айтиб қўйибди-ку Эгам"... Оллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, сизлар унга рўбарў бўлгувчисиз!.." деб.

Мен: — Бизда эскича ўқиганни қамайди, партиядан ўчиради.

Овоз: — Имонни қамаб бўлмайди, ўчириб ҳам бўлмайди. Бундай қилишга уринганларнинг томошасини ўз кўзинг билан кўрасан. То ҳушингни йиғиб олгунингча Аросатда туратур.

Мен: — Мени бу кўйга солганлар бунақа гапларга ишонмайди. Айниқса, апкўмнинг биринчи секретари. У гирт артист, яъни худосиз. Шу одамнинг қабулига ярим йил овора бўлиб киролмадим. Армонда кетдим. Иложи бўлса, қоғоз-қалам берсанг, шу одамга бир хат ёзсам.

Шундоғ деган заҳотим олдимга тўп этиб қоғоз билан қалам тушди. Ҳой, бу дунёдагилар арз қиладиган одамни дарров тушунаркан. Оллоҳнинг карамни кенг дегани рост экан. "Бу хатни нимада жўнатаман?" деб сўрасам, "Бу ёғидан ҳам ема" деди ҳалиги овоз. "Э-э, қойил, бу ерда бюрократ йўқ экан" десам, "Бюрократинг нима?" деб сўраб қодди. Нақ ўзбекчасига бир соат тушунтирдим, барибир тушунмади. Бизда ҳатто ўлик ҳам анча сарсон бўлади: дўхтирдан, ЗАГСдан испаракпа олиб, қабристонга элтгунча тириклар ҳам ўлик ҳолатга келиб қолишади, десам, "Тавба", дейди. Энди, оқаси ўргилсин, абкўм секретари бошимдан ўтганларни сизга бир бошдан боб-боб қилиб ёзиб юборяпман, ўзингиз хулоса чиқариб олаверасиз. Бирон хулосага келол-масангиз, бюрода кўриб чиқшингиз мумкин. У дунёда ҳамма нарсани бюро ҳал қилади-ку!

ЛАБИ ЮПҚА АЁЛ

Авваламбор таржимаи ҳолими айтиб қўяй. Бизнинг ижтимоий ҳаёт, жамият деб аталадиган турмушимизда бирор кимса йўқки, унинг шахсий варақасини ёнида таржимаи ҳоли ёзилган бир парча қоғоз бўлмасин, бирон идора йўқки, шу қоғозни талаб қилмасин. Таржимаи ҳол зарур нарса. Бироқ шу зарур нарсани расмийат учунгина қабул қилишди. Хоҳлаган корхона ёки муассаса бошлигидан фалон кишининг таржимаи ҳолини айтиб беринг, десангиз елка қисиб тураверида. Ишонмасангиз мен ишлайдиган шифохона кадрлар бўлими мудири Зинайда Ивановнадан менинг таржимаи ҳолими сўраб кўринг, "Я вам не справочная бюро!" деб лабини буриб қўяқолади. Энди, окаси ўргилсин, таржимаи ҳолими сўрасанг, етимликда катта бўлганман. Отам раҳматли урушдан кейинги "қама-қама" йилларида заҳарланган қилиб қолиб, Лениннинг ҳайкалин паналаб туриб топирган экан. Буни бир фаррош кўриб турган экан, дарров сиёсий хушёрлик кўрсатибди. Ўзингиз биласиз, окаси ўргилсин, бизни совет кишилари ниҳоятда хушёр. Хуллас, отам раҳматли чақув бўлиб, Сталин ўлгандан кейин оқландилар. Мен ана шу оқланиб келганларидан кейин туғилган эканман. Аммо дадам, жигарлари қамоқда эзиллиб кетган экан шекилли, мен бир ёшга тўлмай оламдан ўтдилар. Онам раҳматли Ёлғиз боши билан мени ва онамни ўқитиб, уй-жойли қилдилар. У киши ҳозир қайси жаннатда эканлар, деб сўрамоқчи бўлиб турибман. Мактабни олтин медал билан битиргач, сен дўхтирликка ўқи, дедилар онам. У киши хасталаниб қолган эдилар. Тиббиёт институтига бордим. Икки фандан тўрт, учинчисидан уч бўлди. Барча саволларга жавоб бердим, қўшимча савол беринг, дедим. Бироқ уч қўйган домла башарамга қараб туриб:

"Биламан, сен яхши биласан. Лекин шуни ҳам билгинки, камида бир юмалоқ топмасанг, ўтолмайсан, буни сенга дўстона, очик айтяпман", деди.

Бир юмалоқ дегани минг сўм бўлиб, ўша вақтда катта пул эди. Онам раҳматли бу гапни эшитиб жуда изтироб чекдилар, огриниб-огриниб қаргадилар. Хайриятки, ўз шахримиздаги тиббиёт билим юртига имтиҳонсиз кириб кетдим. Уни қизил диплом билан битириб, шифохонада иш бошладим.

Мана энди менинг таржимаи ҳолимига хотин деган буюк бир зот кириб келди. Бир пайтлар биров телевизорда "Жаннат аёллар оёғи остидадир", деганини эшитиб қолгандим. Нега жаннат хотинларнинг оёғи остида бўларкан деб хафа бўлгандим. Тўғри хафа бўлган эканман. Кейин билсам, унақа эмас экан. Китобда: "Жаннат оналар оёғи остидадир", дейилган экан. Ҳа, мана бу ҳақ гап. Она билан аёлнинг ўртасида жуда катта фарқ бор. Ваҳоланки, онанг ўргилсин, алқум секретари, бизни совет жамиятимизда оналик бурчини бажармаганлар, эрининг тайини йўқлар муқаррам бўлади, сизнинг номенклатурангизда туради. Буни ҳамма билади, аммо айтолмайди. Мен очик айтавераман, қўрқадиган жойим йўқ. Чунки бу дунёга келволганман. Бу ерга келиб тушундимки, ақли бор одамлар у дунёнинг азобларидан қутулиш учун тезда этакни йигиштириб бу ёққа келиб олишар экан. Ишқилиб, айтинг-айтинг, орқамдан хотин ҳам дарров етиб келмасин. Чунки тирикчилигимда сени тинч қўймайман деб кун бермасди. Шунинг учун бу ердагилардан ҳар куни сўрайман: "Ҳой, фаришталар, малоикалар, гуразини кўтариб турган Мункар Накирович! Айтинлар-чи, мендек бир беозор, сағир болага бу дажжол хотинни нега рўпара қилди"? Шундай десам улар айбни яна ўзимга ағдаришади: "Ҳа, хотин оладиган сену, жавобини биз берайликми? Ўзингга мосроғини топсанг ўлармидинг?" Ана жим бўлиб қоламан, сувдан қуруқ чиқишга уста бўлиб кетибсизлар-эй, деб қўя қоламан. Чиндан ҳам менга бу бўлмайди деб оёқ тираб туриб олганимда ҳеч ким мажбур қилмасди. Лекин хотин ҳам офатижон эди-да: лаб юпқа, қош камон, энгилда юбка, кўз мастон. Бўйдоқ йигитга маймун маликадек, қарга булбулдек туюлган пайтда кўзга кўнғил эмас, кўрпа кўриниб кетаркан. Раҳматли касалманд онам қиз танлаб юрган пайтларда кимдир шу қизни топди-да. Онам кўнмади. "Қизнинг ота-онаси жа бой экан, ўзи прокурор экан, бунинг устига чиройли экан, ҳай-ҳай-ҳай, бизга тўғри келмайди", деди.

— Ҳозир ихтиёр ёшларда, бой-камбағал деган гап йўқ, бир-бирини кўрсин, маъқул келса хўп дейимиз, — деди ўртада турган хотин. — Айби, ниҳоят, қизинг ёши сал ўтиб қолган.

Қизнинг ҳусну жамолини кўргандан кейин "булаверида" деб юбордим. Ёши мендан икки ёш катта бўлсам, бўйи икки қарич кичкина эди. Қиз томон: "Сизлар ҳеч қанақа харажат қилмайсизлар, тўйни ўзимиз кўтарамиз", дегандан кейин бечора камбағал онам ҳам рози бўлди.

Тўйдан кейин бир ҳафта ўтгач:

— Мен бундай каталакдек ҳовлида турмайман. Мен юридическийда ўқийман, эртага прокурор бўлсам, — деди келин юпқа лабини буриб, камон қошини чимириб. Лаби юпқа, қош камон аёлдан қўрқулик деган гапни эшитгандим, юрагим шиг этди. Ўртада турган аёл уни прокурор деган эди, йўқ, прокуратурада майда-чуйда ишлар билан шуғулланар, сирдан олтинчи курсда ўқир экан. Эй, худо, ўз паноҳингда асрагин, бугун шунчалик, эртага прокурор бўлиб қолгандан кейин ўзини қандай тутаркин, деб ўйга ботдим. Болагимдан негадир ҳуқуқ органлари ходимларини жиним суймас, улардан ҳайиқардим. Эҳтимол, бунга отамнинг ноҳақ қамалгани сабабдир.

— Менга қаранг, Зойичка, — дедим хотинимни эркалаб. Асли номи Зарифа экан-у, бир ҳафтадан бери уни йўқлаб келаятган йигиту қиз "Зойичка" деб мурожаат қилади. — Ҳа, бу ерда турмасангиз, қаерда турасиз, окаси ўргилсин?

— Коттеж олгунимча дадамникида яшаб тураман.

— Ҳа, мен қаерда тураман, окаси ўргилсин?

— Бир кун мен билан, бир кун онангиз билан тураверасиз. Ҳар кун мен билан ётишингиз шарт эмас. Нима, ёш боламиз?

— Ёпирай! — дедим ёқамни ушлаб.

Ордан ўн беш кун ўтгач, отасиникига кетди, бир ойдан сўнгра айб бўлади, деб ялиниб-ёлвориб олиб келдим. Яна кетиб қолди, яна олиб келдим, яна кетиб қолди. Хуллас, обориб-опкелиб юриб қорни дўппайиб қолди. Декретга чиққандан кейин бутунлай отасиникидан келмай қўйди. Икки орада онам сиқилиб оламдан ўтди. Хотиним онамнинг азасида бир соат тургач, кетиб қолди. Ҳа, пешонам қурсин, бу аёлдан ажрамасам бўлмас экан, дедиму судга ариза бердим.

— Хотинингиз ҳомиладор, ажралиш мумкин эмас, бунинг устига коммунист экансиз, — деди ҳакам.

Шу дақиқада коммунист бўлганимга минг пушаймон едим. Билим юртида комсомол котиби бўлиб юрганымда ақли йўқлик қилиб партиёга ўтгандим. Бошим қотди. Хотиним институтни битириб вилоят судида ишлаётган бўлса, мен оддий бир фельдшер бўлсам, ҳакамлар албатта унинг ёнини олиши турган гап. Онангни ўйнаши қози бўлса, арзингги кимга айтасан, деганларидек, хотинимнинг ўзи ариза ёзмагунча ундан қутула олмаслигимга ишондим.

— Окаси ўргилсин, мен сенинг тенгинг эмасман, жавобимни берсанг, — дедим хотинимга ёлвориб, гўё у менинг эримдек.

— Чо-о? — деди юпқа лабини буриб, қошини чимириб.

— Мен ҳали партиёга ўтишим керак. Олий судга раис, ҳеч бўлмаганда, обкомга секретарь бўламан.

Мана, гап қаерда, окаси ўргилсин. Эри бўлмаса амалга минолмаслигини бизнинг ҳуқуқшунос хотинимиз жуда яхши билади. Мен энди унинг нозик жойини яхши билволдим-да, ажраламан, деб орқама-орқа ариза беравердим. У ён беришга мажбур бўлди. Ўлганининг кунидан яшай бошлади. Бир куни:

— Бизникида турайлик, онам ёлғиз қолди, — деди.

Роса танамга ўйлаб туриб рози бўлдим. Биринчидан, отаси қинда юраги ёрилиб ўлди. Тиллафуруш бойлардан эди. Уч-тўрт кило марваридни молхонага кўмиб қўйган экан. Яккаю ёлғиз оқпадар, қиморбоз ўғли бор эди, шу бойликни ўмариб бир кечада гойиб бўлибди. Қайнотам эрталаб молхонага кириб, қовланган ерни кўрибдию юрагини чангаллаб новвоснинг туёғига шилқ этиб йиқилибди. Новвос сузиб ўлдириди, деб гап тарқатишди. Хўш, биринчидан ҳовли эркаксиз қолганини ҳисобга олдим. Иккинчидан, кейинги пайтда хотиним ишдан кеч қайтадиган, бегона эркаклар кузатиб келадиган бўлиб қолди.

— Нега кеч келяпсан, анови одам ким? — деган саволимга "Заседаниям бор, бу одам коллега" деб жавоб берарди. Маҳалламиздагилар менга истеҳзо билан қараша-ётгандек туюлди. Шуларни ўйлаб хотининг гапига кўндим.

Кўп ўтмай ўғлимиз туғилди. Декретга чиққач, энди она бўлди, шаштидан тушар десам, баттар кутурди. Афтидан, кўчага чиқолмай қолганидан ғазабланарди.

Эшик отаси хатнинг шу ўрнига келганда мусофирхона эшигини биров чертди. Қўзивой қоровул:

— Ҳой, қолганини нариги исминда ўқиймиз. Анави ёқ якка қолди, — деди.

Эшик оғаси хатни қўйнига тиқиб, келган меҳмонни кутгани кўзғолди...

Орадан икки кун ўтиб, учинчи кун кечаси икковлари яна шу ерда учрашишди.

— Ҳай, нима янгиликлар? — сўради Қўзвой қоровул.

— Яхшиям навбатчиликда кеча мен бўлмаганим, — деди мусофирхона эшик оғаси.

— Ҳа, нима бўпти?

— Органдан одам босибди. Олтита анақа қизларни ушлаб чиқибди. Комсомолкалариям бор экан. Шеригимга охириги марта огоҳлантириш беришди.

— Шунақаларни қўймасанглар бўлмайдимиз?

— Энди, нима қилайлик, сабаби тирикчилик. Бунинг устига, хўжайиннинг ўзи ҳомийлик қилиб тургандан кейин...

— Ҳой, комсомолкалар ҳам кириб турадимиз?

— Ҳе, партиячилари ҳам бору...

— Узи, замон наҳс босиб, қиёмат яқинлашиб қолди, — деди Қўзвой қоровул оғзига нос ташлаб. — Ҳей, ҳа-р кун бийонта қанжиг албатта боласини ташлаб кетади-да. Бола кўй қилгуй, худо кўйиб туйибди. Бунақа хотинларни пушкага солиб отиш кейак. Ҳа, сен туғасан-у, бошқала боқадими? Ана шунақа ота-онасининг тайини йўқ болаладан каллакесай, ўғий, кисавуй чиқяпти, туф-ф! — Қўзвой носни туфлаб ташлади. — Мунақа хотинларга ўн мингми, йигирма мингми иштироп қилиб қўйиш керак.

— Ке, қуонаверма. Сен билан мен оддий бир қоровулмиз. Бу ҳақда бош қотирадиган ақли бошлиқлар бор, ҳукумат бор. Ундан кўра манави марҳумнинг ёзганларини ўқийлик. Унта тирикдан битта ўлик яхши. Вей, Қўзвой, ўлай агар бу одам марҳум эмас. Бу тирик ўлик бўлса керак. Обкомнинг ё облизполкомнинг қабулига киролмай роса сарсон бўлгану, ахийри хатни вертолётдан ташлаган.

— Э-э, калланг ишлаяптими. Ҳозир обком билан облизполком ҳоптими?

— Ҳа-йа. Ке, бизга нима, биронта жинни ёзгандир-да.

— Жинни бўлса хатни учар ликопчада ташлайдими?

— Ҳа-йа, ке, багини ўқийверайлик-чи. Хўш, қаерга келувдик. Ҳа, мана... "Кўчага чиқолмай қолганидан газабланарди". Хотини кўчага чиқолмай қолганидан газабланаркан.

— Кўчага ўрганган хотин уйда ўтиролмайди, — луқма ташлаб қўйди Қўзвой қоровул. — Ҳай, қани, давомини ўқи.

Эшик оғаси марҳумнинг хатини ўқишда давом этди: "Болани менга ташлаб тез-тез кўчага чиқиб кетар, ишхонадан хабар олгани бориб келдим, дерди. "Ишхонанг сендан хабар олса бўлмайдими?" десам, "Мазгингиз ишлайдими? Мен ишхонадан сарийғ, калбаса оламан. Ё, сиз олиб келяпсизми" дейди. Боламиз уч ойлик бўлганда тўсатдан хотиним ишга чиқаман деб қолди.

— Окаси ўргилсин, ҳеч бўлмаганда боламиз бир ёшга тўлсин, кейин чиққин, — дедим.

Юпқа лаби гезариб кетди, кейин ўшқирди:

— Сиззи топиб келган ойлигингиз лозимимга ҳам етмайди!

Дарҳақиқат, мен оддий бир фельдшерман. Тўқсон сўм ойлигим хотинимнинг лозимига ҳам етмасди. Ўзим лозимнинг унча-мунчасини киймасди-да. Ушбу гапларни шарм-ҳаёни йигиштириб қўйиб айтишимнинг сабаби, мени совет хотин-қизларига туҳмат қиляпти демасдан масаланинг моҳиятига тўғри тушунарсиз, окаси ўргилсин, абком секретари. Эри оддий, қора ишчию хотини коммунист раҳбар бўлганларнинг ичидан нима ўтганини ўлай агар, сиз бошқариб турган абком билмаган. Келинг, бошқаларни гийбат қилмайлик, ўзимиз хотинга қайтайлик.

Яна ажрашиш ҳақидаги масалани кўтардим.

— Судга ариза бераман, — дедим.

— Ҳой, мазгинг ишлайдими?! Бугун-эрта партияга ўтишим керак! — деб чийиллади хотиним юпқа лаби кўкариб. — Сенга нима етмайди? Дангиллама ҳовлида ўтирибсан, орқасидан минг киши ялиниб юрган хотининг бўлса, хўш, нима етишмаяпти? Ё, хурсанд қилолмаяпманми? Мендақасини бутун республикани қидириб тополмайсан!

Ҳаммасига чидаб юрвудим-у, аммо сенсиррағига чидамадим. Шарт костюмимни елкамга ташлаб, ўзимнинг уйимга кетвордим.

— Ҳой-ҳой, уятсиз! Манави болани ким боқади, боғчага ким олиб боради, бемеҳр ота?! — деганича хотин жараб қолаверди.

ПИЁН ПАРИ БЎЛГАНИМ

Ўз уйимга келиб, шомга яқин чироқни ёқиб ўй суриб ўтирсам. Мамадали пўскай деган жамалак ўртоғим ярим коса овқат билан яримта ароқ кўтариб кириб келди. Газлаштириш идорасида чилангар бўлиб ишлайди. Пулниям топади-ю, сарфлашга ҳам тараф йўқ. Ҳар гапида "пўскай!" деган сўзни кўп ишлатади.

— Ҳей, бормисанлар? Чироқ ёқилиб қолганини кўриб, ҳали мундай мўраладим, якка ўзинг ўтирибсан. Болаларинг қани?

— Ажралдим.

— Оббо-о. Одамлар Жобирвой бутунлай кўчиб кетди, ҳовлини сотса керак, дейишди. Йўқ, ота ҳовлини сотармиди, чирогини ёқиши керак, дедим. Нима, уришиб қолдиларингми?

— Мундай қарасам, бу хотин менга тўғри келмас экан.

— Менга қара, диққат бўлма, ўртада бола бор, ҳали ярашиб ҳам кетасан. Кел, манавидан юзта отайлик. Бу дунёда ғамсиз одам йўқ. Мен ҳам хотиним билан ҳар кун ўн марта уришиб, ўн марта ярашаман. Пўскай, уришаверсин. Уришиб-уришиб роса жаврайди, ичманг дейди. Бўйинини силасам жим бўлади-қолади. Хотин киши товуққа ўхшаган нарса бўлади. Пас десанг, пасаяди. Қани, манагини ол-чи!

— Мен ҳеч ичмаганман.

— Ана шунинг учун ишинг юришмайди-да. Бундан бир ҳўплам олгин, дилинг яйрайди, хотининг гаҳ десанг қўлингга қўнадиган бўлади.

Умримда ароқни оғзимга олмагандим. Шуни бир татиб кўрмайманми, деган истак пайдо бўлди. Кўзимни юмиб туриб симириб юбордим. Ҳей, Мамадали пўскай айтганидек, танам шундай яйрадики, одамлар ароқни нега ёмон дейишаркан, нимаси ёқмаскин, деб ажабландим.

Шундай қилиб Мамадали пўскай билан ака-укадек бўлиб кетдик. Бир куни яримтага पुलимиз етмай қолганда Мамадали бундай деди:

— Менга қара, мана ўзинг билдинг, фельдшерликдан топадиган пулинг яримтага ҳам етмаяпти. Сен табиблик ёки парихонлик қил. Йўқ, яхшиси, экстрасенсман дегин. Ҳозир ҳамма биотокчи бўп кетди. Қўлингни у ёқ-бу ёққа қилиб туриб, куф-суф десанг тамом.

— Йў-у, бўлмайди. Бунинг учун биринчидан ҳужжат бўлиши керак, иккинчидан ўзимда йўқ нарсани бор деб айтолмайман. Аммо халқ таботати билан жиддий шуғуллансам табиблик қилишим мумкин.

— Ҳой, энг осони парихонлик. Мен битта парихонни биламан, илгари алкаш, ароқхўр эди. Мана ҳозир миллионер бўб кетган.

— Мани ҳам ароқхўр демоқчимисан.

— Оббо, нега бунақа дейсан. Биз ўз пулимизга, кўнгил ёзиш учун ичамиз. Нимадан кўрқасан! Мен битта биотокчини биламан. Такасалтанг, ландовур одам эди. Ҳозир қўлини икки марта айлантдириб икки минг топапти.

— Уни телевизору газеталарда мақтаяпти-ку.

— Сеням телевизорга чикарворайми?

— Қўй, одамлар гапирари.

— Пўскай, гапираверсин. Одамлар ўзини билсин. Пул топиш учун нималарни қилмаяпти...

Мамадали пўскай навбатдаги улфатчилигимизга янги гап топиб келди.

— Иш пиши, — деди у ёнидан бир шиша ароқ чиқариб хонтахтага тақ этиб қўяркан. — Битта гап эшитдим. Атир пари деган парихон бор экан. Атирга дам солиб бераркан. Ўша атирни хотин киши ҳам ўзига, ҳам эрига суртса, эрининг меҳри ортиб, хотинини кўрмаса туролмайдиган бўп қоларкан.

— Бунга менга нима дахли бор?

— Пўскай, дахли бўлмасин, сен ҳап тургин. Сен ароққа дам солиб берасан, ароқхўрларни даволаймиз.

— Ароқни ким ичади?

— Ароқни биз ичамиз. Унинг ўрнига сув берамиз.

— Одамлар ишонадими?

— Пўскай ишонмасан. Мен ўзим сени припаганда қилиб ташлайман. Жобирвойнинг тушида бир кечада аён бўлиб, парихон бўлиб қолибди. Тушида оқ салла, оқ чопон кийган бир чол "Бўтам, сен парихонликни бўйинингга ол,

ароқхўрларни давола", депти, дейман. Қарабсанки, одамлар эшингдан ўзи кириб келаверади. Мен сенга ёрдамчи бўлволман...

Мамадали пўскай бало экан. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, "Жобир парихоннинг уйлари шу ердами?" деб аёлу эркак, ёшу қари кириб келаверди. Мамадали аввал уларни кутиб олади, исм-шарифи, касб-кори, дардини суриштиради, кейин бу маълумотни менга етказиб, беморни олдимга олиб киради. Мен беморга "Исмингиз фалон, касбингиз писмадон экан, жин чалиб, ичкиликка ўрганиб қолибсиз-ку" дейман. Бемор оғзи очилиб, анграйиб қолади. "Бир шиша ароқ келтиринг!" дейман. У ароқни келтиради... "Кўзингизни юминг" дейман. Кўзини юмади. Бу пайтда Мамадали пўскай ичкаридан шип этиб чиқиб, сув қуйилган шишани ароққа алмаштириб кетади. Мен пичирлаб-пичирлаб беморга, сўнг "ароққа дам солгач: "Кўзингизни очинг", дейман. У кўзини очади. Кейин эмаклай бошлайди. Уйни бир айлангач, устига миниб олиб, "Яна ароқ ичасанми?" деб савалай бошлайман. Бемор "Йўқ, тавба қилдим, иккинчи ичмайман", деб мени мингаштирганча уйни яна икки бор айланиб, юз сўм-икки юз сўм, ишқилиб, атаганини ташлаб, сув тўла шишани қўлтиқлаб кетади. У бу "ароқ"ни менинг тавсиямга мувофиқ, уйга бориб ичиши керак. Чунки ароқ менинг қудратим билан сувга айланиб қолган бўлади. Агар аёллар ароқхўр эрининг устидан шикоят қилиб келса, келтирган ароғини боғи учусида алмаштириб, дам солиб, эрингизга уч маҳал ичиринг, дейман. Лекин аёлларни минмайман. Уларнинг елкасини уқалаб, хивич билан уриб қўяман.

Шундай қилиб, Мамадали икковимиз тез орада танилиб қолдик. Янги кийим-кечаклар, машина сотиб олдик. Негадир эркак мижозларимиз, ихлосмандларимиз камайиб, аёллар кўпайиб кетди. Кунлардан бир кун кўҳликкина, ўсма-сур-малар қўйган бир аёл қўлтиғига ароқ қистириб кириб келди. Уйни атир-упанинг ёқимли ҳиди тутди.

— Ассалому алайкум, — деди аёл уйга разм солиб. — Пиён парининг уйлари шу ерми?

— Тушунмадим.

— Пиён пари сизми?

— Қанақа Пиён пари?

— Ахир ароқ ичиб туриб, ароқхўрларни даволайдиган одам сизми?

— Тўғри, мен ароқхўрларни даволайман. Аммо ароқ ичмайман, — дедим ютиниб. Ваҳоланки, ҳозиргина Мамадали пўскай билан икки сихдан кабоб еб, икки юзтадан коньяк отиб олган эдик.

— Ким билади, — деди аёл елкасини қисиб. — Пиён пари чиқибди, ўзи ароқхўр экану, аммо нафаси ўткир экан, деб ҳамма овоза қилганига келувдим.

Ана холос, дедим ичимда, демак номим Пиён пари бўлиб танилиб бўлган-да. Бироқ сир бой бермай ўзимни сипо тутдим.

— Сизга нотўғри гапиришибди одамлар. Мен бу касофатни ичиб, она сути эмган озимни харом қилмайман. Китобларда: "Маст қилувчи нарсанинг барчаси хамрди", дейилган. Хамр дегани нима дегани? Тўсиқ дегани. Нимадан тўсади? У дунёда яратганининг жамолини кўришдан тўсади, бу дунёда ақлдан тўсади, иймондан тўсади. Так, что бунақа гапларни гапирманг, синглим.

— Вой, кечирасиз, мен одамлар айтганини айтдим.

— Кўролмайдиганлар кўп. Ҳай, нима дардингиз бор?

— Шу десангиз, хўжайин ер юткур ичади. Ажралиб кетай десам, ўртада бола бор.

— О-о, нобакор, фарзанд кўр қилгур.

— Ичсаям майли, ҳар ичганда мени тутиб олиб уради.

— О-о, хотин кўр қилгур. Сиздай бир гўзал, кетворган, фариштадек аёлни қадрига етмабди-да.

— Пешонам шўр экан, — деди аёл кўзларини артиб.

— Бу дунёда пешона шўрмас одам йўқ, янга. Ҳар кимга худо инсоф берсин. Қани, кўзингизни юминг. Эрингиз ичадиган ароқни олиб келдингизми?

— Ҳа, мана.

Аёл ароқни узатди. Бунақанги ароқни ҳеч кўрмагандим, бошим қотиб қолди.

— Бу қанақа ароқ, янга?

— Ким билади. Нуқул машинақасидан ичади.

— "Русский водка"дан олиб келмадингизми?

— Эрим ичадиганидан олиб келдим-да.

— Бўлар иш бўпти. Тескарига қаранг. Кўзни юминг.

Шундай деб ичкарига отилиб кирдим-да, ароқнинг ёрлигини шошиб кўчириб оламан десам, ярмиси йиртилиб чиқди. Шу топда Мамадали пўскай бўлганида, болларди. У

кейинги вақтда бу ёғини ўзинг эглайверасан, деб фақат тушлик ва кечки овқат пайтида келарди. Йиртилган ёрлиқни сувли ароқнинг сиртига ёпиштирган эдим, ярмиси ажнабий, ярмиси ўрисча ёрлиқ бўлиб қолди. Ароқни аёлнинг тепасига олиб келиб, мана бу сўзларни қайтаринг, дедим: "Ё Исо, ё Масих, ё Исо, ё Масих..." Аёл қайтарди. Ароққа дам солиб, шишани унинг елкаларига уриб чиқдим. Сўнг шишани ерга қўйиб, аёлнинг бошини кафтларим орасига олиб аста силладим. Кейин бўйинини, елкаларини уқалаб-уқалаб, бел томонига қараб майин сийпаб тушдим-да, қўлларимни силкитиб-силкитиб: "Ё, ҳу, ё су", деб қўйдим. Шу усулни иккинчи марта такорлаётганимда аёлдан "Ўзингизни енгил ҳис қиляпсизми?" деб сўрадим. "Ҳа", деди аёл. "Ёқимли бўлаяптими?" Аёл "ҳа" деб яна тасдиқлади. Назаримда, бемор унинг эри эмас, ўзи эди. Ажабланарлиси, аёлнинг ўзи ҳам "Ҳой, мен эмас, эрим касал", демади. Икки-уч ойдан бери аёл зотининг баданига қўлим тегмагани учунми, илҳомланиб жунбушга кела бошладим. Учинчи бор уқалаб-сийпалаб туриб аёлнинг ҳамёнини ҳам силба қўйдим. У қаршилик кўрсатмади. Муолажани тугатгач:

— Мана, янга, мен бу касофат ароққа дам уриб, спиртини учирвордим. Суви қолди. Шуни эрингизга уч маҳал ичирасиз, шишасини бўйинига боғлаб қўясиз. Бир ҳафтагача сизга яқинлашмасин. Иншоллоҳ, ароқни кўрмайман дейдиган, сиззи қадрингизга етадиган бўлади.

— Раҳмат, тақсир, — деди аёл ўрнидан кўзголиб. Сўнг менга пул узатди.

— Мен аёллардан пул олмайман, пул макруҳ! — деб юбордим негадир завқим келиб.

— Вой, раҳмат, кам бўлманг, — деди аёл. Кўча эшикка яқинлашганда сўраб қўйди: — Мен яна келаманми?

— Ихтиёри-и-ингиз, — дедим дудуқланиб. — Яна бир икки-март шунақа қилдирсангиз, арвоқлар қуввати мадаккор бўлиб, уйингиздан ичкилик васвасасини, жинларни париларим қувиб чиқарарди.

Аёл хўп бўлади деб чиқиб кетди.

Эртаси энди бет-қўлимни ювиб, нонуштага ўтираман деб турсам, бир кўзи моматалоқ бўлиб кириб келди ҳалиги аёл.

— Келинг, янга. Ҳа, тинчликми?

— Ароқни нега сувга алмаштириб келдинг, деб эрим ер юткур урди, кечаси билан калтак олиб қувлаб чиқди.

— Оббо, хотин кўр қилгур-эй. Ҳа, айтмадингизми, парихон дам солгандан кейин спирти учиб кетаркан, деб.

— Айтдим, айтсам, "Ҳў, парихонингни палон нарса", деб сўкди.

— Вой, сувович, пиёниста-ей, ҳали кўрасиз, тили танглайига ёпишиб, айланмайдиган бўп қолади.

— Мен энди нима қилай, тақсир? — Аёл илтижоли боқиб сўради.

— Мен ишга кетяпман. Кечқурун келаман, — дедим ўй суриб, кейин миямга бир фикр келиб қолди. Аёлга юзландим. — Сиз, янга, бу ҳолатда кўчада юрманг. Мен кўзингизни компресс қилиб қўяй. Бир пиёла чой ичинг. Юринг.

Аёл ортимдан эргашди. Бир парча докани спирта намлаб, қовоғига босдим. Кейин бўйинларини, ҳамёнини силаб баргимга босувдим, индамади.

— Мен ишдан келгунча ҳеч кимга эшик очманг. Мамадали пўскай деган ошнам бор, келиб тақиллатади. Овоз чиқарманг. Яхшиси, ичкарида ўтиринг. Уйнинг ташқарисидан қулфлаб қўяман, — дедим. Аёл рози бўлди. Устидан қулфлаб ишга жўнадим. Кун бўйи хаёлим уйда бўлди. Ҳалиги аёл товламачи, ўғри бўлса, ҳамма нарсени йиғиштириб, деразадан тушиб қочиб кетса-я! Ундай десам, деразага темир панжара ўрнатилган. Эшикни буза олармикан?..

Хуллас, минг хаёл билан кунни кеч қилдим. Намозгарда эмас, атайин кўчани бир-икки соат айланиб, шомдан кейин ўз ҳовлимга пусиб келдим. Одамларнинг кўзига кўринишдан хижолат чекардим. У ёқ-бу ёққа аланглаб, кўча эшикка яқинлашганимда бир ўсмир бола билан соқолли кишига кўзим тушди.

— Ассалому алайкум! Сизни кутиб турувдик, тақсир, — деди кекса киши. Сўнг ўсмирни кўрсатди. — Мени неварам. Мана шу иягига нарса тошаверади. Буларнинг топиб олгани дўхтир. Эскича ҳам қилиб кўрай, демайди. Етақлаб келдим.

— Мен шомдан кейин кўрмайман. Эртага бир кафт тарих, тарих бўлмаса маккажўхори олиб келинг, қовуриб, — дедим. Чунки ота-боболардан билардимки, тошмага

шунақа эмини қилиниб, юзга сочиларди, сўнг товуққа бериларди.

— Шунақами, хўп бўлади, — деб хайрлашди. Ҳовлига ўзимни урдиму эшикни тамбаладим. Уйни очсам аёл мудраб ёнбошлаб ётган экан.

— Роса қорнингиз очдими? — деб сўрадим.

— Қорним очмади-ю, чанқадим.

— Мени ҳеч ким сўрамадими?

— Биров эшикни роса тақиллатди, тушлик пайтида. Кейин назаримда девордан мўралаб чақирди.

— Нима деб чақирди?

— Алжабр, Алжабр деди. Тушунмадим, нафасимни чиқармай, қўрқиб туравердим.

— Бу ўша, Мамадали пўскай.

— Нега унақа дейди?

— Қадрдон дўстим, мени машҳур табиб Алжабр деб атайдиган бўлволган. Асли номим Жобирхон. Ҳозир яна чақириб келади. Шунинг учун чироқни ёқмаймиз. Анови тентак сувдан отиб туради. Кейин ўзи ҳам тентак бўлиб қолади.

Шундай деб дарров газхонага чиқиб, қозонга думба ёғи ташлаб қўйдим. Уйга қайтиб киргач:

— Эрингиз қидирмайдими? — сўраб қўйдим.

— Сен билан яшагандан ит билан яшаган афзал, деб уйдан чиқиб кетганман. Қидирса-қидирар, — деди аёл ва ўз навбатида сўради: — Узингиз-чи, аёлингиз йўқми?

— Утган йили биринчи фарзандимизни туғди-ю, ўлди, раҳматли, — дедим хўрсиниб.

Аёл уч кеча-кундуз меникида қолиб кетди.

— Сиз барибир қонуний эрлик хотинсиз, — дея насиҳат қилдим жувонга. — Уртада фарзанд бор экан. Уйингизга боринг. Жа бўлмаса, ҳар пайшанба ёпинчиққа ўралиб келиб турарсиз, гўё ўзингизни кўрсатгани келгандек.

Жувон рози бўлиб кетди.

* * *

— Менга қара, Алжабр, шу аёлга уйланволмайсанми? — деди Мамадали. У воқеадан аллақачон хабардор эди.

— Қўйсанг-чи, эри бор, боласи бор.

— Пўскай, бўлсин.

— Мен ҳам ҳали ажралмаганман.

— Пўскай. Ҳар ким ўз хоҳлагани билан яшаши керак.

— Ҳей, мен коммунистман. Қонуний ажралмагунимча мумкин эмас.

— Э-э, коммунистлигингга осдим. Нима, энди хотин билан ётиш учун ҳам КПССнинг қарори керакми? Да, пўскай...

Хуллас, оғайним билан шунга ўхшаш гап-сўзлар бўп турган, анови жувон билан учрашувлар давом этаётган кунларнинг бирида уйни милиса босиб, мени олиб кетди. Парихонлик қилиб элни алдаганим, яширин бойлик тўплаганим учун жиноий иш қўзғатилди.

Менинг хотинимга ўхшаган чиройли, аммо рангидан заҳар томиб турган прокурор аёл нақ ичагимни суғуриб, бошимга салла қилиб қўйди.

— Мен партия азвосиман. Аввал бюро кўриб чиқиши, сўнг қамоққа олишингиз мумкин, — дедим донолик билан.

— Озгингни юм, ҳез! — деди ўшқириб прокурор аёл.

— Бюро азвоси сифатида мен сени партиядан ўчирдим. Чиқар билетни! Обкетинг, бу ифлосни!

Мени маҳбусхонага ташлашди.

Суд бўлишимни кутиб турган кунларимнинг бирида юпқа дабини қимтиб, камон қошини чимириб хотиним кириб келди.

— Ҳа-а, Пиён пари? Ётибсиз мазза қилиб. Ҳой, гулдек хотинингиз, попуқдек фарзандингиз бўла туриб, ароқхўрлик қилгани уялмайсизми? Кошки мени эрим эканлигингизни ҳеч ким билмаса. Ҳа, мен номусдан ерга кириб кетдим-ку! — деди хотиним қўлини пахса қилиб. — Агар мен бўлмасам, турмада чириб кетасиз. Туринг, ўзимни кафилликка қўйиб, сизни сўраб олдим.

Ўрнимдан туриб миршабнинг кетидан эргашган маҳбусдек, хотинимнинг кетидан бошимни эгиб юрдим...

Яна бирга яшай бошладик. Ҳовлидаги дов-дарахтларга қарардим, бола боқардим. Кўп ўтмай янги очилган шифохонага ишга кирдим. Лекин паритяга тикланмадим. Шаҳар партия комитетига берган аризам оқибатсиз қолди. Алқумга шикоят қилдим. Улар гўржумга қайтарди. Гўё партиясиз яшай олмайдиган одамдек икки ташкилотга

эринмай мурожаат қилардим. Ҳозир бу дунёда туриб ҳайрон бўламан: қаранг-а, одам ўлгандан кейин бемалол партиясиз яшаш мумкин экан. Аризабозлик ҳам йўқ, бюро ҳам йўқ, ҳайфсан ҳам йўқ. Қўйинг-чи, мен ёруғ дунёда сарсон бўлиб юрган кезларимда хотиним партияга ўтиб, бош судьяга ёрдамчи бўлиб, обрўси ошиб борарди. Орадан сал ўтмай, депутатликка номзоди кўрсатилди. Газетада катта мақоласи ва сурати чиқди. Олий маълумотли бўлса-да, исми шарифини тўғри ёзолмайдиган аёлнинг бу мақолани ўзи ёзганига ишонмадим. "Замон донога дор, жоҳил учун ёр", деб шоир тўғри ёзган экан. Сен мақола ёзганингда мен шоирлик қилсам бўлаверар экан, дедим ичимда. Газални кўп ўқирдим. Машрабнинг девони ҳамisha қўлтигимда юрар, бошқаларга отинойларга ўхшаб оҳангдор қилиб ўқиб берардим. Қўлимга Рўдакийнинг китоби тушиб қолди. Бу одам икки қатор-икки қатор қилиб ёзаркан. Бунақа газалларни фард деркан. Менга мана шу фарди маъқул келиб қолди — қисқа ва лўнда. Битта фард ёзувдим, "Муштум"да "Бир қайнови ичиди гаплар" деб босилиб чиқди.

Ана шундай, ижодим чойгумдек қайнаб, илҳомим чашмадек тошиб турган бир пайтда оиламизда яна жанжал чиқиб қолди. Хуфтондан кейин мудраб, хотинимнинг ишдан келишини кутиб ётсам, кўча дарвозада машинанинг товуши эшитилди. "Келди", дедим-да, аста қўзғолиб, дарвозага яқинлашдим. Дарвозанинг қия турган ўрта эшигини очиб, кўчага шундай қарашимни биламан, костюм-шим кийган, бўйинбоғ таққан, барваста бир одам хотинимни барига босиб турибди. Хотиним мени кўриши билан чап қўли билан кўрагини чангаллаб, инқиллай бошлади. Ўнг қўли ҳалиги одамнинг қўлида турарди.

— Тезроқ келиб қўлимни олсангиз-чи! — деди у инқиллаб.

— Ҳа, нима бўлди? — дедим киноя билан икки қўлимни белимга тираб.

— Сайловчилар билан учрашувга борувдим. Ўша ерда юрагим приступ қилиб қолса бўладими. Яхшиям Зоҳир Тўрабоевич бор эканлар, кузатиб келдилар.

— Бирдан шу йўлда, юрак хуруж қилиб, ушлаб қолса бўладими, — деди ҳалиги одам гўлдираб.

— Тур, йўқол! Ҳозир абжағингни чиқариб ташлайман, — дедим чап оёғимдаги шиппакини қўлимга олиб.

У шошиб ўгирилиб, машинасига ўтирди-ю, жўнади. Қўрққан олдин мушт кўтарар деганларидек хотиним уйга кириши билан жавраб кетди:

— Сизда маданият борми, мазги ишлайдими? Бу одам менинг коллегам. Эри жинни экан, демайдими?

— Бу артистлигингни театрға бориб қиласан. Сенинг йўлдан озганингни аллақачон сезган эдим, аммо бугун ўз кўзим билан кўриб ишондим.

— Нима-нима, ҳали мени шунақа деб уйлаяпсанми?! — сенсирашга ўтди хотиним. — Бу тухмадинг учун, ҳа, совет аёлига қилган тухмадинг учун беш йил олсан. Мени шундай дейишга қандай ҳақдинг сиғди? Мен коммунистман, депутатман!

Шу пайт ичкаридан ранги гезариб, дажжол онаси чиқди.

— Ҳой-ҳой, яна нима бўлди?

— Кўрмайсизми, манавини. Сайловчилар билан учрашиб, чарчаганимдан юрагимни чангаллаб, инқиллаб келсам, яхши келдингни, хотин, дейиш ўрнига, сен бузуқсан, деб тухмаат қилаяпти.

— Очининг тўйгани қўрсин, яланғочнинг кийгани. Одам ҳам ўз жуфти ҳалолани шундай дейдими, а? Маҳалла-кўй эшитса нима дейди? — деди онаси қизидан улоқни олиб.

— Қизингизни маҳалла-кўйдан уяладиган, номусли қилиб тарбияламабсиз-да, — дедиму шангиллаган овозини эшитмай деб ичкарига кириб кетдим. Она-бола орқамдан бостириб кирди.

— Сен манави чулдурвақангни тарбиялаб оларсан. Мен қизимни ойдек қилиб йигирма беш йил тарбиялаб, депутат қилиб, бутун областни сўрайдиган қилиб қўйибман. Сен кимсан ўзинг, гадой?! Бир ойдан бери "Пиён пари борми?" деб ҳамма сўраб келавериб, энди қўлоғим тинчиган эди. Ё парихонликни қўмсаёпсанми, уятсиз! Ҳе, ит иззат билмабди, мушук тарбияни!

Қайнонам ана шундай — автоматдан пойинтар-сойинтар ўқ узиб чиқиб кетди. Хотиним аллақачон уйғониб, биғиллаб ётган болани барига босиб эмизди. "Би-би, ма-ма, жими-жими, онасининг боласи" ва бошқа ана алламбалло гаплар билан юпатиб ухлатди. Сўнг ички либосларидан бўлак кийимларини ечиб бир четга отди-да, тошойна олдига бориб сочларини ёзди. Тан бериш керак, у ниҳоятда кўркам

эди. Бироқ худо унга вафо ва ифбат ато этмаганига ҳайрон эдим.

— Пешонам шўр экан-да, — диванда бошимни суянчиққа ташлаб, ўй суриб ўтирарканман, бехосдан шу гап оғзимдан чиқиб кетди.

— Ҳой, тилимни қичитманг! Тинчроқ ухлай. Ҳа, нега пешонангиз шўр бўлади, нега?

Хотиним ёнимга ўтириб бақрайиб қаради.

— Ҳалиги одам ким?

— Айтдим-ку, бирга ишлаймиз, деб. Шу одам бўлмаса партияга ҳам ўтмасдим, депутат ҳам бўлмасдим!

— Ушанга тегиб олақол, мени ҳам, ўзингни ҳам қийнамай.

— Эй, уятсиз, у одамнинг тўртта боласи бор. Тушунасанми? Теголмайман! Теголмайман! Теголмайман!!!

Туйқусдан хотинимнинг жазаваси тутиб, мени бўға бошлади. Нафасим қисилди. Шунда обгоҳига қаратиб тепдим, ўрнимдан туриб қулочкашлаб бир урувдим, ағдарилиб тушди.

— Сени уч талоқ қўйдим!

Шундай деб елкамга костюмимни ташладим-да, бу хонадонни бутунлай тарк этдим.

Бир ҳафтагача ана милса ушлаб кетади, мана ушлаб кетади, деб юрдим. Аста-секин мени қаматмаслигига, айна пайтда ажралмаслигига ақлим ета бошлади. Чунки у депутат ва коммунист эди. Мен эса партияга тикланмасдим. Партия иккита бир-бирига қарши бўлган вужудни таҳдид билан ушлаб турар, уларни фақат ўлимгина азобдан қутқариши мумкин эди.

Уйдан зерикиб ишга, ишдан зерикиб уйга қочиб юрибман. Бир кун беморларга дори-дармонни тарқатиб бўлиб, энди хонага кираман деб турсам, фаррош кампир: "Сизни бир жувон қабулхонада сўрапти", деди. Юрагим шиг этди. У ёқ-бу ёгимни тузатиб, ҳадиксираб чиқсам, анави, мени яхши кўриб қолган аёл турибди. Дилим ёришди, аммо хотинимдан ҳали қонуний ажрамаганим ёдимга тушиб кўнглим хижил тортиди.

— Келинг, — дедим уни бир четга тортиб.

— Келишувимизга мувофиқ пайшанба куни борувдим, уйингизга. Қўшилларингиз, хотининикига кетиб қолди, дейишди. Хотиним ўлган дегандингиз-ку?!

— Тирилиб қолди, ланнати.

— Мен эрим билан ажрашдим, судга ариза бериб қўйдим. Эллик йил азобда яшагандан беш минут роҳатда яшаган афзал.

— Қанийди ҳамма шунақа ўйласа. Менинг хотиним ажрамайди ҳам, яшамайди ҳам, бировга кун ҳам бермайди.

— Ариза беринг, ҳеч нарса қилмайди. Олти ой муҳлат беради, тушунтиради, дағдаға қилади, кейин ҳафсаласи пир бўлади. Биронта суд бировни бировга мажбур қилиб, шу билан яшайсан, дейишга ҳаққи йўқ.

— Мен қонуний ажрашганимча сиз келмай туринг, илтимос. Хотиним мени қаматишга баҳона тополмай турибди.

— Сиз бечоранинг юрагини олиб қўйибди.

— Сиз уни билмайсиз. У судда ишлайди, депутат, партийний.

— Бўлса-бўлар, у партийний бўлса, мен комсомолман. Бунақа коммунистнинг ўнтасини орқа этагини бошига ёпиб қўяман.

"Оббо, — дедим ичимда, — бундан ҳам қўрқулик-ку!"

— Фойдаси йўқ, сиз сабр қилиб туринг. — Мен ўзим сизни топиб оламан, — дедим аёлга ялингандек тикилиб. Сўнг бисотимдаги бор-йўқ гаплар билан уни алдаб-сулдаб жўнатдим.

Кечқурун уйга келиб, юз грамм оддим-да, шеър ёза бошладим. Бир маҳал дўпписини қийшайтириб Мамадали пўскай кириб келди. Хонтахта устидаги қоғоз-қаламга кўзи тушиб:

— Шеър ёзаяпсанми? — деди у. Кейин қўйнидан шиша чиқарди. — Мана бундан отивол. Илҳом келата.

— Очма, очилгани бор, — дедим хонтахта остидан шишани чиқариб.

— Да, пўскай. Буниям ичворамиз. — Мамадали шундай деб шишанинг оғзини очаркан жавраб кетди: — Шу, хотиннинг гишавасидан тўйдим-да. Ҳар ойда битта янги кўйлак кида-ю, тагин анави кўйлақдан ҳамма кийди, мен киймадим, деяверади. Ҳой, аввал уйдаги кўйлақларни кийиб тамом қил, десам, бисотимда шу битта кўйлагим қолди, қўшиллар гапирди, дейди. Пўскай, гапириб ўлсин, мана мен олти йилдан бери қайнонам қилган шу битта кўйлакни кияман, ҳеч ким гапирмайди-ку, десам, сиз, хотинларни билмайсиз, дейди. Ҳа, сен биласан, сең доносан, дедиму,

индамай бу ёққа чиқиб келавердим. Ҳой, шунақа хотинлар тўғрисида битта газал ёзмайсанми?

— Куллиёт туздим.

— Нима дегани?

— Тўпламни биз куллиёт деймиз. Ўқиб берайми?

— Пўскай.

Икковимиз яна юзтадан отдик. Мен куллиётимдан намуналарни ўқий бошладим. Шунга айтиб қўяйки, мен фардларни бемақсад ёзмайман. Уларнинг ўз тарихи бор, яъни, кимга қаратилгани сезилиб туради.

ЖАБРИЙ КУЛЛИЁТИДАН

Ширин чиқди сомсамиз,

Яна бўлса деб қўмсаймиз.

Ўроқдек бўлиб ой чиқди,

Мана, олдимиздан сой чиқди.

— Қалай? — дедим боядан бери ёнимда "оҳ, воҳ, зўр", деб ўтирган Мамадали пўскайга.

— Қойил, баракалла, етишиб қолибсан. Муни дарров босмахонага топшир. Шу бирон жойига мени ҳам қистириб кетмабсан-да. Ҳамиша ёнингданман, қиёматли кўшнимиз, — деди ўпкалагандек бўлиб оғайним.

— Сенга аталганиям бор, иккинчи қисмда.

— О-о, китобинг икки қисмлими?!

— Биринчи қисмга фардлар киради, иккинчи қисмга "Жабрийнома" деган дostonим киради. Бунда асосан ўз ҳаётим акс этади. "Ошно-оғайниларим" деган бобида биринчи сендан бошлаганман, — дедим тоқчадан дафтар олиб. — Мана, бошланиши:

Ҳамиша йўлимни тўскай,

Дўстим Мамадали пўскай.

— Ие-ие, ҳа, мен қачон йўлингни тўсдим. Ишдан келишингни интизор бўлиб кутиб тураман-ку! "Интизор бўлиб кутгай", дегин. Давай, ўзгартир, — деди Мамадали.

— Қофияси тўғри келмайди-да. "Тутгай"га "пўскай" қофия бўлмайди. Шеърда энг муҳими қофия. Мана, масалан: эна-чена, шапка-папка, тогора-зогора, эшик-тешик, яъни диван — эшик, диван-тешик. "Кутгай"га биласанми... — Шу жойига келганда қаламни тишлаб роса ўйланиб қолдим.

— Топдим! — деди Мамадали сакраб. — Тепгай!

— Нимани тепади?

— Мен тўпни тепаман. "Интизор бўлиб кутади, тўпни вангиллатиб тепади!" Қалай?!

— Қизиқмисан, бўлмайди. Хўш... э-э, бўлди. Мана эшит: Интизор бўлиб кутади.

Қўлида гул тутуди. Қалай?

— Қўлни ташла. Юзтадан отайлик.

— Бўлди, маст бўлиб қоламан.

— Э, пўскай. Шоирлар доим маст бўлиши керак.

Мастона-мастона, дейди-ку.

Яна юзтадан отдик.

— Буни пулини нима қиласан? — сўраб қолди Мамадали.

— Битта болохона қурайми, дейман. Сенга ўхшаган улфатлар келса, хотин-халажнинг олдида уйга кириб ўтирмаймиз. Алоҳида, хотиржам ўтирамай.

— Энг аввало бир яшиқ ароқ олиб қўй. Ароқнинг нархи ошади, деяпти. Китобинг чиқиб танилиб кетганидан кейин меҳмон кўп келади.

— Аввал буни газит-журналларда эълон қилдираман.

Шунақа қилдирмасам китоб қилиб чиқармайди. Навоийдан, Машрабдан газит-журналда чиққанмисиз, Ёзувчилар уюшмасига аъзомисиз, деб сўрамайди-ю, аммо мендан сўрайди. Шунинг учун аввал бир-иккитасини газитда бостираман.

— Иннакейин, сенга маслаҳатим шуки, — деди Мамадали пўскай, чўкка тушиб. — Жа, хасис бўлма. Босмахонанинг бошлиқларига бир-икки марта коньяги билан ош қилиб бергин. Ҳозир ҳамма иш муомалага боғлиқ. Мана мен. Қанча одам сўраб келади: труба ёрилиб кетди, краннинг жўмраги бузилди, фалон бўлди-пистон бўлди. "Пўскай" дейман, пинагимни бузмай тураверман. Қачон муомала қилади, Ленин бободан узатади, яримта қуяди, ана ундан кейин ишини битказиб бераман. Ҳа, менда ҳам қорин, бола-чақа бор.

Биз алламаҳалгача Мамадали пўскай билан ижодий ва ҳаётий режалар тузиб, тун ярмида хайрлашдик.

Эрталаб руҳим энгил, кайфиятим балинд бўлиб уйғондим. Вужудимни ижод завқи, шоирлик шавқи чулғаб олганди. Куллиётимни қўлтиқлаб газетага қараб йўл олдим. Адабиёт

бўлимида она сути оғзидан кетмаган бир бола ўтирган экан, куллиётим билан танишиб чиққач, мириқиб кулди, хурсанд бўлди. Кейин менга қараб деди:

— Домла, ёзганларингиз яхши-ю, лекин биззи газетага тўғри келмайди.

— Нега тўғри келмайди?

— Биззи газит партиявий газит. Буни босмайди.

— Ундай бўлса, газит партияники бўлса, уни кўчада халққа сотмасдан, коммунистларнинг аъзолик бадалига қўшиб бераверинглар.

— Энди, мен кичкина одамман, фикримга қўшилмасангиз устимдан шикоят қилишингиз мумкин.

Наҳотки, менинг шеърларим шу газитда босилаётган айрим шеърлардан ёмон бўлса, деб хафа бўлдим. Адабиётчилар ёт каптарни сиғдирмайди, деб эшитгандим, тўғри экан, дедим. Вилоят газитининг бир ойлик тикмасини кўздан кечириб, иккита шеърни танлаб олдим-да, муҳаррирнинг олдига кирдим. Муҳаррир тавозе билан кутиб олди. Унга шеърларим адабий ходимга ёқмагани, мана шу шеърлардан минг марта яхшилигини айтдим ва газитларни узатдим. У қўлимдан олиб ушбу шеърни кузатди.

Сим, сим, сим ёмғир,

Юрагимда гимириллар типратикан.

Қалбимда қалдирғоч бола очади,

Мансуралар қайдасиз?

— Шу шеърга тушунмадим, — дедим мен.

— Бу мураккаб шеър. Унча-мунча одам тушунмайди, — деди муҳаррир.

— Ие, шеър халқ учун, одам учун ёзиладими? Ўз халқи тушунмайдиган шеърнинг кимга кераги бор? Биз Навоийни тушунамиз, Маширабни тушунамиз, Абдулла Ориповни, Эркин Воҳидовни тушунамиз, нега энди буни тушунмаймиз?

— Очиқ гап, менам шеърни яхши тушунмайман, — деди муҳаррир.

"Анавини қаранг, ҳа, шеърни тушунмасанг нима қиласан муҳаррирлик қилиб?"

— Манави-чи? — дедим иккинчи шеърни кўрсатиб. У "Чорвадорлар қўшиғи" деб аталиб, қуйидагича бошланган эди:

Тонгдан туриб эркалаб,

Сигирларни соғамиз.

Сут бўлоги давр талаби,

Партияга совғамиз.

Муҳаррир кўз югуртириб бўлгач, узр сўрагандек бўлиб менга юзланди:

— Энди, биласизми, баъзан шунақаларини ҳам босишга тўғри келади. Бу шоир, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, жуда сур одам. Шеърларини бермасак кутулмаймиз.

— Биз ҳам кичкина одаммасмиз. Хотиним депутат, — деб юбордим.

Муҳаррир бечора жуда юраксиз одам экан, дарров ўзгарди. Адабий ходимга қўнғироқ қилиб: "Бу ёққа чиқинг, маслаҳатли гап бор", — деди. Ходим бир зумда хонага кириб келди.

— Манави акамизнинг шеърларидан танлаб олиб, келгуси сонда берворинг.

"Қалайсан" дегандек ходимга кўз остим билан қараб қўйдим. Ходим қўлимдан шеърларни олиб чиқиб кетди. Муҳаррир елкамга қоқиб, тез-тез келиб туринг, ёзаверинг, деб мени кўчагача кузатиб қўйди.

Орадан уч кун ўтгач газитда кичкина газал чиқди. Остида менинг имзоним. Мен фард ёзгандим, ходим газал қилиб чиқарворибди. Мендан бир қатор олибди, холос, қолган етти қаторини ўзи қўшибди. Ўзгартирганига анча хафа бўлдим. Кейин, ҳа, майли, шунгаям шуқур қилдим. Газитдан эликтача сотиб олиб, Мамадали пўскайдан тортиб, ҳамма танишларимга тарқатиб чиқдим. Хотиним ўқиган бўлса, роса ичи куяётгандир, шундай эрининг қадрига етмаганинг учун баттар бўл, дедим.

Газитни қўлтигимга қистириб хурсанд юрган кунларимнинг бирида прокуратурадан қақирув қоғози келди. Ассалому алайкум, деб кўрсатилган хонага кирсам, тўрда форма кийган ўша ранги заҳил бир аёл ўтирибди. Мен қаққайиб туравердим. У устолдан кўзини узмай ниманидир ёзаверди. Кимдир қўнғироқ қилди. Гушакини кўтариб: "Саксон тўққизга келтириб қўйдим, розимисиз?" деди. "Саксон тўққиз, деб моддани айтяпти шекилли, — ўй сура бошладим хавотирга тушиб. — Бу модда кимларга қўлланаркин? Эҳтимол менгадир?!" Оёғим толиб, ёнгинамда турган устугла энди чўкаман десам, "Тур ўрнингдан, ҳез, эшшак, аблах!" деган амирона овоз янгради. Тиззам букилган жойда қотди.

— Барибир одам бўлмас экансан-да, ҳайвон. Қачонгача совет хотин-қизларини хўрлайсан? Уйингга қатнаётган аёл ким? Ўз бола-чақангни хўрлаганинг етмагандек, бировнинг хотинини ҳам йўлдан уряпанми?

"Оббо, бу аёл ҳам шикоят қилдимикин? Уч-тўрт кун илгари ўша аёл менинг уйимга яна келди. Мен унга илтимос қилиб, ялиниб иккинчи бу ерга келма деб сўраб чиқариб юборган эдим. Биронтаси иғвогарлик билан чақиб қўйдимикин? Ҳар бир маҳаллада ҳукуматнинг айғоқчиси бўлади, дейишарди, рост экан-да".

— Тушунмадим, ая?..

— Жуда тушунасан, гўл эмассан. Нима энагинг туриб қолдими?!.. Ўшанингни қайириб..

Бу аёл оғзидан шундай гаплар чиқардики, эркак киши бўла туриб вужудимдан тер қуйилиб кетди. Қани энди оёғим остидаги ер ёрилса-ю, кириб кетсам.

— Ая, мени қамаб қўя қолинг, — дедим хўрлигим келиб.

— Ароқ ичиб, парихонлик қилганинг учун беш йил, хотинингни урганинг учун беш йил, фоҳишахона очганинг учун беш йил, совет аёлининг шаънинни тўққанинг учун беш йил. Ҳаммасини санаб чиқ-чи! Турмада чириб кетасан. Гапир, нима қилмоқчисан?!

— Сиз нима десангиз, шу, ая..

— Яхшиликни билмаган эшшак. Ишхонанг билан маҳалладан характеристика олиб келасан. Шу бугуноқ бориб хотинингни оёғига йиқилиб, кечирим сўрайсан. Тилхат ё!

Иккинчи мартаба хотинини хафа қилсам, ҳар қандай жазога лойиқман, деб тилхат ёзиб бердим. Прокурорнинг хонасидан юрак-бағрим эзилиб, тупроқ билан тенг бўлиб чиқдим.

Эй шафқатсиз прокурор,

Мени мунча қилдинг хор,

деб ён дафтаримга ёзиб қўйдим.

РИХЛАТ

Уйга келиб ниҳоятда бошим қотди. "Нега мен бориб хотинимдан кечирим сўрашим керак? Нега ҳамма мени шу бузуқ аёлга бориб ёпиштиришга ҳаракат қилипти? Ўзига ўхшаган биронта раҳбарга тегиб олса бўлмасмикин? Уни уч талоқ қўйган бўлсам, у билан яшаш шариятга хилоф-ку! Булар шариятни тан олармикин?" Мана шунақа ўйлар миямда чарх уради. Шу тобда партиясиз биронта мўмин-мусулмон қизга уйланмаганимга минг афсус чекдим. Аламимни ароқдан олгим келди. Бир шишани бўлиб-бўлиб ичиб бўшатдим-да, онамнинг қабрига бордим, гандираклаб: "Онажон! Мана келдим ҳузурингизга. Мен бадбахт ўглингизни кечиринг. Эҳтимол, отам тирик бўлганда, халқ душмани деган тўхматга учрамаганда, эҳтимол, сиз ёнимда бўлганингизда бундай қўйларга тушмасдим. Нима қилай? Менга маслаҳат беринг. Хиёнаткор хотинлардан, шафқатсиз прокурорлардан, расмиятчи коммунистлардан қаерга қочиб кутулай?!"

Роса тўйиб-тўйиб йиғладим. Кейин бундай ўгирилиб қарасам, шундоқ ёнимда очиқ гўр турибди. Ичига мўраладим. Янги кавланган экан. Кимнидир бугун-эрта қўйишмоқчига ўхшайди, Очиқ гап, салқингина шу гўрга кириб қўйиб дам олиб ётгим келди. Одамлар қабристонни жуда ваҳима бўлади, дейишарди. Ҳеч ҳам ваҳимали жойи йўқ экан. Мана, атроф осойишта, ҳамма тинч ётибди. Бу ерда биров бировни сўроқ ҳам қилмайди, бюро, мажлислар ҳам йўқ. Характеристика, испарапка сўрайдиганлар қайси гўрда экан, деб атрофимга аланглайман, бироқ ҳеч ким кўринмайди. Ҳамма бир хил: обком секретари билан партиядан ўчирилганни ажратиб бўлмайди.

Очиқ гўрнинг айвонига тушиб, хотиржам ўтириб олдим-да, бир мириқиб чекмоқчи бўлдим. Ёнимдан сигарет олиб гугурт чақдим. Туташтириб бўлгач, ўзимни уйда ўтиргандек ҳис қилиб, ёниб турган гугурт чўпини қабрнинг ички, майит қўйиладиган қисмига чертиб юбордим. Бир маҳал худди бомба портлагандек "қарс" этган овоз эшитилди. Ўнг чаккамдан иссиқ бир нарса ичимга қуйилиб кетди, гўё оғзимдан чиқди ўша иссиқ суяқлик. Кейин кўз олдимни оппоқ туман қоплаб олди, бу туман ортдан оппоқ кийимда ота-онам кўринди. Улар ҳадеб жилмайишиб, мени имлашарди... Мен ўзимни қўшдек ҳис этиб, бу ерни тарк этдим, улар томон учиб кетдим...

Шундай қилиб ўртоқ апкўм секретари, мен бу ерга келиб қолдим. Эшитишимга қараганда, мен ўлганимдан

кейин хотиним хотин-қизлар Кенгашига раис бўлиб кетибди. Ҳай, омадини берсин. Хуш, мен нега бу хатни ёздим? Нега ҳозир Аросатда турибман? Чунки оёғимда қадоғим бор экан. Бу ёққа эса, оёқни тозалаб келиш керак экан. "Оёғинг нега қадоқ бўлган?" деб сўрашди. Мен айтдим: "Адолат бўлган ва гўрқум деган ташкилотлар ўртасида қатнайвериб, шунақа бўлган". "Халқумингни ҳам тозалаб келмабсан, ароқ ичармидинг?" деб сўрашди. Тан олдим, бунга мен эмас, мени сарсон қилганлар, хиёнат қилганлар айбдор, дедим. Бўлмаса шулар ростлиги хусусида далолат келтир, ўша ташкилотлардан, дейишди.

Мана, шунинг учун ушбу ҳасратимни жўнатдим ва учар ликопчадан бериб юбордим. Хурматли секретарь, агар хатим сизнинг қўлингизга тегса, шу гапларни тасдиқловчи бир ҳужжат юборсангиз ва партияга тикланишимга ёрдам берсангиз. Ҳеч бўлмаганда ўлганимдан кейин оқланиб қолай. Ахир бизда ҳаммиша одамни ўлгандан кейин оқлашади-ку!

Менга юбориладиган ҳужжатни учар ликопча орқали жўнатиш. Мабодо бунинг иложи бўлмаса, янги ўлган виждонлироқ бирон коммунистдан бериб юборсангиз ҳам бўлади. Агар у дунёда виждонли коммунист қолган бўлса. Жавобингизни илҳақлик билан кутиб:

Жобир Жабборов (Жабрий. Собиқ партия аъзоси). Манзилгоҳ: Аросат, 2-секция, 7-қават".

— Ёпирай! Бунга ёзган одам фирт жинни экан, — деди Қўзивой қоровул.

— Лекин, ҳамма учар ликопчани кўрдингларми, деяпти, — деди мусофиροхжа эшик оғаси кўзларини катта-катта очиб шеригига қараб.

— Биззи кўчада ҳам шу гап, — тасдиқлади Қўзивой қоровул. — Ҳа, учар ликопчани кўрганда қандоқ. У бизга ҳатто хат ташлаб кетди, деворай дедиму, шошма, эҳтимол, бу шайтоннинг ишидир, биззи кўзимизга кўринаётгандир, деб индамай қўяқолдим.

— Яхши қилсан, мен ҳам индамадим. Собиқ коммунист сифатида айтиб қўяй, бу хатни бирон бир жойга топширсак, бизни сўроқ қилавериб тинкамизни қуритади.

— Хўп, нима қилайлик бўлмаса?

— Бунга апкўмга ёзган экан. Апкўм аллақачон йўқ бўлиб кетган. Бунинг устига ёзгувчи ҳам марҳум экан. Ҳеч ким жавобгар эмас. Бунга ёқиб юборамиз. Мусофирхона эшик оғаси шу гапни айтгани ҳамон хат қўлидан сирғалиб ажралди-да, деразининг очиқ турган табақасидан "виз" этиб ташқарига чиқиб, юқорига қараб, учиб кетди. Икки қоровул эса: — Ё, қудратингдан! — дейишганча анграйиб қолишди.



Уста Очил ҲАЗРАТ

СУКУНАТ

Хаёл имиллайди,
Қоғозларнинг нафаси чиқмас.
Тикиб қўяр оғзини эшик,
Терлаб кетар деворлар,
Қулоғига бармогин тикиб.
Хаёл имиллайди,
Пашша патларини юлиб ташлайди,
Дераза кўзини юмади аста.
Балиқларин йиғиштирар ўргимчак.
Уйқуга кетади қумурсқа.
Хаёл имиллайди,
Жимгина ўлтирар кўрпача
Шамол лабларини ёғлайди.
Сичқонлар мум солар озгина.
Дарахт сочларини боғлайди.
Хаёл имиллайди.



(Болалик дўстим Алишерга)

Алифбо тилларни этади сурнай,
Кунлар ўғирлайди ўйинчоқларни.
Тун...
Сичқонлар эртақ айтади.
Энди йиғлаш-талаш
Ўйнар гўдаклар.
Оёқларни эзиб арава ўтар,
Лой ҳандакка кириб ухлайди кўзалар.
Теракнинг қарсиллаб кетади бели.
Энди меҳнат-азоб
Ўйнайди ўсмир.
Шамол юрагимни шилиб ўтади,
Қалбда томирлайди илоҳий чечак.
Тоғлар оҳ тортади, дарёларда оҳ.
Энди севги-эрмак
Ўйнайди армон.
Ҳижрон қўлимдаги тугилган тугун
Дўстим, хотиралар болалик уйим
Онам юрагимга қўйилган қишлоқ
Энди хайр-айир
Ўйнаймиз бизлар.



Уста Очил Ҳазрат 1971 йили Нуробод туманининг Шўрча қишлоғида туғилган. Қўлида гулдек ҳунари бор: уста. Айни пайтда "Оила ва жамият" ҳафтаномаси таҳририятида хизмат қилмоқда.

Шеърлари "Ёшлик"да илк бор чиқиши.





Баҳром ҒОЙИБ

ЎЗИМНИ ОРТИҚРОҚ СЕВДИММИ СЕНДАН



МЕН ЁЛҒИЗМАН...

Бир неча йилдирки, хонандалар Охун Мадалиев ва Юлдуз Усмоновалар ўртасида туркман қизими, ўзбек қизи мавзуда айтишувлар давом этмоқда, аслини олганда, муҳаббат бўлса, кўйлаги узунми, қисқами, турк қавмининг қай биридан қиз олишининг фарқи нима? Ахир томири бир халқ бўлсак...

Узун кўйлак туркман қизининг ошиғи...
Истанбулга, мовий кўзининг қошига,
Учиб борсам, термулсам кўз-қошига,
Қуруқ чиқарманми тегирмон сувдан?
Мен ёлғизман, турк дунёси поёнсиз,
Сен нолима, кел олдимга, жонон қиз.

Озар, десам озор чекиб қолгумми?
Козоқ, десам қочоқ чиқибқолгумми?
Илож бўлса тўқсон икки урудан,
Танлаб-танлаб олсам битта сўлувдан.
Мен ёлғизман, турк дунёси поёнсиз,
Сен нолима, кел олдимга, жонон қиз.

Қўйиб берса дунёга дов солгумми?
Момо Ҳаво қизларидан олгумми?
Қандайлар қутулай, банди қолгумми?
Қирғиз қизининг қўлидаги қурувдан.
Мен ёлғизман, турк дунёси поёнсиз,
Сен нолима, кел олдимга, жонон қиз.

Орзуларим имкони йўқ, биламан,
Мен дилимни тилим-тилим тиламан,
Хом сут эмган банда қандай қиламан?
Кечиб бўлмас кўнгилдаги ғулувдан.
Мен ёлғизман, турк дунёси поёнсиз,
Сен нолима, кел олдимга, жонон қиз.

Истасам, истасам кўнгил озиғи,
Кўкрагимда кўкнинг темир қозиги,
Мен қайга қочаман, тақдир ёзиғи,
Ўзбек қизи солган ёлғиз буровдан?
Мен ёлғизман, турк дунёси поёнсиз,
Сен нолима, кел олдимга, жонон қиз.
Афсус... Мен ёлғизман!
Шукр... Турк дунёси поёнсиз!

ДИЛИМ ТИНДИНГМИ?

Орзулар сўндими?
Дилим, синдингми?
Оқимга кўндингми?
Сойдай тиндингми?
Йўқ, сен синмагансан,
Синган, у менман.
Кимда даъво бўлса,
Сўрасин мендан.
Рухим, сен соғломсан,
Вужудим сўлган.
Сендан айро тушиб,
У нотоб бўлган.
Жон риштаси омонат,
Рухим мангу қолгайсан!
Жонга бўлса хиёнат,
Сен алашим олгайсан!



ТИЛИМНИНГ УЧИДА...

Тилимнинг учида ^{учида} турибди,
Менинг яшаб ўтган ўттиз беш йилим.
Туфлаб ташласамми, худо урибди,
Нима қолар, тилимда ўттиз беш тилим?
Туфлаб туфлай олмайман уни,
Ютиб ютолмайман, заҳардан заққум.
Тилимдан бугзима ҳар куни,
Минг бор бориб келар бир қаттиқ тугун.
Айтиб айтолмайман юрак дардимни,
Қайтиб қайтолмайман тушган йўлимдан.
Туркистон, қай ҳолга солдинг мардингни?
Бўлмасми, қўшқўллаб тутсанг қўлимдан?
Қўлимдан тутмадинг, оёқдан олдинг.
Кетган кетди, боғланиб қолдим.
Кетиб кетолмайман орзудан олдин,
Етиб етолмайин тилакка, толдим.
Тилимнинг учида учиб турибди,
Менинг яшаб ўтган ўттиз беш йилим.
Туфлаб ташласамми?..
Нима қолади?..

Баҳром ҒОЙИБ — 1959 йили Туркистоннинг Қарноқ кишлоғида туғилган. Тошкент Даавлат Дорилфунунининг филология куллиётида таҳсил олган.
"Ҳаққона" номли шеърый китоб муаллифи.



Ҳамроқул АСҚАР

ИБТИДОЙ ЖАМОА ДАВРИДА ШЕЪРИЯТ БЎЛГАНМИ

ЁХУД ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВНИНГ "АДАБИЁТ ЎЛАДИМИ" МАҚОЛАСИГА ЧИЗГИЛАР

Агар, офтоб нури тушмаса кулба ичига,
Бунга қуёш эмас, ҳужра айбдор

Х.Деҳлавий.

I

Биз каби ёш қаламкашлар билан-да, ўзини мўйинса кўриб, тенг улфатчилик қилиб юргувчи, умрида бирор партия, сиёсий оқим, маҳаллий ур-калтакларга мансуб бўлмаган, ўша турғунлик даврларида ҳам жаҳон классиклари савиясидаги ҳикоялари билан ўқувчиларни ром этган, талабалик йилларидаёқ, ҳозиргача ўспирин ошиқ-машуқларнинг ёстиқлари тагида турувчи, унча-мунча забардаст шоирларнинг девонлари билан жой таллашиб келаётган дилбар қиссасини ёзиб қўйган, бугунги кунда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев қадаҳ сўз устида олдиндан тайёр гапни чайналгандан кўра миёна келган биринчи фикрни айтиш даврага нисбатан холислик бўлар қабилда истиҳола ила дангал бир гапни ўртага ташлади: "Адабиёт ўладими?"

Хулласи, миллатнинг сара, носара гулларидан иборат гулзор галат эпкиндан бир чайқалди:

- Ўлса нима бўлади?
- Ўлмаса-чи? Биз-чи?

II

...Ўтмишда ҳеч қандай ёғоч ишлатмасдан ўз сирли маҳобати ила асрларнинг ҳафсаласини пир қилгувчи улкан иморатлар бунёд этган меъморлар, бирорта миҳ ишлатмасдан турли ёғоч иншоотлар, нақшинкор эшиклар, роботлар, куприклар ясагувчи қўли гул дурадгорлар, ҳеч қандай иликтр, овоз кучланишларисиз эртадан шомгача минглаб кишиларга дostonларни ёддан куйлаган оқинлар, асарида бир сўзни қайта такрорламайдиган шоирлар, юзларига бирор бўёқ чапламай табиий ҳусни билан жону жаҳонларга ўт қўйгувчи соҳибжамоллар бўлгувчи эди, дейдилар лофчи боболаримиз. Булар бари эртақ, албатта...

Лекин, шу нарса аниқки, ўтмишда ҳар ҳолда ҳаво тоза бўлган.

Чунки, у замоннинг ёзувчилари чекишмаган...

Гоҳ ўйлаб қоламан, ибтидоий жамоа тузумида адабиёт бўлганмикин?

Бор бўлганда қандоқ, ҳақиқий адабиёт ўшанда бўлган-да, ҳақиқий шеърият ўшанда гуллаб яшнаган дейди бир сезги.

Қитмир сезгим жим қолганидан фойдаланиб, илк сезгим болаларча соддалик билан бўлинган нутқини давом эттиради: — Покиза ўтлоқлар, зумрад ҳаво, шаршараларнинг сирли мусиқаси, ҳеч бир сиёсатга мансуб бўлмаган бокира ёмғурлар, бирорта партияга даҳлсиз офтоб, осмон, ой, ўрмон... ҳар хил "изм"лар нуқсини уришга улгурмаган нури чехралар, нигоҳларидан тиниқ қалблари яққол кўриниб тургувчи дунё адабиётининг илк даҳолари...

Оллоҳ таолонинг илоҳий илҳоми ила яралган ул муборак табиат китобининг ҳали муҳаррирлар қалами булғаманган илк қўл ёзмаси.

Бунданга буюк адабиёт, бундан қутлуғ шеърият яралар-микан...

Ҳа, сезгиларимиз бизни гоҳо алдайди.

Уларга ишонгандек бўлинг-у, ўз билганингиздан қолманг, азизлар.

III

...Демак, ўша биздек танбал қаламкашларни ўзига мўйинса кўргувчи... ўша "қитмир" носиримиз чинакам адабиёт яратадиган замонлар келди, "адабиётнинг умри боқийдир, ёлғиз угина ўлимни тан олмайди" (О.Бальзак) демоқчи бўлади-ю, гўё бундай десам шундоғам эти ўлиб, толқашов бўлиб қолган, ўз зерикарли ҳаётларини ҳамкасбларини қўни-қўшниларининг тотли гийбатларидан иборат озуқа билан обод қилишга ўрганган дўстларим аҳамият бермайдилар деган асосли бир ҳадик-ла гапни мутлоқ тесқари иддаодан бошлайди ва кўзлаган мақсадига эришади ҳам.

Бунинг устига у бир оз зериккан (тақчиллик бўлиб, Дўрмондан кунда-шунда улфатларнинг қадами узилган). Шу сабабли мақола бамисоли бир шиша "Халқобод" конягини майдалаб, секин гурунглашайтган ҳаммаслак оғайнилар суҳбатидай таассурот қолдиради...

"Ғоялар бир-бирини ҳукиздай сузишиб..." (Анри Мишо) инсонлар бир-бирининг дилини хуфтон қилмаса уйқуси қочадиган даражага өтган бир даврда, табиатан кўрс адибимиз яна "оқим"га қарши сузади ва бирор ҳақоратли сўз ишлатмасдан ҳузур қилиб сўкинпди.

У ўзимизни ўзимизга таништириб роҳатланади. Шу боис "Адабиёт ўладими"да (...)лар кўп. Бу нуқталар Шероз дилбарининг холига қанчалик ўхшамаса, Хемингуэй айсберг-ларини Шукур аканинг рўмонга даъвогарлик қилишга ўрганган мўъжаз ҳикояларига шунчалик ўхшаш.



АЙРИЛИҚ ҚҶШИҒИ

Туннинг бағри қоп-қорадир,
Шамол эсар елвагай.
Кимдир излаб оворадир,
Қайда мунгли чалар най.
Жайрон хомуш турар нега,
Қўз ёшлари бир булоқ.
Тоғ-тош оҳлар урар нега,
Оҳи етмайди бирок.
Ойсиз оққан дарёларда
Айрилиқнинг қамчиси.
Гулу майса лабларида,
Оҳ-фарёднинг томчиси.
Мажнунтоллар йиглар зор-зор,
Дарё тўлар ёшига.
Бир қиз сочин ёзиб борар
Икки қўли бошида.
Бугун тупроқ билан тўлди,
Мард йигитнинг кўзлари.
Очилмасдан ғунча сўлди,
Бўғзидадир сўзлари.
Кўзларини беркитар тун,
Очай деса йўқ журъат.
Мард вафоли йигит учун,
Қора кийган табиат.



КУТИШ

Ҳайратдан тош қотган оқ қорлар гувоҳ,
Тоғларга тўш урган олқорлар гувоҳ.
Кечикиб келгувчи баҳорлар гувоҳ,
Келар йўлларингни пойладим минг йил.
Шаҳризода айтсин эртақларида,
Атиргулга байтсан куртақларида,
Муҳаббатнинг маъюс этакларида,
Келар йўлларингни пойладим минг йил.
Сочимдан кафш тўқиб оёқларингта,
Райҳонлар ўстириб дудоқларингта,
Шеърлар айтар бўлиб қулоқларингта,
Келар йўлларингни пойладим минг йил.



Дилбар Бону. Наманган вилоятида таваллуд топган. Унинг болалиги жўшқин Норин дарёси бўйларида кечган. У 1972 йилда Наманган дорилмуаллими, филология бўлимини, 1982 йил Москвадаги Горький номли Олий адабиёт илмгоҳини тугаллаган.
Дилбар Бону "Норин мавжлари", "Кўклам қизи", "Ишқ сўқмоғи" китобларининг муаллифи.

...Улуғ бобоколонимиз ҳазрат Алишер ҳам умрининг аксар қисмини саройда ўтказдилар, жаҳонгир тиги етмаган музофотларни патқалам ила забт этганларига бани башар гувоҳ, шунга қарамай ул муборақ зот давлат ишлари билан банд бўлмаганимда эди, шеър ёзишни кўрсатиб қўярдим, деган буюк армон билан кетдилар.

Замон шохининг дўсти, кўкалдоши бўлишига қарамасдан эл ғамини бу яқинликдан ҳаммиша устивор кўрди.

Жони халқ ва подишолик орасида мудом гаровда ўтди, фитнакор беклар ва зулм ўчоғи бўлмиш саройда туриб зулмга қарши курашди.

Шундоқ улуғ зот бу фоний дунёдан кўз юмганда ўлса арзир эди адабиёт...

Машраб осилганида, Насимийни товонидан сўйганларида, Нодирабегимни қонига белаганларида, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирлар... мотамида осмон йиглаб, замин оҳ чеккан не-не буюклар кетганида ўлмаган адабиёт...

Жаҳонни титратган беш минг йиллик тарихингизу, танбал тафаккурингиз ҳали туйнугидан мўраламаган улкан адабиётингиз хазинасига ачинмайсиз-у, нечун Шўро бобонгизнинг қўлида қулчилик қилиб, пода боқиб, қўй қайтариб юрган пайтларингизда битган уч-тўрт йиғлоқи сатрингизга аза тутасиз, дайди бу нуқталар бироз қаҳрга мингандай...

Турғунлик даврида ёзиб қўйганингиз, қувғинга учраб, қўлёзма ҳолидаёқ қўлма-қўл бўлиб кетган, айримларнинг юрагига гулгула солгувчи ўша чиқмай ётган асарингизни келтиринг, қоғоз бўлмаса раҳматлик Маркс, кейин, Леонид боболарингизнинг ёстиқдай китобларига қўшиб, ўзимнинг рўмонимни макулатурага топшириб бўлса-да чиқарайлик, кўзимизга суртиб "Ўтган кунлар", "Хамса"лар қаторига териб қўяйлик. Қани ўзи ўша асар... дейди улар — самимий илинж билан.

Қайсики миллат ухлаётган, дўстни душмандан, тунни кундан, мукофотни садақадан, эркин зулмдан ажрата билмас даражада қарахт бўлса, бунга на подшолар, на сиёсатчилар, на иқтисодчилар айбдор. Бу балои азимнинг бош айбдори ҳам, кушандаси ҳам бор бўлса ўша юртнинг шоирларидир, дейди, бармоқларини куйдираётган сигаретни култобага босиб, "Адабиётни ўлтирасиларми"... мақоласининг ҳоргин муаллифи сўнги нуқталарни михларкан...

IV

Нуқталар аслида инсон ожизлигининг маҳсули. Иложи борича ёздинг, имкони борича англадинг, у ёғи...

Шу сабаб улар гоҳ бошингга тушаётган тўхтовсиз зарбага, гоҳ нурга, гоҳ илоҳий мусиқа садоларига, гоҳ бегубор гўдак нафасига, таъбирсиз тушларга ўхшайди. Қолаверса, у ёғи ул қодир қудрат бизга ато этган туйғуларимизнинг нафис торларига боғлиқ.

Ажабмас, бугун "адабиётни ўлтирасиларми" деб куйинаётган адабимиз эрта нашриётга фақат нуқталардан иборат рўмон тақдим этсалар. Бугунги ноширлар ичида бундай нуқта рўмонларни уқатурғони бўлмаса-да, ишонч билан айтиш мумкинки, келгуси авлодлар олис сайёралардан келаётган товуш кодларини ўқигувчи руҳият муҳандисларидай унинг қалб тебранишларини беҳато илғайдилар ва XX аср имконсизликлари боис босилмаган бу асардан поёнсиз завқлар туйиб, бизнинг бу кунги хасратларимиздан огоҳ бўладилар.

1992 йил, 27 май.





Фарида БЎТАЕВА

ЮРАК, ЧИДА...



ҲАЗИНИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Аслида ёзиб қисмат пешона тонг отгунча,
Дил қисмат ўйинидин ҳайрона тонг отгунча,
Ул ўйиндан минг жафо бу жона тонг отгунча,
Ҳижрон ўтига бағрим сўзона тонг отгунча,
Ўртар юрагим жисмим бирёна тонг отгунча.

Сочларим қилиб арқон дорингга етолмасман,
Кипригим қилиб ханжар жонимга етолмасман,
Минг ўлиб, минг тирилиб додимга етолмасман,
Сен Воқиму мен Узро, васлингга етолмасман,
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отгунча.

Минг шукур, минг бор шукур, эй сўзлари озорим,
Бир топиб минг йўқотган банду кушод бозорим,
Эл ичра ҳам шармисор, ҳамда номусу орим,
Раҳм айла бу ҳолимга, эй кўзлари хуморим,
Ҳажрингда бу кўнгиллар вайрона тонг отгунча.

Дўст деганим ёт чиқиб сўрди жондин болимини,
Мен қайга қувиб солай қўйинимда илонимни,
Ҳазон келмай ўчирди гул юздаги олимни.
Ҳеч кимга деёлмасман бу сўз ила ҳолимни,
Қонга жигарим тўлди гирёна тонг отгунча.

Кунлар ўтар бесамар ташнаю гирён айлаб,
Майли кел, келсанг агар сокин дил тўфон айлаб,
Кечиб икки дунёдин, ҳар ишни бир ён айлаб,
Хилватда агар сиримни кетайин баён айлаб,
Сен бирла бўлай энди ҳамхона тонг отгунча.

Намозшомгул, нозланиб, бағримни мушк анбар қил,
Нури-ла ювай сочим, ой ўзин мусаввир қил,
Бу хокисор ишқимни, эй худо, мўътабар қил.
Оқшомда жамолингни шаъмини мунаввар қил,
Айтар сенга ҳолимни парвона тонг отгунча.

Айтмайин десам бўлмас, айтсам жонни тигларман.
Умиду инсоф ипин дил торига боғларман.
Дардим айтиб, Фарида, туфроқ кўнглим тоғларман,
Найлайки иложим йўқ, ҳар кўчада йиғларман,
Тор ўлди Ҳазинийга Фаргона тонг отгунча.

* * *

Абдулла Ориповга

Кўз ўнгимда саргайиб борар
Баҳорим деб таниган олам.
Кўз ўнгимда кичрайиб борар
Муштдеккина муштипар онам.
Кўз ўнгимда киртайиб, чўкар
Нур ёғилган жоду қабоқлар.
Кўз ўнгимда кимсасиз қолар
Тиллога тенг тилло сабоқлар.
Айланади дунё кажрафтор
Кўз ўнгимда, гувоҳман ўзим.
Қиёмат кун ўқиса сизни,
Дажжолларга киради тўзим.
Кўз ўнгимда тебранар бешик,
Яна қанча олим, шоир, бек.
Абдулла деб ўлади бешак
Юртда қолса охирги ўзбек.

* * *

Синглим Саодатга

Юрак, чида, дунёи дун бу,
Бари ёлгон, барини дунут.
Тун афсона, кунларинг эртак,
Муҳаббат, бу бир дамлик сукут.
Яна бир оз чида, андиша,
Азал отинг барибир қўрқоқ.
Фақат сенинг кўнглингга ҳадик,
Фақат сенинг бошингга тўқмоқ.
Яна бир оз чидагин, сабр,
Остонангга тилло тўлади.
Сен жимгина заққум ичсанг-да,
Гаплашганинг худо бўлади.
Яна бир оз чидагин, бардош,
Сингилгинам, ўзим ўргилай.
Бодом гули тўкилганидай,
Банди-банди тўкилса нетай?!
Яна бир оз чидагин, фурсат,
Юрагингга нимадир тутай.
Изин берма, йўқотмогимга
Қандай бўлсам, шундайлигимни.



Фарида Бўтаева Фарғонадан. Қўқон муаллимлар тай-ёрлаш олий билимгоҳини тугаллаган. Шоиранинг "Изтироб кўйлаги" номли китоби нашр қилинган.



Фридрих ДЮРРЕНМАТТ



Ҳикоя



Швейтсариялик улкан истеъдод соҳиби Фридрих Дюрренматт, гарчи ўзбек китобхонлари унинг асарларидан энди-энди баҳраманд бўлаётган эса-да, ўзининг бетакрор ижоди билан аллақачон оламга доврўғ солган, жаҳондаги жуда кўп халқларнинг қалбидан чуқур ўрин олган ёзувчи саналади. Албатта, адиб ижодига бурун бизда қатъий риоя этилган социалистик реализм нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у бизга бироз беўхшов, мавҳум ва охир-оқибат, ҳеч нарсага арзимайдигандек туюлиши мумкин. Чунки Дюрренматт адабиётни бошқача, яъни, санъат деб тушунади, унинг назарида, адабиёт аллақандай мафкура ва ғояларни тарғибу ташвиқ қиладиган восита эмас, балки одамзот боласининг кўнгил тубида пинҳон ётган нозик кечинмаси, дарду ҳасрати, қувончу ноласи, муҳаббатию армонларини ўзида жамулжам этган сирли хилқатдир. Адиб асарларини мутолаа қиларкансиз, ўзингиз яшаб турган мана шу ҳаётдан туйқус узиласиз, Замон ва Макон каби муқим тушунчаларни беихтиёр унутасиз ва бошқа бир сирли оламга кириб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни. Тўғри, Дюрренматтнинг адабий дунёси бошда сизга бироз ғалати, аниқроғи, рутубатли ва мавҳумроқ туюлади, аммо мутолаа жараёнида ҳамма-ҳаммаси аниқ-тиниқ тортиб боради ва сиз охири шунчалик кўп нарсаларни ҳис этасизки, юрагингиз беихтиёр жунбушга келади. Асарлар сизга худди қадимги эртақ ёки афсона каби таассурот уйғотса-да, уларда кўнглингизга жуда яқин, сўз билан ифодалаш мушкул бўлган нозик туйғуларни илғаб оласиз. Моҳиятан айтадиган бўлсак, адиб деярли барча асарларида оддий инсонни, унинг муҳаббатию ишончини улғулайди. У инсон тақдирига, унинг бу дунёи дундаги кечмишига ҳеч қачон бефарқ қарамайди. Адибнинг "Кекса хонимларнинг ташрифи", "Буюк Ромул", "Физиклар" ва бошқа бир қатор драмалари жаҳондаги жуда кўп мамлакатларнинг саҳналарида қайта-қайта намойиш этиб келинмоқда. "Фалокат", "Чоҳ" каби қисса ва ҳикоялари, "Ҳакам ва унинг жаллоди", "Таъқиб", "Ваъда" каби романлари унинг шухратини бутун оламга ёйди. Қуйида биз ушбу адибнинг "Ит" номли ҳикоясини сиз, азиз журналистлар эътиборига ҳавола этаётимиз. Ҳикоя сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Таҳририят.

Бу шаҳарга етиб келганимнинг биринчи кунидеъ Инжилни баланд овозда қироат билан ўқиётган афт-ангори ислиқи кишининг гирд-атрофини ўраб олган оломон менинг диққат-эътиборимни ўзига тортди. Ваъз ўқиётган кимсанинг шундоқ оёқлари остида ётган итни мен анча кейин пайқаб қолдим ва баҳайбат ҳамда кўрқинчли, қатрон сингари қоп-қора юнглири терлаганидан сип-силлиқ тортган бу махлуққа нега олдинроқ эътибор бермадим, дея ҳайрон бўлдим. Итнинг кўзлари олтингургут кукуни каби сап-сарик эди, у ўзининг ҳайратомуз оғзини очганда мен қалтироқ ичида унинг тишлари ҳам сариқ тусда эканини кўрдим, умуман айтганда, итнинг бутун ташқи кўриниши худди шундай рангда эди ва уни оламдаги бирон-бир жонзотга менгазб бўлмасди. Мен бу баҳайбат махлуққа узоқ тикилиб туришга сабрим чидамади ва нигоҳимни тагин унинг хўжайинига қададим. Итнинг хўжайини жулдурвоқи кийимдаги калтабақай киши эди. Бироқ унинг йиртиқ кийимлари остидан манаман деб кўзга ташланиб турган тани аслзодаларники сингари топ-тоза эди, инчунун, мана шу қашшоқ энгил-боши ҳам ўзига қандайдир ярашиб турар, у қўллариди тутган Инжил эса, ҳақиқий хазина эди: китобнинг сиртидаги олтин ва марварид доналари ярқираб кўзни оларди. Ваъзхоннинг овози осойишта ва қатъий эди. Унинг сўзлари ўзгача бир аниқлиги билан ажралиб турар ва улар қулоққа оддий ҳамда ишонарли эшитиларди. Мен шунингдек, у алланимага қочириқ ва шаъма билан қироат қилаётганини ҳам пайқамасдим. У айтаётган сўзлар ҳар қандай мутассибликдан холи, Инжилнинг сокин баёни эди, энди ваъзхоннинг сўзалари ҳамма вақт ҳам бирдек қатъият билан янграмаётганига келсак, буни унинг оёқлари остида ётган сап-сарик ит билан изоҳлаш лозим эди.

Қисқаси, ваъзхоннинг ғалати қироати ва ити мени буткул ўзларига қизиқтириб қўйди, шу лаҳзадан бошлаб бутун фикру зикрим бу кимсанинг наслу насабини билиш билан банд бўлиб қолди. У деярли ҳар кун шаҳарда ваъз ўқир эди. Бироқ ҳар гал уни излаб топиш, гарчи у ярим тунгача шу юмуш билан машғул бўлса-да, ғоятда мушкул эди. Шаҳар оддий ва аниқ қилиб қурилганига қарамай оппа-осон адашиб кетиш ҳеч гап эмасди. Бунинг устига ваъзхон ўз кулбасини турли вақтларда тарк этар, умуман айтганда, унинг барча ҳатти-ҳаракатларига тушуниб бўлмасди. Баъзан у кун узоғи битта майдонда ваъз ўқир, баъзида эса, ҳар чорак соатда жойини ўзгартириб турарди. Ва ҳаминша уни баҳайбат ит кузатиб юрар, у бирон жойда тўхтаб, ваъз ўқишни бошлаган заҳотиёқ ит шундоқ оёқлари остида узала тўшиб ётиб оларди. Ваъзхоннинг мухлислари ҳеч қачон кўп бўлмасди, кўпинча унинг ёлғиз ўзи сўппайиб турарди. Бироқ

у менинг нечоғлик сезишимча, бу ҳолдан сира ноқулай аҳволга тушмас, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ваъз ўқийверарди.

Мен гоҳида у тор кўча ўртасида кутилмаганда тўхтаб ваъз ўқий бошлагани устидан чиқиб қолардим. Бу ердан унча узоқ бўлмаган катта кўчадан эса, йўловчилар тинимсиз ўтиб-қайтишар ва унга мутлақо эътибор беришмасди.

Мен унинг ортидан сездирмай кузатиб юришга ҳеч қачон муваффақ бўлолмасдим, доимо қандайдир бахтли тасодифларга умид боғлашга мажбур эдим — шу боис, бир кун у яшайдиган кулбани излаб топишга аҳд қилдим, аммо буни менга ҳеч ким аниқ-тиниқ айтиб беролмади. Бир сафар унинг қорасини кўздан қочирмай кун узоғи изидан юрдим. Кейин яна шуни деб бир неча кун овораю сарсон бўлдим, лекин мен пинҳона кузатаётганимни қанчалик сездирмасликка уринмай, барибир, у тун чўкиши билан аллақачон изсиз гойиб бўларди.

Ниҳоят, бир ғал у шаҳар кўчаларининг биридаги уйга кириб кетаётганига кўзим тушиб қолди, бу кўчада фақат бой-бадавлат кишилар яшар эди: бу ҳол мени қаттиқ хайратга солиб қўйди. Мен шу лаҳзадан бошлаб ўзимнинг барча қаттиқ-қаракатларимни буткул ўзгартирдим, уни пинҳона кузатиб юришни бас қилдим ва атай кўзи тушсин, деган ниятда унинг атрофида ўралашиб юра бошладим: инсоф билан айтганда, мен унга мутлақо халақит бермасдим, лекин шундай бўлса ҳам, ит мени кўриши билан нохуш ириллаб қўярди. Шу тарзда орадан бир неча ҳафта ўтди. Ахийри, чамаси, ёзининг охирларида у Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабарни ўқиб тугатгач, тўппа-тўғри менинг ёнимга келди-да, уйга кузатиб қўйишимни илтимос қилди. Йўлда кетаётиб, у миқ этиб ҳам огиз очмади. Биз унинг кулбасига етиб келганимизда аллақачон қоронғи тушиб қолган, у мени бошлаб кирган катта хонада эса, чироқ ёниб турарди. Хона кўча сатҳидан анча қуйида жойлашган, биз остонадан ҳатлаб ўтгач, бир неча зина пастга тушдик. Китоблар кўплигидан хона девори кўринмай қолганди. Чироқ арчадан ясалган катта ва оддий устол устига қўйилган, унинг олдида қора-кулранг кўйлак кийган қандайдир қиз мук тушиб китоб мутулаа қиларди. Хонанинг иккита деразасига қалин матодан парда тутилган, деразаларнинг бири остида оддийгина тўшак тўшалган, қарама-қарши томонда кароват турар, устол олдида эса, иккита устул қўйилган эди. Биз яқин келганимиздан сўнггина қиз китобдан бошини кўтарди ва мен шунда унинг чехрасига қарадим. Қиз менга қўлини узатди ва устулларнинг бирига ўтиришга таклиф этди. Мен устулга ўтираётиб, туйқус, ваъзхон аллақачон тўшакка чўзилганини пайқаб қолдим, ит эса, унинг оёқлари остида ётарди.

— Бу киши менинг отам бўлади, — деди қиз, — у аллақачон ухлаб қолди, бизнинг гап-сўзларимизни эшитмайди. Анави итнинг эса, исми йўқ. У бир оқшом отам ваъз ўқийётган пайт ўз-ўзидан уйимизга кириб келганди. Ушанда одатдагидек, эшик берк эди. Эшикни итнинг ўзи, панжалари билан тутқични ушлаб очганди.

Мен қизнинг қаршисида ҳайратдан тонг қотиб қолдим, сўнг, орадан бир неча дақиқа ўтгач, отангнинг асли наслу насаби ким, дея эҳтиёткорлик билан сўрадим.

— Отам бир пайтлар жуда бадавлат киши эди, унинг фабрикалари жуда кўп эди, — деди қиз кўзларини устолдан узмай, — бироқ, у барча бойлигини онам ва акаларимга ташлаб, уйдан чиқиб кетди. Тўғрироғи, одамларга Ҳақнинг хабарини етказиш учун бор-йўғидан воз кечди.

— Сен отангнинг барча ваъзини Ҳақнинг сўзлари деб ўйлайсанми? — деб сўрадим мен.

— Ҳа, Ҳақнинг сўзлари, — деди қиз, — мен буни олдиндан билардим. Шу боис ҳам отам билан бирга манави ертўлада яшашга рози бўлдим. Аммо отам Ҳақнинг сўзларини олқишлай бошлаган пайт ит қаёқдан пайдо бўлганини, рости гап, билмайман.

Қиз сукутга толиб қолди, сўнг кўзларини менга шундай тикдики, афтидан, у мендан овоз чиқариб



Рассом Аслиддин КАЛОНОВ

сўрашга журъат этиб бўлмайдиган алланима тўғрисида сўрамоқчидек эди.

— Сен итни қувиб юбор, — дедим мен унга. Аммо қиз бунга жавобан фақат бошини ожизона қимирлатиб қўйди.

— Итнинг исми йўқ, шунинг учун у ҳеч қаёққа кетолмайди, — деди у секингина. Ва менинг жаҳлим чиқаётганини кўриб устулларнинг бирига ўтирди.

— Мен аввал-бошдан ундан қўрқаман, — деди у. — Бир йил бурун онам ва акаларим оқловчи билан бизни олиб кетишгани бу ерга келишганди. Улар ҳам ўшанда итдан қаттиқ қўрқиганди. Ит эса, отамнинг олдида туриб олиб, уларга қаттиқ-қаттиқ ҳурганди. Мен ҳатто тўшакда ётган пайтларим ҳам ундан чўчиб ётаман, бироқ, ҳозир ҳамма-ҳаммаси бирдан ўзгариб кетди. Ҳозир ёнимда сен борсан ва мен ҳеч нарсадан қўрқмайман. Албатта, илгари мен сенинг қиёфанинг сира тасаввур этолмасдим, бироқ, кунлардан бир кун, айни оқшом чоғи, чироқлар ёниб, кўчада шовқин-сурон тинган пайт отам билан бирга хонага кириб келишингга қаттиқ ишонардим. Сен менга мана шу, ер қаърига чўккан хонада никоҳ оқшомини туҳфа этишингни билардим. Худди мана шундай биз, мен билан сен ёнма-ён ётамиз, отам тўшакда ухлайди. У тун қўйнида худди беозор гўдакдай ётади, ит эса, бизнинг бахтсиз муҳаббатимизни қўриқлайди.

О, мен бу оташ—олов муҳаббатни қандай унута оламан! Дераза бамисоли кичкина тўртбурчакка айланиб, бизнинг онадан туғилгандек шир алангоч вужудимиз узра узоқ-узоқларга учар эди. Биз гўё битта танга айланиб қолгандик ва бир-биримизни тобора кўпроқ эҳтиросларимиз лаззати билан сархуш этар, кўча шовқини эса, сўниб бораётган интроқларимиз билан қоришиб кетганди. Гоҳида кўчадан уйга қайтаётган маст-аласт кимсанинг ишончсиз одимлаши, гоҳо эса, фоҳишанинг фаҳш овозини эслатувчи қадам товуши қулоғимизга чалиниб қоларди. Биз ер остида, ортқ ҳеч нимадан қўрқув ва таҳликага тушмай илиқ тунга бурканиб ётардик, ваъзхон ўлиқдай қотиб ухлаётган бурчакдан эса, ит сарғиш кўзларини тикиб турар, унинг кўзлари худди иккита тўлин ой баркашига ўхшар ва улар бизнинг муҳаббатимизни хуфёна таъқиб этарди.

Куз келди борлиққа тилло ва шафақ рангларини пурқаб, унинг ортидан ўтган йилги қақшатқич совуқларсиз кечиккан қиш юз кўрсатди. Мен бу ўтган вақт мобайнида қизни бирон марта бўлсин, ертўладан ташқарига олиб чиқишга муваффақ бўлолмадим, зотан, мен уни дўстларимга таништиришни, у билан бирга театрда боришни ёки шамоллар узра худди шаҳарга бостириб келаётгандек туюладиган тепаликлар билан қуршалган гира-шира ўрмонда бирга сайр этишни истардим: у ҳар доим ертўладаги арча дарахтидан ясалган устол олдида қимир этмай ўтирар, фақат отаси билан баҳайбат ит қайтиб келгандан сўнггина сап-сарик нур тирқириб тўкилиб турган дераза остидаги тўшакда мени ўз оғушига оларди.

Аммо шаҳар ҳали кир-чир ва ҳўл қорлардан буткул халос бўлмаган, ҳатто офтоб тушмайдиган жойларда қорнинг қалинлиги белдан келадиган баҳорнинг илк кунларининг бирида ҳеч қутилмаган моқеа рўй берди: қиз тўсатдан ўз оёғи билан хонамга кириб келди. Ўшанда кун шомдан ўтиб қолган, ботаётган қуёшнинг шафақлари қия тортиб деразаларга тушиб турарди. Мен печга ўтин ташлаётган эдим. Шунда туйқус у останада пайдо бўлди: унинг юзи оқариб кетган, бутун жисму жуссаси дағ-дағ қалтирар эди, чамаси, у қаттиқ совуқ қотган, эгнида ёлғиз ўша, менга яхши таниш қора-кулранг кўйлак бор эди. Фақат оёқларига янги қизил рангдаги жун туфли кийиб олган, мен бу туфлини унинг оёқларида биринчи марта кўриб турардим.

— Итни ўлдир, — деди у останада базўр оёққа туриб, беҳол нафас оларкан. Унинг сочлари тўзгиган, кўзлари эса косасидан отилиб чиққудек каттариб кетганди. У кўзларимга шунчалик паришонхаёл бўлиб кўриндики, дафъатан, яқинига боришга журъатим етмади. Мен индамай шкаф ёнига бордим-да, ғаладондан тўппонча олдим.

— Сен бир кун келиб, албатта, шундай дейишингни билардим, — дедим мен унга. — Шунинг учун олдиндан қурол сотиб олиб қўйгандим. Хўш, итни қачон ўлдириш керак?

— Ҳозир, — деди қиз секингина. — Отам ҳам итдан қўрқаркан, у доимо ундан чўчиб юраркан. Мен бунга фақат бугун тушуниб етдим.

Мен тўппончани қайта кўздан кечириб чиқдим-да, эгнимга пальтомни кийдим.

— Улар ҳозир ертўлада, — деди қиз кўзларини қуйига тикиб. — Отам итдан чўчиганидан кун бўйи тўшакдан қимир этгани йўқ. Ҳатто тоат-ибодат қилишга ҳам юраги дов бермади, ит эса, эшик олдида ётибди.

Биз дарё бўйига тушдик ва тош кўприк орқали нариги соҳилга ўтиб олдик. Осмон худди ёнгин пайтидагидек қизил-шафақ тусга кирганди. Қуёш бир неча дақиқа муқаддам уфқ ортига беркинган эди. Шаҳарда ҳаёт одатдагига қараганда жонланиб қолгандек эди. Кўчалардан йўловчи ва машиналар тинимсиз ўтиб қайтарди. Улар худди аллақандай қон денгизи қатлами устида ҳаракат қилаётганга ўхшаб туюлар, уйларнинг дераза ва устулларида ҳали ҳам қуёшнинг шафақлари жиялаларди. Ҳаракатлар тобора шиддатли тус олиб борарди. Биз тўхтаб турган қатор авто ва ёвуз кўзли улкан махлуққа ўхшаб бош тебратаётган омнибуслар орасидан юриб, қаҳр-ғазаб билан имо-ишора қилганча, йўл кўрсатаётган кулранг шлёмли полисиячини четлаб ўтдик. Мен шундай шиддат билан одимлардимки, оқибатда қиз анча ортда қолиб кетди. Ниҳоят, мен ўзим излаб келаётган кўчага етиб олдим, эгнимдаги пальтонинг барча тугмаларини қадаб қўйганимдан нафасим қайтиб, бўғилиб қолай дедим. Кўчада мени аста-секин қуоқ тортаётган тун қарши олди. Аммо бахтга қарши, мен кеч етиб келгандим. Мен қўлимга қуролни тутганча, эшикни оёғим билан телиб очган чоғ — айни мана шу пайт хонани дераза ойнасини синдирганча ташқарига қочиб чиқаётган итнинг сояси қоплаб олганига кўзим тушди. Полда эса, таниб бўлмайдиган даражада ит бурдалаб ташлаган ваъзхон қора ҳалқобга ботиб ётарди.

Мен даҳшатдан титраганча деворга суяндим ва китоблар орасига кўмилиб қолдим. Шу пайт кўчадан қандайдир машиналарнинг товуш бергани эшитилди. Сўнг икки киши замбил кўтарганча ичкарига кириб келди. Марҳум олдида таажжубланган қиёфадаги шифокор ва тиш-тирноғигача қуролланиб олишган полисиячилар ранглари оқариб туришар эди. Кейин ҳаммаёқни томоша талаб одамлар босиб кетди. Мен овозимни кўтариб, қизни чақирдим. Аммо ҳеч қаердан сас-садо эшитилмади. Мен қўрқув ва ваҳимадан юрагим гумирганча отилиб ташқарига чиқдим ва ҳадемай кўприкдан ўтиб, уйимга етиб келдим. Лекин қизни уйдан ҳам тополмадим.

Мен уйку ва тин олиш, ейиш ва ичишни унутганча, ақлдан озгандек бир қиёфада ҳаммаёқдан қизни излардим. Полисия ҳам оёққа турганди. Бутун шаҳар итнинг таъсиридан таҳликага тушиб қолгани учун қизни излаётганлар сафига маҳаллий ҳарбий қўргон аскарлари ҳам жўнатилган, аскарлар аллақачон шаҳар ташқарисидаги ўрмонни қадам-бақадам кўздан кечириб чиқишганди. Суви ифлос ва сарғиш тусга кириб қолган дарёда қайиқлар сузар, қайиқчилар қўлларида узун лангарчўп билан сув тубидан қизнинг жасадини излашарди. Бу пайтда шаҳарга аллақачон баҳор ташриф буюрган, тинимсиз ёғаётган илиқ ёмғир ҳаммаёқнинг шаллабосини чиқаргани туфайли энди қизни тоғдаги тош қазиб олинадиган гордан излай бошлашганди. Изловчилар қўлларидаги машъалани бошлари узра тутиб, баланд овозда тинимсиз қизни қақаришарди. Кейин уни ер ости қувурларидан ва ҳатто, черков томидан ҳам излаб кўришди. Бироқ қиз худди сувга чўкиб кетгандай ҳеч қаерда йўқ эди. Ўша кундан сўнг итга ҳам ҳеч кимнинг кўзи тушмади.

Орадан уч кун ўтгач, уйга қайтдим. Мен дайди итдек қаттиқ толиққандим, кўнглимда ҳам зигирча умид учқунни йўқ эди: эгни-бошимни ечишга ҳам сабрим қидамай ўзимни тўшакка ташладим ва шу чоғ, туйқус, кўчадан келаётган қадам товуши қулоғимга чалиниб қолди. Мен дераза ёнига гуяриб бордим-да, унинг тавақасини шарақлатиб очиб, ташқарига бошимни чиқардим. Пастда ярим тунгача ёққан ёмғирдан шалаббоси чиққан кўча қора тасма каби тўшалиб ётарди. Нам торган асфальт кўчага чироқларининг заррин ва нотекис акси тушиб турар, йўлдан эса, эгнида қора-кулранг кўйлак ва оёғига қизил туфли кийган қиз келар, унинг узун сочи тун қўйнида феруза тусда тоблар эди. Қизнинг ёнида эса, зулмат каби қоп-қора ит баркашдек сап-сарик кўзларини ярқиратиб, ювош кўзичоқ каби енгил ва сас-садосиз одимлар эди...

Ўрисчадан
Шодиқул ҲАМРОЕВ таржимаси.



Нурулло ОСТОН

ҚУЁШ, ШАРОБИНГДАН БИР ҚУЛТУМ ИЧИР



ҲИКОЯТНИНГ АЛЛАСИ

Замин, сенга пар тўшак,
болишинг осмон бўлсин.
Кундуз қуёш, тунлари
кўзларим посбон бўлсин
Пахтам болам, алла,
бахтим болам, алла.
Сен бағримда улғайган
эзгуликнинг лаҳжаси.
Орзуларим, зурриёдим,
қалбимнинг бир парчаси
Кўрар кўзим алла,
айтар сўзим алла.
Узун-узун сочларим
узун-узун йўл бўлди,
Соғинчларим япроғ-у
тоқатларим гул бўлди
Дардим болам, алла,
гардим болам, алла.
Сен фаслар ичинда
умримнинг баҳорисан.
Тугилмаган боламнинг
бекиёс такрорисан
Умрим болам, алла,
қумрим болам, алла,
Бахтим болам алла...
аҳдим болам алла...



Бу сенмисан, синглим лолақизгалдоқ,
сени уйғотдими чақинлар зарби.
Сен — беш кун умрини хушнуд этолган
сахронинг ловуллаб уйғонган қалби.
Қара, осмонда ой кезиб юрибди,
бу ой умрингизга тиркалган сўроқ.
Тақдир иккимизни бир ўтга отди,
бу ўт биз севмаган каслардан йироқ.
Қара, ялангоёқ, жажжи майсалар
севинчдан чопқиллаб тўкар шудрингни.
Баҳор йўрғаклаган шаббода — гўдак
ўпар лабларингга қўнган кулгуни.
Мени бошла алвон пояндозингдан
қуёш бошоқлари ситилган қирга.
Кел синглим, беш кунлик умр байтини
бепоён сахрога битайлик бирга.
Қўмсама боғдаги гул оромини,
бор бўлсин замининг чўл-ёбонлари.
Ўлдирса-ўлдирсин боғларнинг эмас
сахронинг қадрдон гул-тиконлари.

* * *

Қуёш нурларига тоблаб қаддини
боғларда қизарди САВР гилослари.
Савсанлар исини таратиб ўтди
мусасффо тонларнинг оқ либослари.
Майсалар бағрига тўшалди дилим,
кўзим йўрғаклари чучмомаларни.
Дуркун япроқларнинг нигоҳларида
ўқидим қуёшнинг номаларини.
Эй, она табиат, эй баҳри исён,
Осий фарзандингни бир карра кечир:
ё мени ёндирсин, ёки кул қилсин,
Қуёш, шаробингдан бир қултум ичир!

ОШИҚ ҒАРИБ ҚЎШИҒИ

Сўзимни янчдилар ўғирга солиб,
Ханжарни санчдилар бағирни тилиб.
Қафасга солдилар жонимни олиб
Сендан тонмадим-а, Санамжон.
Йигласам, кўзимдан қонлар тўкилди,
Яқинлар, туққанлар, жонлар ўкинди,
Шамшодлар-дол бўлди, беллар букилди,
Сендан тонмадим-а, Санамжон.
Бу дунё аслида минқор, човутли,
Харидор бўлганлар бахмал мовутли,
Қийноққа ташлади темир совутли
Сендан тонмадим-а, Санамжон.
Онам танимади ўғли Ғарибни,
Ноласиз йиглатди доғли Ғарибни,
Ўтга ташладилар боғли Ғарибни
Сендан тонмадим-а, Санамжон.
Йўлларим саргайди, йироқда қолдим,
Рангларим саргайди, сўроқда қолдим,
Васлингга етмадим, қароқда қолдим
Сендан тонмадим-а, Санамжон...



Нурулло ОСТОН. 1955 йил Самарқанд туманида туғилган. Тошкент Давлат Дорилфунини журналистика куллийтини, Ленинград сийсатшунослик олийгоҳини битирган. Унинг "Юлдузлар чақнаган тун" (1987), "Йўлдаги булоқ" (1988), "Баҳор рақси" (1990), "Юрагимнинг безовта гули" (1991) сингари шеърини тўпламлари чоп этилган. Ҳозирги пайтда жумҳурият ойнаи жаҳонининг Самарқанд вилояти бўйича махсус мухбири бўлиб хизмат қилмоқда.
Н.Остон туйғуларини нафис бир соддалик билан ифода этади. Нотабийликдан йироқ топилма фикрлари куйчан, самимий. Шундан бўлса керак, анчагина шеърлари аллақачон қўшиқ бўлиб кетган.



Лев ШЕСТОВ

МАНТИҚСИЗЛИК ТАНТАНАСИ

Ҳур фикрлаш машқи

ТАРЖИМОНДАН

1905 йил... Собиқ шўро тузуми даврида "КПСС тарихи"ни ҳижокалаб ўқиб, "энг одил тарих"дан оз-моз хабардор бўлганлар бу йилни "Қонли як-шанба", биринчи рус инқилоби билан боғлашади. Аммо бу қўзғолон тарихининг бир кичик зарраси, ўша пайтда Россияда яна бир қанча тарихий воқеалар содир бўлганки, улардан бугун кўз юмиб ўтолмаймиз. Худди шу йили рус адабиётида бир асар яратилдики, у ҳаммаёқнинг тўс-тўзонини чиқарган бомбадек таассурот уйғотди: калтафаҳм одамлар ўз ота-оналарига: "Бузуқлик қиламан, Шестовни ўқийман" — деб дағдаға қиладиган бўлишди. Таниқли О.Грузенберг деган аллома ҳур фикрлаш машқини олган муаллифнинг "мияси ачиб қолибди", дейди. Ҳатто кўз очиб кўрган қадрдонлари ҳам: "Биз Сиздан буни кутмагандик", дея қўл силташади. Жамоатчилик бу асарни танқид найзалари билан қаршилайди. Бердяев сингари "файласуф-ўртоқ"лари ҳам анавиисини, мапавинисини назарга олмаганда Шестовни ёқлайман, дегандек бўлади-ю, аммо туйқус ичидаги "ЁҚЛАМАЙМАН" деган ғияти бўй кўрсатиб қўяди. Гавжум шаҳарларда ҳам Робинзонлар бўлиши мумкин, деган файласуф — Шестовнинг ўзи шундай ҳолатга тушади: ёлғизланиб қолади.

Нега шундай бўлди? Дарҳақиқат, асарни ўқир экансиз, оёғингиз остидаги заминни йўқотиб қўясиз. Ҳеч бўлмаса, хасга ёпишиб олай, дея атрофга аланглаб қарайсиз, аммо хас тугул ундан кичикроғини ҳам тополмайсиз, фақат ўзингиз, якка ўзингиз: ёлғиз қоласиз. Ергаги ҳаёт бир қарашда ўз қонуниятларига, ўз тартибига, ўз асосига эгадек туюлади. Аммо шуларсиз ҳам яшаб бўлармикан? Эркинликнинг чинакам уфқлари инсониятга охир-оқибат ўзидан дарақ берармикан? Муаллифнинг диққат марказида турган масала — "боши айланишдан қўрқмайдиганлар учун"гина ҳавола этилади: "Мантиқсизлик тантанаси"нинг энг аввалги шарти шу.

Ўзбек китобхонига буткул янги ном бўлган ХХ асрнинг номдор файласуфларидан бири Лев Шестов (Бу тахаллуси. Аслида Лев Исаакович Шварцман. 1866-1938 йилларда яшаган) 1920 йили ўз Ватани — Россияни тарк этади. Ва умрининг охирига қадар Парижда яшаб ижод қилади. Машҳур Сорбонна дорилфунунида фалсафадан сабоқ беради. Ҳозиргача унинг 13 китоби чоп этилиб, дунёнинг турли мамлакатларида 70 марта нашр қилинган.

Азиз ўқувчи! Диққатингизга ушбу китобдан айрим лавҳаларни ҳавола этишни лозим топдикки, сизда катта қизиқиш уйғотишига умид қиламиз.

* * *

Замонавий ғоялар оғушидан қутулмоқчимисиз, тарих билан танишинг: ўзга мамлакатларда ва ўзга даврлардаги ўзга халқлар ҳаёти биз абадий деб ҳисоблаётган ғояларнинг шунчаки ёлғонлигини ошкор этади. Яна бир қадам: одамзотни ерда яшамайди деб тасаввур қилинг, шунда дунёнинг барча абадий ғоялари ўз жозибасини йўқотади.

* * *

Қуёш муқиму Ер ҳаракатдалигини қадимда лифагорийлар исбот қилишганди. Ҳақиқатнинг тамом юзага чиқишига шунча вақт керак!

* * *

Замонавий фикрнинг ўлик ва топталган даласини портлатиш керак. Шу мақсадда ҳамма нарсада, ҳар қадамда, фурсати келса-келмаса, асосли ва асоссиз равишда қабул қилинган қарашларни кулгига олиш ва буткул тескари фикрларни айтиш лозим. У ёғи - Худо пошшо!

* * *

"Ёзувчи ёзади, китобхон ўқийди" — Шедринни кучларнинг бундай тақсимланиши қониқтирмасди. Унга қолса: ёзувчи бир сўз деса-да, китобхон шу заҳоти деворга тирмаша бошла... Аммо китобхон биз ўйлаганчалик анойи эмас: пинак бузмайди, аксинча, ёзувчининг ўзи деворга тирмашсин, деб талаб қилишни афзал кўради Шунинг учун оммага кўпроқ "юрак қони билан ёзадиган" муаллифлар ёқади. Мушоираларнинг энг дабдабалилари ҳам кенг омmani ўзига тортолмайди, санъат билимдонларини-ку гапирмаса ҳам бўлади. Одамлар хаёлдаги эмас, ҳақиқий томоша, қайноқ қон, чинакамига қурбонлар бўладиган гладиаторлар олишувини кўрмоққа ошиқишади.

Кўпчилик ёзувчилар, қайсар-оломонга хуш ёқиш учун чин гладиаторлар сингари ўз қонларини тўкишади: *Salve, Caesar, morituri salyanti!*

* * *

Сўнги пайтда рус ёзувчилари ғалати ҳовлиқмаликка йўқилишди. Ҳаммалари "Сўнги сўз" кетидан тушиб қолишди. Уларнинг фикри ожизича, сўнги сўз охир-оқибат қўлга киритилса керак: масала фақат унга ким тезроқ чопиб боришида қолган, холос.

* * *

Энг муҳим ва пурмаъно фикрлар, дил изҳорлари ҳар қандай жимжима, гажақдор сўзларсиз, шундай яланғочлигича дунёга келади: уларга алоҳида сўз топиш ўта мушкул иш, катта санъат. Ва аксинча: аҳмоқона ва бемаза гаплар эски бўлса-да, ялтир-юлтур латтага безаниб тугилишадикки, уларни шу заҳоти, ортиқча қўйди-чиқдиларсиз томошабинларга тақдим қилавериш мумкин.

* * *

Инсон кўпинча омади борида бунга бефарқ бўлади. Йўқотиб қўйгудек бўлса ранжийди. Ва — тескариси.

* * *

Нитше ва Достоевский, агар шундай аташ жоиз бўлса типик "тескари муғомбирлар" тоифасига мансубдилар. Руҳан касал бўлсалар-да, ўзларини руҳан тетик кўрсатишарди. Касалликларини яхшигина тушунишарди, аммо ўз иситмаларини шундай меъёрда ошкор этишардики, бундай тентаклики ўзига хосликка йўйса бўлаверарди. Доимий хавф сояси остида яшайдиган одамлар сингари эҳтиётлик билан ҳеч

*Салом, Қайсар, ўлимга тик бораётганлар сени қутламоқда (лот.).

қачон чегарадан уёғига ўтишмаган. Жамоатчилик фикри деб аталмиш кунданнинг болтаси ҳамиша бошлари устида муаллақ турган: туйқус арқонга оёғингиз тегиб кетса бас, ўлим жазоси ўз-ўзидан ижро этиларди. Аммо улар ортиқча ҳаракатдан ўзларини асрай билишган.

* * *

Ҳақиқий ёзувчи ўзи кўрмаган, аммо эшитган нарсалари ҳақида гапиришдан хазар қилади. Унинг учун бошқаларнинг китобидан ўқиб олганларини "ўз сўз"лари билан гапириб бериш, ўзини камситиш билан баробар. Бир томондан бунга унинг қўли ҳам тегмайди.

* * *

Фалсафа ҳамиша ўзига мулозимликни раво кўриб келган. Ўрта асрларда у художўйлик измида бўлган, ҳозир эса — фаннинг дастёри. Ўзини эса фанларнинг фаниман, дея улғулайди...

* * *

Шекспир ҳам, Наполеон ҳам инсон қалбининг нозик билимдонлари бўлишган. Аммо уларнинг билимлари ўртасида зиғирча ҳам умумийлик йўқ.

* * *

Янги фикрлар, гарчи ўзимизники бўлса ҳам, дарров ёқавермайди. Уларга аввал кўникмоқ зарур.

* * *

Инсоннинг ёшлигида ёзишининг боиси шундаки, у мутлақо янги ва фавқулодда муҳим ҳақиқатни топиб олгану, уни имкони борича тезроқ, бечора, оми одамзотга етказиши керакдек туюлади. Кейинчалик у ҳаётнинг оз-моз аччиқ-чу-чигини топиб кўриб, ҳақиқат деб ўйлаганларим саробмас-микан, дея иккилана бошлайди: шунда у ўзини синаш учун ёзади. Яна бир неча йил ўтади: ҳар бир нарсада янглишгани, ўзини синаб ўтиришга зиғирча ҳам ҳожат йўқлигига ишонч ҳосил қилади. Аммо ёзишда давом этаверади, негаки шундан бошқасига ярамайди, яна бир томони, умрининг охирида кераксиз, "ортиқча" одам деган ном чиқаришдан даҳшати йўқ-да!

* * *

Бир замонлар жаннати бўлиб кетган ёзувчиларнинг китобини ўқир экансан, кўнглингни доим аллақандай ғалати бир туйғу қамаб олади: икки юз, уч юз, икки минг йил муқаддам яшаган бу одамлар — қаерда бўлишмасин — қачонлардир ерда ёзганларидан ҳозир шунчалар олисдаки: биз эса уларнинг қўлёзмаларида абадий ҳақиқатларни излаймиз.

* * *

Инсонлар кўпинча майда ишларга кучлари етмаслигини англаб, буюк мақсадларга интилишади. Ва баъзан натижага эришадилар ҳам.

* * *

Чайналавериб сийқаси чиққан буюк гаплардан: "файласуф эҳтиросни англаб, мусаввир эса кўрсатиб енгади". Олмончасига бу янада кўтаринкироқ жаранглайди, аммо бундан ҳақиқатга зиғирча ҳам яқин борилмайди: "Der Philosoph überwindet die leidirsie darstellt" (Windelbard, Praludien, 198).

* * *

Кекирик инсоннинг энг кўтаринки ўйларини бузиб юборади. Бундан истасангиз, бирор хулоса чиқаринг, ё истасангиз бирор хулоса чиқармасангиз ҳам бўлаверади.

* * *

Мен бугун тантанали суратда билдириш ҳуқуқига эга бўлган ва ҳатто инсонлар орасида биринчи бўлиб айта олган бу ҳақиқат, эртага, балки, менинг назаримда, зерикарли ва кераксиз ёлгон бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Мен — фақат ёлғиз ўзим — бу ҳақиқатни ўзимники дейиш ҳуқуқидан воз кечаман: бошқалар эса ҳамон уни сўйиб, кўкларга кўтариб бирга яшайверишади.

* * *

Ўтроқ турмушга кўниккан одам "Эртанги кунинг нима бўлишини билмай қандай яшаш мумкин, тепангда бирор бошпананг бўлмаса тунаб бўладими!" — дейди. Аммо нима бўлади-ю, тақдир уни ўз уйидан қайтмас қилиб ҳайдайди: ёввойи ҳайвондан кўрқади, ўз биродари — дайидан ҳам юраги безиллайди. Аммо пировардида у тақдирга тан беради, дайди бўлиб яшай бошлайди ва ҳатто балки, туялари билан ўша ўрмонда тунаб чиқади.

Рус тилидан Дилшод НУРУЛЛОҲ таржимаси.



Очил ТОҲИРОВ

АДАШГАН ОДАМ

Руҳингда яшайди таҳлика, ҳадик,
Юрагинг яғирдир гуноҳ тошидан.
Йўқ, яшай олмайсан сен бундан ортиқ,
Ичинга ютилган алам ёшидан.
Очилиб сўзлашга йўқ бирор киши,
Қисиниб-қимтиниб юрасан мудом.
Ҳаманинг ўзига етар ташвиши,
Тополмай доғдасан кўнглиннга ҳамдам.
Исмсиз дардлардан рангларинг синиқ,
Ботмон тош юкидан огирдир қадам.
Сени ўлдиради армон, хўрсиниқ,
Ҳаётда бир марта адашган одам.



Муборак.

Аъзам ИСМОИЛ

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР

Рамазони шариф — улғайган кунда
Жамолин кўрсатди кўкимда бадр.
Астойдил тиландим ўтинч унида.
Мен сени кутгандим Лайлат ул-қадр.
Лабимга салсабил май тутди ифтор.
Бир мусулмон ортиқ сени кутгайдир.
Наврўздан умидим сархуш буй, ифор,
Мен сени кутгандим Лайлат ул-қадр.
Сабрим дарахтини қирқ йил сугордим.
Олтин эмас эди илинжим — қадр.
Анқонинг уруғи экан бу савл,
Мен сени кутгандим Лайлат ул-қадр.
Бу фоний дунёдан излама уни,
Жонингга жавр қил, жонингга жавр.
Орқалаб қайтдим мен миннат юкини,
Мен сени кутгандим Лайлат ул-қадр.
Бандаси осийдир, бандаси ожиз.
Саждага бош ургил, саждага охир.
Ўзингдан бир наҳот бўлғайми Қодир,
Мен сени кутгандим Лайлат ул-қадр.
Муҳтожлик, сен айтгил, нимасан ахир.
Кимнинг аёғига йиқилдинг фақир?!
Ёзғайми пешонамга, ёзғайми тақдир:
Мен сени кутгайман,
Мен сени тутгайман,
Мен сени қутлайман
Лайлат ул-қадр.



Фаргона.

Сулаймон ШОДИЕВ

* * *

Бир кун майса бўлиб унаман дерди
Онам охиратин ўйлаб ғамбода.
Оқибат ўша кун бошимга келди,
Онам йўқ, онам йўқ, энди дунёда.
Осмон баланд энди, ер ҳам тош қотган,
Тошдан ҳам қаттиқроқ экан-ку сабрим.
Мана бу — майсага кўмилиб ётган
Менинг мушфиқина онамининг қабри.
Наҳот майса бўлиб унса одамзод!
Нега ишонмасдим, англамас эдим?
Унинг дардларини билсайдим, ҳайҳот,
Мен бугун фиғонлар айламас эдим.
Сен энди таскинлар излама, юрак,
Таскинлар беҳуда, ярамайдилар.
Оналар не деса ишонмоқ керак,
Оналар ҳеч қачон алдамайдилар!

Бухоро.



Нормурод НОРҚОБИЛ

АЛАНГА

Ҳикоя



Адирдаги сомон гарамларидан бирининг энсизгина соясида қалдирғочдай тизилишиб ўтирган болаларга пастдаги қишлоқ кафтдагидек яққол кўриниб турарди. Бор-йўғи қирққа яқин хонадонни ўзида жам этган, чинор дарахтидан асар йўқ эса-да, негадир Қўшчинор деб аталмиш мўъжаз бу маскан шу яқин-атрофдаги қишлоқларнинг энг йириги, шунингдек, ўзига хос маркази саналади. Марказ туси ва мавқеини берувчи қишлоқ кенгашининг чоғроққина гиштин кулбасию дўхтирхона ва дўкондан ташқари бино бўлганидан бери деворлари, нари борса, уч-тўрт бор оқ юзини кўрган саккиз йиллик мактабям бор эди. Тоққа туташ қир ўнгирларига тариқдай сочилган чор-атрофдаги дўппидек-дўппидек қишлоқ болалари эшагу пиеда шу ерга қатнашади. Мактаб ўзларида бўлгани учунми ё ўзга болаларининг, мусофир тортиб, бир оз қимтиниб юришлари туфайлими, бу ернинг болалари хийла боди, боз устига, жуда шўх-шодон эдилар. Юриш-туришда ўзларини ҳали умрларида кўрмаган шаҳарлик болаларга қиёслашарди.

Аммо айна пайтда аёвсиз қиздираётган офтобдан қочиб, гарам соясида тиқилишиб ўтирган болаларнинг чанг босган эринчоқ чехраларида бодиликдан асар йўқ, лоқайд ва сўник нигоҳлари қишлоқ кўчалари бўйлаб изгиса-да, бутун диққатлари қишлоқнинг кунчиқишидаги фермаҳонага бақам-ти қад ростлаган улкан сомон гарамиди эди. Гарам устида гимирлаётган оқ либосли кимсани кўз базўр илгарди.

Оқ либос кўздан йўқолиб, гарамдан қора бир нуқта — тиркалмали трактор ажралиши билан жусса жиҳатдан болаларнинг энг кичиги — Бобоқул уҳ тортиб юборди-да, қаватида Тиркаш тирриқнинг қариндоши Карим лўлабош ўтирганига қарамай, шалоқ сўзлар билан сўкинди. Унга бошқалар ҳам қўшилди, ҳатто Карим лўлабош ҳам бетараф қолмади — тупроқ йўлни чангитиб келаётган тракторга ўшайиб тикиларкан, ҳи-и, болонинг тешилгур, дея мингиллади. Одатда, Тиркаш тирриқ болаларни мана шу хилда сўкарди.

Қишлоқдаги бирдан-бир тракторнинг соҳиби бўлмиш бу одам ёз бошидан буён болаларнинг нақ жонини олмоқда эди. Шу бонс уни кўрарга кўзлари, отишга ўқлари йўқ эди. Унча болаларнинг у билан, унинг болалар билан иши йўқ — ҳар ким ўз йўли ва ўз куйида тинчгина гимирлаб юрарди.

Аслида бари совхоз раҳбарларидан бирининг мактабга ташрифидан бошланганди. Одатда, раҳбарлар мактабни камдан-кам эслашар, яъниким, ё чўлдаги пахтага, ё хашакка қўшимча ишчи кучи зарур пайлардагина қорасини кўрсатишарди. Шулар сабаб, эрта-индин бошланиши лозим бўлган ёзги таътидан сархуш тортиб юрган болалар мактаб директори ҳамроҳлигида синфга кириб келган раҳбарни бир оз қизиқиш, шунингдек, бир оз ҳадик билан қаршиладилар. Раҳбар бўлмиш жуда сўзамол экан, қўшқават бақбақасини кулгули тарзда ликиллатиб, гапни дарров мақтовдан бошлади.

Аввалига жиндек таъриф ва тавсифни қишлоққа бағишлади, сўнг негадир бошқа ерлик болаларни унутиб, беш лочин, беш бургут дея уччинорлик йигитчаларнинг қўлтиғига сув пуркай кетди. Хуллас, қизларнинг кинояли лаб буришларини демаса, йигитчалар мақтовдан роса семиришди. Бироқ орадан ҳафта ўтмай бор лаззатлари бурунларидан булоқ бўлиб чиқди: ҳар тонг пода йигиладиган муюлишда тракторини тўхтатиб қўйиб, бор овозда болаларни ишга чорлайдиган Тиркаш тирриқ уларни яхши сўзлар билан эркалаб ўтирмади, биринчи кунданоқ ўзининг қаттиққўллигини намойиш этди-қўйди. Беш лочин, беш бургутдан бири — Шавкат сариқ ошиққанидан паншаҳасини унутиб қолдирган экан, бундан Тиркаш тирриқнинг ёмон қаҳри кўзиди: "Нима, панжанг билан ортасанми сомонди, аҳмоқ?! — деди шанғиллаб. — Мактаб нимага ўргатган силарни ўзи? Арзимаган нарсага каллаларинг етмайди! Бу туришда биттанг ҳам одам бўлмайсан ҳали! Бор, шохангни опчиқ!" Куни кечагина сойда чўмилиб, қумда ағанаб, жарда чумчуқ тутиб, қушдай эркин юрган болаларга бу хил муомала жуда оғир ботди. Гурпанглашиб, ўзларича норозилик билдиришмоқчи эди, аммо эчкиларини олдиға солиб, шу воқеа устига келиб қолган мактаб директори совуққонлик билан жанжалга хотима ясади: "Энди силар кичкина болалармас, давлат одамисанлар, — деди шишинқи қовоқларини баттар уюб. — Бугундан эътиборан давлат манфаати йўлида меҳнат қиласанлар. Кимки меҳнатдан бўйин товласа, давлат қонуни олдида жавобгар шахс ҳисобланади..." Тиркаш, тирриқ бобиллаганча баттар отини қамчилади: "Бўйин товлаб кўришин-чи, нима қиларкинман! Агар тракторим бир кун бекор туриб қолса, биринчи гал оталарининг ойлигидан ушлаб қолинади, иштираф сифатида. Иккинчи гал эса... яхшиси, буларингизга айтиб қўйинг, қонун билан ўйнашмасилар..."

Шу кундан эътиборан болалар нафақат қонун билан ўйнашмоқни, балки ўзларининг кундалик ўйинларини ҳам унутиб қўйдилар. Тонгдан то шомгача тиркалмага сомон юклайдилар. Сомон-ку майли, енгил, гарди демаса, чидаш мумкин. Энг машаққатлиси икки қир оралигидаги бедазордан пичан юклаш эди. Беда дасталари оғир, боз устига, биринчи ўрим эмасми, хашаклар шу қадар бир-бирига ўралиб, чирмашиб кетганки, ердан узгунингча ўпканг нақ оғзинга келарди. Бундан, айниқса, Бобоқул беҳад азоб тортарди, пичан юклаш ҳатто тушларига кириб чиқарди. Оғир дастани кўтаришга чоғи келмай, қийналиб турганида бирдан уйғониб кетар, қарасаки, юлдуз тўла осмон остида, супада ётибди. Ана шунда бутун вужуди оромбахш фароғатни туюб, кўрпани бошига тортар, бундай пайтда у том маънода ҳузур қиларди. Аммо тонгда алмисоқдан қолган, лекин соат мурувватидай аниқ ва беҳато ишлайдиган тракторнинг пат-пати тиш оғриғидай тагин ғашига тегар, шунда у тўшак қатига сингиб, йўқ бўлиб кетгиси келарди. Бироқ бунинг иложи йўқ.

Тиркаш тирриқнинг ўткир ва кучли овози то болалар йиғилмагунча тинай демасди. Бундай пайтда Бобоқул бир истак оғушида ёнарди, қани энди имкони бўлсаю қовоқарининг инини ёпгандай, бир чангал лой билан тракторчининг оғзини шуваб ташласа. У бу ҳолатни кўз ўнгига гавдалан-тириб, ўзича кулар ва ҳар гал қайсарлик билан муюлишга энг охирида етиб келарди. Унинг аини шу қилиги Тиркаш тирриққа қор қилар, эвини топса, боланинг боғлаб таъзирини бергиси келарди. Аммо Бобоқул бўш келадиганлардан эмас, қутилмаган саркашона гаплари билан тракторчини дам-бадам каловлатиб турарди.

Уч кун бурун ҳам шунга ўхшаш воқеа бўлганди. Ушанда улар икки қир оралигидаги бедапоёда пичан юклашарди. Бобоқулдан нимжонроқлар у ёқда турсин, ҳатто синфнинг энг олди полвони ҳисобланмиш Мамасодиқ ҳам тўртинчи кунга бориб оёғи чалишадиган бўлиб қолганди. Бобоқулни-ку, қўяверасиз, тракторнинг улкан гилдираклари кўзига балодай кўринганидан қўлидаги паншахани гилдираклар резинасига санчиб-санчиб олгиси келарди. Уша куниям шитоб билан яқинлашаётган трактордан кўзини узмай, бошқалар қатори ноилж ўрнидан қўзғаларкан, тўнгиллади: "Энағарди трактори бузилиб-нетиб ҳам қолмайди, баҳонада озгина нафас ростлаб олармидик." Унга Мамасодиқ қўшилди: "Қани энди, тўсатдан балони пақ этиб ёрилиб кетса, нақ ярим кун дам олардик. Бир сафар ўзим кўрганман, битта балонни ярим кунда зўрга алмаштирган". "Ярим кун" деган жумла Бобоқулнинг хаёлидан кетмай қолди. Илгари ярим куннинг зигирча қадр-қиммати йўқ эди, энди эса, бу... озодлик, озодликдан ҳам кўра ором ва ҳаловат эди. Ҳар кунни эрталаб шошиб-пишиб ишга отланаркан, у ошхона сояси тушиб турган ҳовли четига ҳасрат тўла нигоҳини ташлаб ўтарди, эҳ-ҳ, қани энди эрки ўзида бўлсаю, сояга жой қилиб, кўм-кўк осмонга тикилиб ётса! Кўшини томорқадаги баланд тераклар, берироқдаги ўрик дарахти бу ердан туриб қараганда ажойиб манзара касб этарди. Саратдн кезлари сояда чўзилиб, бу манзарани томоша қилишни Бобоқул азалдан яхши кўрарди.

Хуллас, ўша кунни хаёл билан бўлиб, сустроқ ҳаракат қилди шекилли, трактор соянони остида ўмганини рул чамбарига ташлаб ўтирган Тиркаш тирриқ ҳар галидек, тажанг овозда ўдағайлаб қолди: "Ув-в, мишиқи! Нима, бугун нон емаганмисан? Тез-тез қимирласан-чи!" Оғир дастанни ердан узолмай, беҳуда тиршанглаётган Бобоқулга бу гап жуда алам қилиб кетди. Кўзига Тиркаш тирриқ тарих дарсликларида тасвирланган эзувчи синф вакилларидан бирига ўхшаб кетди. Тарихдан аълочи эмасми, қўлидаги паншахани бамисоли найзадай узиб, қайта дастага санчаркан, бегона овозда тарихона гап қилди: "Агар ҳақдеб эаверсангиз бизни, бақираверсангиз, билиб қўйинг, биз уюшган ҳолда стачка кўтарамиз!" Бу гапдан Тиркаш тирриқ ҳанг-манг бўлиб қолди. Негаки, гап сўнггида алоҳида таъкидланган "стачка" сўзини умрида эшитмаган, эшитмагани боис бу атама замирида мавҳум бир қудрат яширингандек туюлди. Тирриқлик деганда, тинимсиз меҳнату кўра тўла молдан ўзгасини кўз олдига келтирилмайдиган, аини пайтда эса, оқшом тиркалма тубида уйига олиб қайтадиган икки-уч қоп сомонни дебгина ёзининг жазирмасида трактор елдириб юрган бу акам ҳар қандай нотаниш сўзини идрок этишдан жуда ожиз эди. Даставвал, ўз ўлчамига сигдиролмаб, бир муддат доврираб, сўнг эса ўша кимсани бисотидаги энг шалоқ сўзлар билан ерга қориб ташларди. Шунга қарамай, Мамасодиқдан бу сўзининг маъносини секин сўраган ва "қўзғолон"га ўхшаш маъно англатишини билгач эса жуда ҳафсаласи пир бўлганди: "Фу-у, ўзимизди ўзбекча сўз экан-ку, мен нимақан деб ўйлабман". Албатта, унғача Бобоқулни мишиқидан олиб, мишиқига солиб, роса пўстагини қоққанди, ҳатто урмоқчи ҳам бўлганди.

Бобоқул бу пайтда у кафт тираб турган улкан гилдиракка синчков боқаркан, миҳ билан тешиб бўлармикин, жуда қалин-ку, деб ўйларди. Тиркаш тирриқнинг ҳақоратлари учун эмас, "ярим кун"лик ором илнжида хаёлга келганди бу. Ва ўша кунни ярим тунда бу ишни бир амаллаб адо этди ҳам. Эртаси тонгда тракторнинг одатдаги пат-пагини эшитмаган, мамнун жилмайиб, кун ёйилгунча чўзилиб ётди. Нонушадан сўнг ҳовлида ёлғиз қолгач, қалин қилиб сув сепди-да, ошхона соясига жой қилди. Таътил бошланганидан буён илк бор чилликдек ингичка қўлларини икки ёнга ташлаганча, кўм-кўк осмонга тикилиб ётди. Шундагина оғир меҳнатга кўникмаган билаклари ҳануз сирқираётганини, гар кеча тунда трактор гилдирагини тешмаганда ҳозир гард ва чангга беланиб, хашак юклаётган бўлишини ҳис этган сайин тагидаги ялангқат кўрпача тобора юмшоқ тортиб борар, қаттиқ болиш эса бамисоли момиқ эди. Япроқлари қуёш нурида кумуш янглиғ товланаётган тераклар осмон фониди

шу қадар фусункор манзара касб этгандики, кўз қараб тўймасди. У бу манзарага тикилар экан, қанча ётди, билмайди, лекин энди кўзи илинган экан, бир маҳал туйқусдан трактор патиллаб қолди. У ётган жойида ёмон анграйди: "Наҳотки шунчалар тез?" Худди шунн таъкидлагандай, сал ўтмай Тиркаш тирриқнинг ўткир овози саратоннинг қайноқ ва мудроқ ҳавосини тилкалаб юборди: "Болалар-ов!"

Ҳозир ҳам у аллақачон далага қайрилиб, ҳали пода оёғи остида топталмаган бўғдойполяларини босиб-янчиб келётган улкан гилдиракларга гамгин тикиларкан, беҳитиёр ўйларди: наҳотки, бу балондан қутиломоқнинг ҳеч иложи йўғ-а?

— Шу рейсдан сўнг абад, — деди Тиркаш тирриқ тракторини сомон гарамларидан бирига тўғриларкан. — Қани, чаққон-чаққон қимирланглар! Қанча тез қимирласаларинг, дам олишга вақтларинг шунча кўп қолади.

Бобоқул қанча тиришса-да, ҳамisha елга қарши туриб қоларди. Шабада томон зўрларники — Мамасодиқ билан Карим лўлабошники эди. Қолганлар сомон гарди остида ишлагша мажбур эди. Сомон гарди ўта ёқимсиз — терлаган баданга чиппа ёпишиб, ёмон қичитади.

— Чангитмасанг-чи, э! — Бобоқул қайноқ гармсел қўйни-қўнжини тўлдирган сомон гардидан қочиб, Карим лўлабошни ўхшатиб сўкди. Карим лўлабошнинг жавоби ўзиникидан бешбаттар бўлгач, у қўлидаги паншахани таҳдидли силкитди. — Ҳозир соламан бошингга шу-у... Ўласан!

— Кейин соласан! — деди бу гиди-бидини жимгина кузатиб ўтирган Тиркаш тирриқ. — Олдин ишни қилларинг! Кейин менга деса, бир-бирларингни гўштарингни емайсанларми?

— Қани энди, муздек сувга бир калла ташлаб олсанг, — деди Гофур новча камондек эгилиб, ичига тушган хас-хашакни қоқаркан.

— Бугун абадда сойга бориб бир чўмилмайми-а? — деди Мамасодиқ бир зумга нафас ростларкан, кўзларини қисганича, узоқ-узоқларга тикилиб. — Сойда сув кўпайган пайт... Роса маза қилардик-да...

— Қанақа чўмилиш? — гўё улар ҳозироқ чўмилишга жўнаб қоладигандай, Тиркаш тирриқ дарров замзамага ўтди. — Бир соатда нимага ҳам улгурардиларинг! Ҳеч қанақа чўмилиш-пўмилиш йўқ! Абад пайтда чўмилиш эмас, дам олиш керак. Кейин юрасан ҳамманг... кулга агнаган тайхардай мудраб.

— Янтоқчилар уч соат тушлик қилганда, нега биз доим бир соатгина дам оламиз, а? — деди Бобоқул.

— Бу янтоқчиларнинг иши, — деди Тиркаш тирриқ. — Бунга Салим чўтир жавоб беради. Бунинг устига, янтоқчиларнинг бари қизлар. Ё сенам қиз бўлмоқчимсан? Қиз бўгин кеса, марҳамат, кетавер. Нега турибсан, бор!

Бобоқул худди кетадигандай ҳаракатланди — паншахани елкасига ташлаб, четга чиқди.

Тиркаш тирриқнинг тиржайган башараси бирдан тунд-лашди.

— Ўт бу ёққа! — деди ўдағайлаб. — Сентябрьгача қутулиб бўпсан мендан энди! Тўрғайдай чуғурлашиб юрган пайтларинг ўтди. Бу ёғи фақат меҳнат! Қани, тез-тез қимирла! Сени ёшингда мен товдан бери келмасдим, сурув боқардим...

— Сурув боқиш, хашак ортиш эмас-да, — деди Бобоқул гаши келиб. — Бу қилигингиз болалар кучидан зулмкорона фойдаланотшдан ўзга нарса эмас! Сиз... сиз бориб турган эксплуататорсиз! Ҳатто тузукроқ нафас олишгаям қўймайсиз! "Эксплуататор" сўзининг лугавий маъносини аллақачон англаб улгурган Тиркаш тирриқ сагрисига аччиқ қамчи еган отдек диконглаб кетди.

— Яна шу гапми?! — деди трактордан сакраб тушаркан, оёғи остидаги кесакни дуч келган томонга телиб. — Мен сенга ҳали экс... экс... тфу, золиму зулмкор бўлдимми? Агар бу галингни биров эшитса, чиппа-чин ишонади. Тиркаш тирриқ инсофини еб қўйибди деб ўйлашади. Билишмайдики, мен бир кичкина одамман. Берган одамни ишлатадиган простой бир рабобийман. Сен бола ўпка-гинангни менгамас, салқингина идорада чивин қўриб ўтирган раҳбарларга қил. Саккизди болаларини чўлга ҳайдаб, силарни хашакка тикиштирган ўшаларда. Мен айтдим, ҳой, суяги қотмаган бу чақаларинг хашакка ярамайди, хашакнинг меҳнати оғир, битта-яримтасининг чурраси тушса, ким жавоб беради деб. Қайдам, эшитини ҳам хоҳлашмади. Сен эса нукул мени экс... тфу, одамни тилиям келишмайди. Қайдан топасан бунақа гапларни, а? Шовруқ дўхтирга ўхшаб сенам ўлғудай гапчиноз бўласан шекилли? Лекин мендан гиналама? Одам ўрнига итни берсам ишлатавераман мен. Кичкина бир

одамман-да. Аммо-лекин ўтган йилди болалари зўр эди. Адирдаги сомони августга қолмай адо қилувдик. Сизлар билан сентябргача чўзадиганга ўхшаймиз. Ҳали бу ёқда беданинг иккинчи, учинчи ўрими турибди. Ишқилиб, тракторим юриб турса, тиним йўқ силарга. Лекин яхши меҳнат қилларинг, қараб турмайман, Мели ферма билан ёқалашиб бўлса-да, улушларингга икки-уч тўп сомон қўштириб бераман. Агар маҳмадоналик қип, жонини чиқараверсаларинг, чатоқ қиламан. Ўтган йили Машир кампирнинг ўғлини ёмон боғлаганман — бодилик қилгани учун бир тутам ҳам сомон бердирмаганман...

— Лекин ўтган йили лагерда маза қилганман, — деди Ғофур новча. — Лагернинг шундай биқинидан сой оқиб ўтарди, кун бўйи сувдан чиқмасдим. Соя-салқин боғда... эй-й, нимасин гапирай! Қани энди, қанотинг бўлса-ю, пир этиб ўша томонларга учиб кетсанг.

— Обгимиз остидаги сойга етолмай турибмизу, сен лагерни гапирасан-а, — деди Мамасодиқ тўнғиллаб. — Осмон узилиб ерга тушсам, тушда бориб чўмилиб келаман. Тиркаш тирриқ чегирмайиб, унга сўз қотмоқчи эди, Бобоқул эпчиллик қилди.

— Тракторим бузилди деб, икки-уч кун дам берсангиз-чи бизга, а? — деди у тракторчига умидвор тикилиб. — Ҳар кун ишлайвериб, одамни тинкаси қўриб кетди-ку.

— Мели ферма қўяр мени, — Тиркаш тирриқ негадир андак маъюсланди. — Оқшом тўрт чангал сомонгаям рухсат бермай қўяди. Жуда ярамас йўғит у. Куйдирган калладай иршайиб юришларига ишонманглар. Шумлиқни зимдан қилади, одамни жон жойини мўлжаллаб уради. Ҳар кеч сомон опкетишни бас қилинг деса, Тиркаш аканг ўлди-да. Кейин қишда молларимга чопонимни едирамани? Турмуш деганлари кўп оғир нарса, ёшсизлар-да, билмайсизлар. Лекин меҳнатдан ҳеч ким ўлмаган. Уч-тўрт танга ортгирсаларинг, ўзларингга фойда — бирор корларингга яратасанлар...

"Фойда" ҳақидаги гап-сўзларга болалар зигирча эътибор беришмади-ю, лекин кейинги янглик деярли ҳаммасига бир хилда таъбир этди. Эмишчи, хўжалик раҳбарининг буйруғига биноан қишлоқ кенгашида "темир дафтар" жорий этилганмиш, меҳнатдан бўйин товлаган мактаб ўқувчиларининг исм-фамилияси ўша дафтарга тиркалармиш. Мактабни битириб, ўқиш дея шахарни кўзлаган боланинг, агар нома дафтарга тушган бўлса, боғлаб қаноти қайириб қўйилармиш, яъни қишлоқ кенгаши томонидан берилиши лозим бўлган зарур қозғ берилмасмиш...

Эркинлигигина эмас, келажак орзулари ҳам "жилов"га тушган болаларнинг дами ичига тушиб кетди. Ҳозиргина оғзидан "чўмилиш" тушмай турган Мамасодиқнинг чакаги тинди, паншаха тутган қўллари илдамроқ ҳаракатлана бошлади. Фақат Ғофур новчанингина парвойи фалак эди.

— Селсовет берадиган бир энлик қозғозга бурнимни артаман, — деди у бошқалардан устунлигини сезгандай талтайиб. — Саккизди битираману фермага ишга кираман. Бузоқбоқарликка. Хоҳласам, эртагаёқ хашакка чиқмай қўйишим мумкин. Биров менга гинг деёлмайди.

У ҳатто намойишкорона четга чиқиб олди. Эгилиб уст-бошини қоққан бўлди. Ҳожати бўлмаса-да, паншахасининг зўғотасини кўздан кечирди. Зўғота тешигидан сал чиқиб турган михни кўнжи қайрилган этиги остига олиб, тепкилади.

— Ҳой, найнов! — деди унинг ҳаракатларини истеҳзоли кузатиб турган Тиркаш тирриқ. — Нима, отангдан ҳам қўрқмайсанми? Хашак сўнггида қўлингга тегадиган бир принцип сомондан отангди умиди катта. Ишдан бўйин товлаганингни эшитса, этингни нимталар...

Бу гапдан сўнг Ғофур новча ҳам елкасини қисиб қолди. Келиб ишга тутинди.

Ишга ҳамманинг ипсиз боғланаётганини кўриб-билиб турган Бобоқулнинг юраги яна сиқилди. Теваракка лоқайд кўз югуртираркан, чуқур хўрсинди. Атроф кўнглини эзар даражада сўник, тик келган куёш нуридан қўшни адирлар живирлаб кўринарди. Унинг назарига, озодликка олиб чиқадиган барча йўллар тақа-тақ бекитилгандай эди. Шунинг учун, қанчалик ноқулай бўлмасин, тушда ўзини касалликка солди. Бу ҳақда хабар бериш учун муюлишга укасини юборди. Уқаси Мамасодиқни бошлаб қайтди.

— Тиркаш тирриқ ишонмаяпти, — деди у чаппа ташланган пўстак устида ётган жўрасига ҳавасланиб боқаркан. — Шовруқ дўхтирдан испаракаси бўлмаса, ўлганигаям ишонмайман, деяпти. Юр, баҳонадан фойда йўқ. Ўзинг биласан, бу ҳунарни тунов кунни ҳатто Ғофур новча ҳам эплаёлмади. Агар қўл ё обгингни синдириб ётмасанг... юрақол.

Бобоқул ичи буралиб оғриётган киши қиёфасида муюлишдаги тут соясида патиллаб турган трактор томон

бораркан, дунёда энг оғир касб "актёрлик" эканини англаб етгандай бўлди. У трактор ёнигача шу тарзда бордию, Тиркаш тирриқ бир ўқрайиб қараши билан башарасидаги беада азоб ифодалари исзис йўқолиб, тиркалмага тирмаша қолди. "Энагарди ўлган билан иши йўқ", деди ўртоқларининг ҳиринг-ҳиринг кулгиси остида. Тиркаш тирриқ эса худди бировга иддао қилгандай тракторини елдириб борарди. Бобоқул унинг жун босган ингичка бўйнига тикиларкан, илк бор кўнглида унга нисбатан нафрат ҳис этди.

Бошда чурқ этмаган Тиркаш тирриқнинг тили адирга етганларидан кейин ечилди.

— Ҳа, касал! — деди у қўллари белда, тиркалмани сомон тўпларидан бирига тўғрилаб, унинг қошига келаркан. — Сени деб ярим соат қулоғини ушлаб кетди. Агар Германияда (ҳарбий хизматни Олмонияда ўтаган ва шу боис ҳар икки гапнинг бирини даъво қилиб) шу қилигинги қилганингга, кетингга бир тепиб ҳайдаб юборишган бўларди. Лекин биз ҳам ёмон жазоламаймиз. Ёлгон баҳона билан ишдан қолдирганинг учун улушингдан бир тўпини чегириб ташлаймиз. Энди тўрт эмас, уч тўп сомон оласан.

— Менга деса, ҳаммасини чегириб ташламайсизми! — деди Бобоқулнинг гаши келиб. — Ана олинг, бердим ҳаммасини сизга! Сомонхонангизга сизгаси, уйингизга киритиб олинг!

— Ие, ҳам гарлик, ҳам пешкирлик экан-да, а? — Тиркаш тирриқ яна унга бақамти келди. — Сен боланинг ёмон тилинг чиқаяптими!

— Чикмай нима, болаларни бу қадар эзиб ишлатишга ким ҳуқуқ берган ўзи сизга?!

Бобоқул ўзини тутолмай хунук сўкинди. Сўкиши умумий эди. Аммо Тиркаш тирриқ буни ўзига олди. Қўллари газабдан чаққайиб, боланинг гарданига шапалоқ тортиб юборди.

Бобоқул учиб тушган жойидан сакраб тураркан, шартта паншахага ёпишди. Мамасодиқ ортидан келиб кучоқлади. Кимдир қўлидан паншахани тортиб олди. Беҳудага юлқинаётган Бобоқулнинг кўзи Тиркаш тирриқнинг кўзларига тушган, ортиқ талпинмай қўйди. Аҳмоқона қайсарлиги билан ном қозонган бу одам билан пачақилашиб ўтириш фойдасиз эди. У ўнг енгини ҳимаранча боланинг тумшугига мушт туширишга чоғланиб турарди.

— Қўйворинглар! — деди сокин оҳангда. — Қани, нима қиларкин? Қўйворинглар деяпман!

Бобоқул кучоғини бўшатган Мамасодиқни итариб ташлаб, ердаги паншахани қўлига олди-да, шартта изига бурилди. Қишлоқ томон жадал кета бошлади.

Оқшом отасига Тиркаш тирриқдан калтак еганини айтмади-ю, лекин ортиқ хашакка чиқмаслигини билдирди. Отаси бу фикрга қўшилмади: "Ўртоқларингдан узилма. Ишдан ҳали ҳеч ким ўлмаган. Кейин мавсум охирида хашакда ишлаганларга сомон бериларкан. Бир принцип сомон фалон пул турганда, хашакка чиқмайманнинг нимаси?". У отасига тик боқолмай гўдранди: "Уша... сомонни ўзим йиғсам-чи? Эшақда". "Ўтган йили жуда тиндиргансан, — деди отаси. — Уч ой ёз бўйи йиққанинг ярим сомонхона чиқмаган". "Йўл узокда, эшақда лиқиллаб боргунимча пешин бўлади". "Шунинг учун хашакдан қолма. Эртан Тиркаш тирриққа айтиб қўяман, кўзингни ўйиб ишлатсин!"

Озодлиқнинг сўнгги илнжидан ҳам маҳрум бўлган Бобоқул қоронгу тушганда тутзордан эшагини олиб қайтаркан, ялангликда қаққайиб турган тракторга кўзи тушиб, туйқусдан эркинликка йўл топгандай бўлди. Бу ўйдан товонигача жимирлаб кетди. Лекин Тиркаш тирриқдан еган калтаги эсига тушиб, қалби яна қасосга тўлди.

...У трактор тагига икки бор шох-шабба босиб, гугурт чаққанда, тун ярмидан оққанда. Қуруқ шох-шабба тез ўт олди. Олов тили трактор қорни ва сиртини бамисоли аждаҳодай ямлаб бошлади.

Бу пайтда у қочиб улгурганди. Келасолиб кўрпа тагига уриб кетганди. Юрагининг гурсиллаб уриши бутун оламни тутгандек эди. Ана шу шовқин ичидан аввал гумбирлаган портлаш овозини эшитди, сўнг одамларнинг ҳайқирғини:

— Пажар! Пажар!

Нариги супада ётган отаси, отасидан сўнг энаси ирғиб турдилар. Бобоқул ортиқ чидаёлмади, сакраб ўридан турди-да, отаси ортидан кўчага отилди. Аммо отаси каби ёрдамга эмас, ҳар эҳтимолга қарши тутзорга бекинмоқчи эди.

Ялангликка етганда беихтиёр тўхтади. Ёнилги баки портлаган улкан трактор аланга ичида қолган. Аланганинг бир чети сал наридаги сомон гарамига ўтган. Тиркаш тирриқ эғнида ёлғиз оқ иштон, оч арвоқдай ўт атрофида ирғишлаб юрарди.

Атроф аланга нуридан нурафшон тортган эди.

Танишинг:

"Кўзгу" студияси!



Уларнинг моҳирлик билан суратга олинган лавҳалари ёдингиздан кўтарилмаган бўлса ажабмас. Негаки / сиз ойнаижаҳон орқали завқланиб кўрган Ғулумжон Ёқубову Мирзабек Холмедов, Обиджон Асомову Охунжон Мадалиев, Юлдуз Усмоноваю "Ялла" гуруҳи ва бошқа кўйлаб санъаткорлар иштирокидаги томоша дастурларининг аксари-ятини шу студия аъзолари тасвирга туширишган. Мавриди

келганда студия аъзолари билан ҳам танишиб кўйлик. Юқоридаги суратда: (чапдан ўнгга) Армугон Орифжонов — раҳбар ўринбосари, Нуриддин Орифжонов — монтажчи, Қудратилла Файзуллаев — студия раҳбари. Пастки суратда эса студия раҳбари бош оператор Тўлқин Иноғомов, оператор Комил Отамўхамедов, ёритувчи Файзулла Солиҳов билан бирга иш устида.



